

465

Ўттиз тўққизинчи йил чиқиши

Шаввол 1446ҳ

Апрел 2025м



Кенг кўламли,
фикрий, сақофий журнал

Ал-Ваъй

Ал-Ваъй сўзи

Тариқат аҳкомлари йўлни назорат қилиш
tizимидир, восита ва услублар эса
йўл режаларининг асосидир

Халқлар ва
миллатларга
муружаат қилиш

9

Ақида ҳукмронлиги ҳамда
куч-қудратнинг синиши:

қачонки мафкура
қуролдан устун
турганда

54

Толибон ҳаракати
ва Халифаликни
тиклаш имконияти

17

Воқеликни ўзгартириш
ва куфр диёрини Ислом
диёрига айлантириш йўли

25

Ғазо ғалаба
қозонди...
ва режимлар
хиёнат қилди

63



465

Ўттиз тўққизинчи
йил чиқиши
Шаввол 1446ҳ
Апрел 2025м

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

Урибу сонда

- **Ал-Ваъй сўзи:** Тариқат аҳкомлари йўлни назорат қилиш тизимидир, восита ва услублар эса йўл режаларининг асосидир... 3
- Халқлар ва миллатларга мурожаат қилиш..... 9
- Толибон ҳаракати ва Халифаликни тиклаш имконияти..... 17
- Воқеликни ўзгартириш ва кўфр диёрини Исломи диёрига айлантириш йўли..... 25
- Оммавий ахборот воситалари ва унинг инсоният жамиятидаги роли..... 38
- Ғарб ташкилотлари ва уларнинг Умматимиз учун хавфи 48
- Ақида ҳукмронлиги ҳамда куч-қудратнинг синиши: қачонки мафкура қуролдан устун турганда 54
- Ғазо ғалаба қозонди... ва режимлар хиёнат қилди 63
- **Жаннат боғлари:** Уммат тарихидаги шарафли позициялар... Улуғ саҳоба Саид ибн Зайд  68
- **Қуръони Карим суҳбатида:** «Аллоҳ Таолонинг амри амалга ошгувчидир»..... 78
- **Олам мусулмонлари хабарлари**..... 84
- **Сўнги сўз:** Албатта Аллоҳ Ўзи (хоҳлаган) ишига Етгувчидир. Дарҳақиқат, Аллоҳ барча нарса учун миқдор-ўлчов қилиб қўйгандир . 90
- Миср Вазирлар Маҳкамаси фатво чиқаришни тартибга солувчи қонун лойиҳасини маъқуллади..... 92



وَاللَّهُ الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ

**ТАРИҚАТ АҲКОМЛАРИ ЙЎЛНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ТИЗИМИДИР, ВОСИТА ВА УСЛУБЛАР ЭСА ЙЎЛ
РЕЖАЛАРИНИНГ АСОСИДИР**

Аҳмад Қасос – Ливан

Ислом тариқат аҳкомларини уларнинг айна ўзи учун эмас, балки фикрат аҳкомларини амалга ошириш учун белгилаган. Шунинг учун уни амалга оширишда ундан кўзланган мақсадларни амалга оширишни эътиборга олишга буюрган. Чунки мақсадлар ва уларни амалга ошириш эътиборга олинмаса, бу аҳкомларнинг ҳеч қандай қиймати йўқ. Тариқат аҳкомларининг энг кўзга кўринганларидан бири бўлган жиҳод ва жанг аҳкомларини мисол қилиб олайлик.

Жиҳод ва жанг аҳкомлари... жанг орқали жиҳод қилиш, сўз ва пул билан жиҳод қилиш, талаб ва мудофаа жиҳоди каби жиҳоднинг турлари... жангнинг қачон фарзи айн, қачон фарзи кифоя ва қачон мустаҳаб бўлиши... тинчлик, сулҳ ва асирларга алоқадор ҳукмлар... шартномалар, иттифоқчилар, омонлик берилганлар ва элчиларга алоқадор ҳукмлар... болалар, аёллар ва қарияларни ўлдиришнинг ҳаромлиги... ибодатхона ва монастирларни бузишнинг таъқиқланиши... ғанимат ва ўлжалар ҳукмлари... жангдаги тақиқлар ва жоиз бўлган ҳаракатлар... рухсат этилган ва таъқиқланган қуролларнинг турлари... роя ва ливолар (байроқлар) ҳукмлари... булар ва булардан бошқа жиҳод ва жанг аҳкомларини ҳукмдорлар ҳамда жиҳод амиридан тортиб энг кичик жангчигача бўлган мужоҳидлар пухта ўрганган бўлиши ва уларга амал қилиши керак.

Аммо, ҳарбий мақсадларни амалга ошириш учун буларнинг ёлғиз ўзи кифоя қиладими? Булар душман устидан ғалаба қозонишнинг кафолатими? Булар уруш ва жанг санъатидан, жиҳозларни юқори даражада тайёрлашдан беҳожат қиладими? Ҳийла, зукколик ва услублар борасидаги ижодкорлик ўрнини босадими? Энг сўнгги ҳарбий мактаблар ва жанговар назариялар билан ҳамқадам боришдан беҳожат қиладими? Бу

барча турдаги қурул заводларини модернизация қилиш ўрнини босадими? Бу мутахассислар тажрибасидан, гарчи улар бошқа дин ва халқ вакиллари бўлса ҳам, фойдаланиш ва ҳатто сотиб олишдан беҳожат қиладими?

Жавоб аниқ: йўқ, таъкидлаб айтиш мумкинки, беҳожат қилмайди.

Бундан ташқари, ҳарбий қўмондонларни танлашда уларнинг тақводор ва ғайратли бўлиши эътиборга олинадими? Ёки уларнинг холис ва тақводор бўлишлари эътиборга олинаши билан бирга ҳарбий билимда қобилятли ва жанг санъатида моҳир бўлишлари ҳам эътиборга олинадими?

Набий ﷺ, рошид халифалар, қобилятли ва муваффақиятли ҳукмдорлар сийратидан келиб чиқиб жавоб берамизки, ҳарбий қўмондонларни танлашда, уларнинг холис ва тақводор бўлиши шарт қилинган ҳолда, қобилятли, малакали ва жанговар тажрибага эга бўлиши эътиборга олинади. Уларнинг энг тақводор бўлиши шарт эмас.

Кимки, қўмондоннинг куч-қувват сабаблари, малака ва қобилятга эга бўлмай, жанг санъатидан хабардор бўлмай, тариқат аҳкомларини ўрганган, тақводор ва ғайратли бўлишининг ўзиёқ ғалабага эришиш учун етарли деб алданса, у ўз Умматини ҳалокат сари етаклаган бўлади.

Бу назарий гап ёки даҳолик қилиш эмас, балки бунга Аллоҳ Таолонинг қуйидаги оятлари далолат қилади:

﴿وَأَنْفِقُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَلَا تُلْقُوا بِأَيْدِيكُمْ إِلَى التَّهْلُكَةِ وَأَحْسِنُوا إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ﴾

«Аллоҳ йўлидаги (кураш учун молларингизни) сарфланглар! Ва (бахиллик қилиш билан) ўзингизни ҳалокатга ташланг! Яхшилик қилинг! Албатта Аллоҳ яхшилик қилгувчиларни севади» [Бақара 195]

﴿وَأَعِدُّوا لَهُمْ مَا اسْتَطَعْتُمْ مِنْ قُوَّةٍ وَمِنْ رِبَاطِ الْحَيْلِ تُرْهَبُونَ بِهِ عَدُوَّ اللَّهِ وَعَدُوَّكُمْ﴾

«(Эй мўминлар), улар учун имконингиз борича куч ва эгарланган отларни тайёрлаб қўйингизки, бу билан Аллоҳнинг ва ўзларингизнинг душманларингизни қўрқувга солурсизлар» [Анфол 60]

Жанг ҳамда унга ва унинг услубларига алоқадор тариқат аҳкомларининг ҳолати шундай. Даъватни етказиш, унинг тариқати ва услубларидаги ҳолат ҳам шундай.

Агар сиз тариқат аҳкомлари ва уларнинг далилларини ўрганиб, уларни ёд олсангиз ва уларга амал қилиб, улардан оғишмасангиз, ўз тутган йўлингизда Аллоҳдан тақво қилган бўласиз. Аммо комил тақводорликка тариқатга амал қилишдан кўра кўпроқ нарсани қилиш билан, яъни ишни пухта бажариш, чиройли қилиш ва мақсадни амалга оширишга ижодий ёндашиш билан эришилади. Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ إِذَا عَمِلَ أَحَدُكُمْ عَمَلًا أَنْ يُتَقَنَّهُ»

«Сизлардан кимдир бир ишни қилса, Аллоҳ унинг шу ишни пухта қилишини яхши кўради».

Албатта бу услубларни танлашдаги маҳоратдир.

Сиз тариқат аҳкомларини ҳар қанча тушунган бўлсангиз ҳам, уларни англаб, далилларини пухта ўзлаштирган бўлсангиз ҳам, бунинг ёлғиз ўзи сизга йўл харитасини чизиб бермайди, шунингдек, эрталаб уйғонганингизда даъватдаги кунингизни қандай бошқаришингизни, даъватингиздан кўзлаган мақсадга эришишингиз учун жамиятга қандай кириб боришингизни айтиб бермайди. Шунингдек, тўсиқларни қандай енгиб ўтиш... ақллар ва қалбларга қандай кириб бориш... даъватингиз ва Умматингизга қарши фитналарни қандай барбод қилиш... лекция ўқишни қандай пухта ўзлаштириш... нашра ёки мақолани қандай қилиб яхши ёзиш... муваффақиятли конференцияни қандай ташкил қилиш... электрон алоқадан фойдаланишни қандай пухта ўзлаштириш... медиа тўсиқларини қандай ёриб ўтиш... фикрий ёки сиёсий мунозарада қандай устун келиш... оммавий ахборот воситасини қачон қабул қилиш керак ва қачон ундан юз ўгириш керак... журналист ёки медиа вакили сизнинг сўзларингизни тегишли контекстдан чиқариб юборишига қандай йўл қўймаслик керак... оммавий ахборот воситаси қачон имконият ва қачон тузоқ бўлиши ва шу каби ишларни сизга кўрсатиб бермайди. Тариқат аҳкомлари муҳим вазифага муносиб кишини қандай танлаш ва намойишларни қандай бошқариш... шунингдек, жамият қатламларини, яъни зиёлилар, талабалар, оддий одамлар, сиёсатчилар, уламолар ва савдогарларни жалб қилиш ўртасидаги фарқ ҳақида ҳам, уларни жалб қилишнинг даражалари, турлари ва шакллари ҳақида ҳам сизга маълумот бермайди.

Тариқат аҳкомлари шу аҳкомларнинг айна ўзи учун эмас, балки бошқа аҳкомлар учун, аниқ мақсадларни амалга ошириш учун қонунлаштирилган. Агар тариқат аҳкомлари, улардан кўзланган мақсадни амалга ошириш эътиборга олинмагани ҳолда уларнинг айна ўзи учун татбиқ этилса ёки ундан ҳам ёмони, уларнинг бирор нарсани амалга оширмаслиги идрок этилган ҳолда татбиқ этилса, бу тамоман қийматдан холи бўлган татбиқ этиш бўлади. Балки, бу жуда хавfli ва зарарли хатти-ҳаракатдир. Тариқат аҳкомларининг бу тарзда татбиқ этилиши шундай бир ҳарбий қўмондоннинг ишига ўхшайдики, у жангдан кўзланган мақсадни белгиламасдан ўз жангчиларини фақат жанг қилиш учун жангга ташлайди. Натижада, ҳеч қандай мақсад амалга ошмасдан одамлар ўлади, экин ва наслар ҳалок бўлади.

Исломий давлатни барпо этиш орқали исломий ҳаётни қайта тиклашга чақириш одамлар жамоаси олиб бориши мумкин бўлган энг оғир жанглардан биридир. Қолаверса, айниқса ҳозирги пайтда, жангларнинг энг оғири, машаққатли ва хавфлисидир. Чунки бу миссия қадимги тарихдан то бугунги кунгача бўлган энг қудратли, маккор ва айёр империяларга қарши туради. Бу империялар сизни фақат зулм ва шафқатсизлик билан қарши олиш билангина кифояланиб қолишмайди. Чунки бу ҳолатда уларга қарши муносабатингиз шунчаки сабот ва матонат бўлишини ўзи етарли бўлади. Аксинча, улар Исломга қарши туришда, зулм ва шафқатсизликдан ташқари, айёрликдан ва тарихда мисли кўрилмаган шайтоний услублардан фойдаланишади. Улар тадқиқот марказлари ва оммавий ахборот воситаларини бу ишга жалб қилишади. Жамият психологияси, бошқарув илмлари ва медиа-санъатдан, шунингдек, ҳужжатли ва ҳатто кўнгилочар фильмларни ишлаб чиқаришдан фойдаланишади. Улар ақлларни манипуляция қилишни, услубларни янгилашни ва терминларни ранг-баранглаштиришни, шунингдек, халқлар ва жамиятларни алдаш, ўзлари режалаштирган фитналарга уларни тортиш учун уларнинг табиатларига сизиб киришни пухта ўзлаштиришган.

Шубҳасиз, даъватни етказувчилар ҳокимиятга келишларидан олдин рақибларининг моддий имкониятларига эга бўла

олмайдилар ва уларда уларникидек катта медиа машинаси бўлмайти. Аммо шуни аниқ айтиш мумкинки, улар муқобил ахборот воситаларидан оқилона фойдаланишлари, шунингдек, душманларидан ўрганиб, уларнинг университет ва институтларида таълим олиб бўлса ҳам, партия ва уюшмалар бошқаруви фанлари ва санъатларини эгаллашлари, радио нотиклик санъатининг янги турларини ўрганишлари, ҳужжатли ва қисқа метражли фильмларни яратишда тажриба оширишлари мумкин. Масалан, саҳобалар ўқиш ва ёзишни баъзи Қурайш мушрикларидан, қурол ясашни эса бошқалардан ўргандилар, хандақ қазиш услубини форслардан олдилар. Умар ибн Хаттоб  бошқарув (девоңлар) услубларини румликлар ва форслардан олди.

Жамоатчилик фикрини шакллантириш ва унга таъсир ўтказиш учун жамоатчиликка мурожаат қилиш услублари, бу даврда университет ва институтларда ўргатиладиган фандир. Иқтисодий низом (иқтисодий қонунчилик) иқтисод илми ўрнини босмаганидек, шаръий аҳкомлардан бўлган бошқарув низоми идора ва сиёсат фанларидан беҳожат қилмаганидек, жамоатчиликка мурожаат услубларини ҳам шаръий тариқатдан ажратиш жоиз эмас. Агар сиз ушбу фанни чуқур ўргансангиз, бутун жамиятга, унинг сиёсатчиларига, ёш авлодга, ҳарбийлар ва озчиликларга... уларнинг ҳар бирига ўз услубларида мурожаат қилиш ҳақида сизга маълумот беради. Бу услублар, гарчи шаклда бўлса ҳам, уларнинг ҳар бирига мурожаат қиладиган бир нечта тузилмалар ёки структураларни талаб қилиши мумкин. Масалан, талабалар учун ўқиш ва ота-оналар васийлиги босқичидан ўтгунга қадар ўз қобилиятлари ва танловларини эътиборга оладиган гуруҳ ажратилади. Зиёлилар учун уларнинг қўшадиган ҳиссаларини тартиблаштирадиган ва кучларини йўналтирадиган қўмиталар бўлади. Савдогарлар учун уларнинг огоҳликларини ўзига жалб қиладиган ҳайъатлар бўлади. Халқ кучлари учун уларни сафарбар қиладиган етакчиликлар бўлади... Шундай қилиб ўзгартириш кучлари ўзига мажбурият олган аъзолар, «рамкага солинган» тартибли ансорлар ва чақириққа жавоб берадиган оддий халқ ўртасида тақсимланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тариқатни англаб, унга амал қилганингиздан кейин, услублардаги ижодкорлик ва бу борада заковатли бўлиш, шунингдек, уларнинг санъати, илми ва янгиликлари билан ҳамқадам бўлишдан бошқа ҳеч нарса сизни олдинга силжитмайди.

Тариқат даъватни назорат қилиш, уни оғишлар ва хатолардан ҳимоя қилишга энг яқин нарсадир. У йўлнинг асосий нуқталарни ўз ичига олган кенг чизиғидир. Агар Аллоҳ таолога нисбатан холислик бўлса ва тўғри йўлда собит қолиш ҳамда оғишмасликка азму-қарор қилинса, унга амал қилиш ва ундан чекинишдан сақланиш осон бўлади. Ақлли услублар, уларнинг санъати ва илмларига келсак, улар янгиланувчи йўл харитаси ва энг катта қийинчилик бўлиб, унинг остонасида муваффақиятсизлик ёки муваффақият ётади. Агар тариқатдан оғиш ҳалокат бўлса, самарали услуб ва воситаларни қўлламаслик, уларнинг санъати ва илми билан ҳамқадам бўлмаслик айни муваффақиятсизликдир. Бунинг натижаси йўл боши ёки ўртасида тўхтаб қолиш бўлиши ҳам мумкин.

Шуни ҳеч унутмаслик керакки, буларнинг барчасининг устида, ундан олдин, унинг давомида ва ундан кейин ҳам Аллоҳдан тақво қилиш, Унга нисбатан холис ниятли бўлиш ва ушбу буюк эзгу вазифа учун руҳий озуқа билан таъминланиш лозим. Чунки бу ваҳший, жиноятларга тўла дунёда, Аллоҳ Таолонинг ёрдами ва тавфиқисиз сабот, матонат ва давоматли бўлиш имконсиз. □

ХАЛҚЛАР ВА МИЛЛАТЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ

Оиша Заътарий – Фаластин

Халқлар ва миллатлар сиёсий тузилмалар, жумладан, давлатлар, партиялар ва бошқалар учун асосий фаолият майдони ҳисобланади. Одамлар жамиятнинг энг муҳим таркибий қисми ва унинг асосий устуни бўлиб, фикр, туйғу ва низомлардан иборат жамиятнинг қолган таркибий қисмлари уларга боғлиқдир. Чунки низом уларга татбиқ этилади ва улар жамиятдаги ҳукмрон фикрларни кўтариб юрадилар ҳамда ҳиссий жиҳатдан улардан таъсирланадилар. Шунинг учун сиёсатчилар одамларнинг етакчилигига эришиш учун уларга муурожаат қилишга ва улар билан ҳамкорлик қилишга эътибор беришлари керак.

Давлатнинг принципи – одамларнинг ишларини ғамхўрлик билан бошқариш ва уларнинг муносиб турмушини таъминлаш учун қонунлар қабул қилишдир. У ўзининг бошқарув низомини ва куч омилларини сақлайдиган қонунларни қабул қилганида, халқ базасини сақлаб қолиши керак. Чунки ҳукмрон режимни қўллаб-қувватловчи куч омилларининг энг муҳимларидан бири халқ базасидир. Давлат ижрочи вужуд бўлиб, одамлар бевосита ёки билвосита ушбу низомни амалга ошириш субъекти ҳисобланади. Улар, шунингдек, ушбу давлатнинг сиёсий тизими ва унга асосланган фикрлар ўзаро бир-бирига таъсир қиладиган муҳитни ташкил этадилар.

Бу давлатга нисбатан. Аммо партияларга келсак, уларнинг принципи – ўзлари кўтариб чиқаётган сақофатлар, сиёсий ва фикрий лойиҳалар орқали одамларга эътибор қаратишдир. Сиёсий партиялар муайян фикрларга асосланган сиёсий лойиҳаларни кўтариб чиқадиган уюшмалардир. Одамлар эса уларнинг лойиҳалари ва шу лойиҳалар асосланган фикрлар учун интерактив (ўзаро фаолиятга асосланган) майдон бўлиб, улар партиялар фаолияти ва таъсирининг ўрни ҳисобланади. Улар ўзлари кўтариб чиқаётган сақофат, лойиҳа ва ғояларда одамларнинг қўллаб-қувватловига муҳтож. Ҳатто ҳукмдорлар ва режимлар билан бўлган сиёсий муносабатларида ҳам, улар ўзларининг атрофида одамларнинг жипслашишига муҳтож.

Шунга кўра, одамлар сиёсий ҳаёт унинг атрофида айланадиган муҳим жиҳат ва унинг ичидаги интерактив ўқ бўлганлари учун, сиёсий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг ҳуқуқларига, Роббилари низоми билан

бошқарилиш, ҳукмдорларни сайлаш ва уларни муҳосаба қилиш, сиёсий партиялар лойиҳаларини қабул қилиш ёки рад этиш, ушбу партиялар билан ҳамкорлик қилиш, ўзлари учун муносиб ҳаётни таъминловчи жамиятда яшашни талаб қилиш ва булардан бошқа ҳуқуқларни мисол қилиш мумкин.

Одамларнинг ўзлари рози бўлган бошқарув низомлари ва ҳукмдорларни ҳокимият тепасига олиб келишлари табиий. Бу уларнинг қўллаб-қувватлаши ҳамда фикрий ва сиёсий эргашишларининг табиий натижасидир. Агар бу (уларни ҳокимиятга олиб келиш) қийин бўлиб, ҳокимият куч билан қўлга олинса, бу ҳолда ҳокимиятни қўлга киритиш жараёнини халқ оммаси қўллаб-қувватлаши ва татбиқ этилиши ирода қилинган янги бошқарув низоми атрофида бирлашиши керак бўлади. Акс ҳолда, бу давлатнинг пойдевори барқарор бўлмайди.

Шу боис, сиёсатчилар одамларга етакчилик қилишни қўлга олиш, халқ оммаси орасида халқ базасини яратиш ва агар халқ базаси мавжуд бўлса, уни кучайтириш учун уларга жиддий эътибор қаратишлари зарур. Бунга фақат улар таъсирланиб, уларга етакчилик қилишга эришилгунига қадар уларга мурожаат қилиш ва улар билан ҳамкорлик қилиш орқали эришилади. Акс ҳолда, уларнинг ролини эътиборсиз қолдириш умид қилинган ғояларнинг амалга ошишига тўсқинлик қиладиган хавф-хатарларга олиб келади, оқибатда бу партияларнинг мавжудлиги ва давомийлигини хавф остига қўяди.

Демак, халқлар ва умматларга мурожаат қилиш – уларни маълум мақсадларга эришиш йўлида етаклаш учун – етакчиликни қўлга киритиш воситасидир. Ушбу мурожаатнинг асоси уларнинг ақл-заковатлари ва тафаккурига, шу билан бир қаторда инсонийлиги ва фитратига уларнинг ўзлиги ва мансублигини белгиладиган, қадр-қимматини кафолатлайдиган, шунингдек, уларни юксалтирувчи ва ўз жамиятларида муносиб ҳаёт мазмунини топишга имкон берувчи муолажаларни тақдим этадиган сақофат билан мурожаат қилишдир. Агар улар бундан қаноатланиб, уни қабул қилсалар уларга бўйсуниб, уларнинг сиёсий лойиҳалари атрофида бирлашадилар.

Одамларга мурожаат қилиш уларнинг ишлари ва манфаатларини қабул қилишдан масъул бўлган сиёсатчиларнинг улар билан муносабатлари моҳиятини,

шунингдек, улар билан ҳамкорлик қилишда ўзлари эргашаётган тариқатни белгилаб беришларига боғлиқ. Бу қуйидаги тартибда бўлади:

Биринчидан: агар одамларга сиёсий ҳаётда белгиланган вазифалар ва роллар билан иштирок этувчи, бир-бирини тўлдирувчи ҳамкорлик муносабати асосида қаралса, у ҳолда уларга мурожаат қилишда ўзаро таъсир қилиш ва жалб этиш тили қўлланилади. Бу эса уларнинг етакчилигини қозониш, ўз вазифаларини адо этишга ундаш, ҳамда жамиятда кўзланган таъсир ва таъсирланишни амалга ошириш учун бўлади.

Исломдаги сиёсат одамлар билан ҳамкорлик қилишдаги ушбу тариқатнинг энг ёрқин намунасидир. Ислом одамларнинг сиёсий ҳаётда иштирок этишдаги табиий ҳуқуқини тан олади. Бундан ташқари, бу Ислом Умматининг шаръий ҳуқуқи ҳамдир. Ислом салтанатни Умматга беради. Чунки у Аллоҳнинг шариати татбиқ этилишидан ҳамда унинг номидан шариатни татбиқ этувчини тайин қилишдан жавобгардир. Суверенитет шариатники, салтанат-ҳокимият Умматникидир. Бу икки қоида Исломдаги бошқарув қоидаларидандир. Ислом одамларни ўз дошқозонида эритиб тоблашга ҳаракат қилади. Токи улар Исломга ақида ва шариат сифатида фикран эргашсинлар, яъни Умматнинг ва унинг давлат билан бўлган алоқасининг ажралмас бир қисмига айлансинлар.

Ислом одамларга мурожаат қилиш ва уларни ўз дошқозонида эритиб тоблашда ўз тариқатига эга. Бу (тариқат) Ислом давлатига ҳамда ер юзида динни барпо этиш учун даъватни кўтариб чиқаётган сиёсий партияларга ва Ислом давлати соясида фаолият юритувчи партияларга шариат белгилаган муайян ғояларни амалга ошириш учун фарз қилинган. Бу шаръий аҳкомлар мажмуасидан, хусусан, Росулulloҳ ﷺнинг сийратларидан, даъватни ёйиш ва Ислом давлатини барпо этишдаги тариқатларидан яққол кўриниб турибди.

Росулulloҳ ﷺнинг тариқатларига келсак, у зот Исломни ёйиш ва Ислом давлатини барпо этиш учун саҳобаи киромларни ўзлари билан бирга даъват фаолиятини олиб боришда уюштирар эканлар, бу билан Аллоҳнинг динига кирган одамлар ролининг муҳимлигини тасдиқладилар. Ҳатто Ислом тарихи уларнинг даъватни ёйиш ва давлатни барпо этишдаги қаҳрамонликлари билан порлади.

Росулulloҳ ﷺнинг тариқатлари одамлар билан ишлашга, уларни Ислom даъватига жалб қилишга, фикрий ва ҳиссий жиҳатдан уларни Ислom дошқозонида эритиб тоблаш учун улар билан ҳамкорлик қилишга, шунингдек, даъватни, давлат барпо бўлганда уни қўллаб-қувватловчи халқ базасини табиий равишда яратилиши учун уларнинг ўртасида даъват ҳақида райи омни шакллантиришга асосланган. Бу билан Уммат оммаси ер юзида динни барпо этиш учун фаолият олиб бораётган уюшма билан бир хандақда бўлади. Шунда Уммат оммаси, уюшма ва давлат битта хандақда бўлиб, уларни муслмонлар имоми Ислom сояси остида бирлаштиради. Шу тариқа муслмонлар жамоаси вужудга келади.

Росулulloҳ ﷺнинг тариқатлари одамларнинг Ислom динига кириши ва уларнинг Ислom даъватини тарқатиш ҳамда Ислom давлатини барпо этиш ишларида бирга, жипслашиб фаол қатнашишларининг муҳимлигини тасдиқлайди. Пайғамбар ﷺ азиз асҳоблари лар билан ҳамкорликда даъват ишларини олиб бордилар ва шу тариқа Ислom тарихи уларнинг даъватни кўтариш ва давлат барпо этишдаги жасоратлари билан порлади.

Буюк саҳобий Мусъаб ибн Умайрнинг барпо бўлажак давлат учун халқ базасини яратиш мақсадида Ясрибда эритиб тоблаш ишини амалга ошириши Росулulloҳ ﷺнинг тариқатлари динни етказиш ва уни ер юзида барпо этиш учун одамлар билан бирга ишлашга асосланганига энг яхши мисолдир.

Ҳизб ут-Таҳрир мабдаси Ислom бўлган сиёсий ҳизб сифатида, Халифаликни барпо этиш йўлида Росулulloҳ ﷺнинг айни шу тариқатларига эргашади. У Уммат билан бирга ва у учун фаолият олиб боради. У ўз аҳлини алдамайдиган етакчи бўлиб қолиш учун Умматга ростгўй тил билан мурожаат қилишга ҳаракат қилади. Ҳизб Аллоҳ Таолонинг ёрдамига таяниб, Халифалик лойиҳасини қўллаб-қувватловчи, уни ва Аллоҳнинг шариати татбиқ этилишини талаб қиладиган халқ базасини яратишга бор кучи билан ҳаракат қилмоқда.

Ислomий шариатга келсак, у давлатни барпо этишда ва унинг барпо этилганидан кейинги фаолиятида Умматнинг роли муҳимлигини белгилаган аҳком ва тушунчаларга тўла. Ислomий жамоат тушунчаси, розилик ва ихтиёрга асосланган байъат аҳкомлари, салтанат Умматники экани ва уни ундан тортиб олишнинг ҳаромлиги, Умматнинг ҳукмдорларни муҳосаба

қилишининг фарзлиги, шўро аҳкомлари, халифанинг Уммат вакили экани ва унинг Умматга ажир (ёлланган ишчи) эмаслиги, ҳукмдорларнинг фуқароларга зулм қилишини бартараф этиш учун Маҳкаматул мазолимнинг бошқарув жиҳозларидан бири сифатида мавжуд бўлиши, агар ҳукмдор очиқ куфрни изҳор қилса унга қарши жанг қилишнинг фарзлиги, фатҳ қилинган юртлардаги янги Исломга кирган халқларга – улар Умматнинг ажралмас қисмига айланишлари учун – давлат томонидан дин ҳукмларининг ўргатилиши ва уларга Ислом сақофатининг берилиши ва булардан бошқа шаръий аҳкомлар Исломий давлат билан Уммат ўртасидаги муносабатларнинг бир-бирини тўлдирувчи муносабат эканлигини тасдиқлайди.

Иккинчидан: муносабатлар одамлардан ҳокимиятни тортиб олиш, уларни сиёсий ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ва давлатга нисбатан роли ва мажбуриятларини бекор қилишга асосланган вақтда давлат бўйсундириш, мажбурлаш ва зулм қилиш тилига мурожаат қилади. Режимлар диктаторликка, халқнинг режим билан муносабати душманлик муносабатига айланади. Чунки ҳукмдор аслида ўзини ўз халқи учун қайғурган ҳукмдор эмас, балки ҳокимиятни ўзлаштириб олган золим ва халқ душмани қилиб қўяди. У ўз халқи билан ҳар қандай фикрий ва ҳиссий алоқаларни узади.

Бу бизнинг исломий юртларимиздаги золим ва малай бошқарув режимларининг аҳволидир. Чунки бу режимлар ўз халқига шафқатсизлик, жиноят, бир бурда нон ва печка ёқилғиси каби энг зарур нарсалардан маҳрум қилишдан бошқа тилда мурожаат қилмаган. Буларнинг барчасини халқларни сиёсат билан шуғулланиш, фикрлаш ва ҳуқуқларини талаб қилишдан чалғитиш учун тирикчилик билан банд қилиш сиёсати доирасида қилишади. Ҳатто бепоён юртлар мазлум халқлар қамоқхонасига айланиб қолди. Бу аламли ҳолат одамларнинг режимларга қарши исён кўтариши ва портлашидан дарак берар эди. Чунки узоқ давом этган зулму-зўравонлик тунидан кейин, албатта, бир кун келиб тонг отиши керак. Ўша кунда одамлар уйғониб, ҳақ-ҳуқуқларини талаб қиладилар ва зулму-зўравонликни рад этадилар. Шунинг учун араб юртларидаги мусулмон халқлар режимларга қарши чиқиб, уларнинг кетишини талаб қилдилар.

Давлат ўз халқига қанчалик зулм қилса, ҳақиқатда у шунчалик заифлашади. Чунки халқнинг давлат билан бўлган табиий муносабати режим атрофида бирлашиб, уни қўллаб-қувватлаши ҳамда армия ва юртдаги куч эгалари билан бирга унинг табиий ҳимоячиси бўлишидир. Бу халқнинг ҳуқуқи ва бурчидир. Агар давлат халқни бостириш ва бурчларини бекор қилиб, ҳуқуқларини инкор этиш учун зулм ва зўравонлик тилини ишлатса, халқда нотинчликни ҳамда ўзи билан халқ ўртасида душманликни юзага келтиради. Чунки халқ давлат қувватининг энг муҳим омилидир. Халқни бостиришда зўравонлик сиёсатини қўллаш ушбу энг муҳим омилни бартараф этади, заифлаштиради ва уни заифлаштирувчи омилга айлантиради. Бу ҳолат давлатни заифлаштиради. Ҳукмдорлар зулмлари орқали тахтларимизни ҳимоя қилмоқдамиз деб ўйлашса ҳам, аслида халқ қўллаб-қувватловини йўқотиб, ўз тахтларини мўрт тахтга айлантиради ҳамда ўзларига қарши халқнинг адовати ва нафратини пайдо қилишади.

Ислоний юртларимиздаги ушбу режимларни Британия, Франция, кейин Америка каби Уммат душманлари ўрнатган. Шунинг учун улар мустамлакачининг юртларимиздаги ҳарбий иштирокига қўшимча яна бир юзига ва унга тобе мустамлакачилик қуролига айланишди. Мустамлакачи улар орқали ўзининг кун тартибини, Умматимиз ва юртларимизга қарши режаларини амалга оширади. Мустамлакачи ҳокимиятни мусулмон халқлар вакили бўлмаган, халқ қўллаб-қувватламаган, ҳатто рад этган оила ва тоифаларга топширди. Агар иш ўз аҳлига топширилганида эди, бу оила ва тоифалар ҳеч қачон ҳокимиятни ўз қўлларига олишмаган ва одамлар орасида таниқли кишиларга айланмаган бўлишарди. Бу мустамлакачи кофирларнинг ҳукмрон режим билан халқ ўртасидаги бўлинишни кучайтириш, уларнинг ўртасида душманликни пайдо қилиш ва халқнинг давлат билан бирлашишига йўл қўймаслик режасининг бир қисмидир. Шунинг учун кофир давлатлар юртларимизда доимий равишда тоифачилик низоларини қўзғайди, хавфсизлик ва разведка тизимларини қўллаб-қувватлайди, шунингдек, одамлар орасида Ислоний йўқ қилишга ва юртларимизга коррупцияни олиб келишга интилади. Буларнинг барчаси ва яна кўп

ишлар Ислом Умматини ва Уммат орасидаги холис кишиларни ҳокимият жоловини қўлга олишдан узоқлаштириш ҳамда Ислом давлати қайта тикланмаслигини кафолатлаш учун қилинмоқда.

Суриядаги алавий Баас режими бунга мисолдир. Чунки режим Сурия халқининг биринчи душмани эди. У зулм ва репрессиянинг барча воситаларидан фойдаланганига, Америка ва унинг тарафдорлари томонидан қўллаб-қувватланганига, шунингдек, ўнлаб йиллар давомида одамларнинг бўйсунуши, сукути ва қўрқувига қарамай қулади. Аммо улар қўзғолон кўтариб, озодликни, ҳақ-ҳуқуқларини ва Парвардигорларининг шариати татбиқ этилишини талаб қилган эдилар яна зулмга дучор бўлдилар. Ҳатто улар озодликка ва талаблари бажарилишига эришиш, шунингдек, уларни бошқариб келган Баас тоғутидан халос бўлиш учун ўзлари эга бўлган энг қадрли нарсаларни қурбон қилишга мажбур бўлдилар.

Учинчидан: ҳукмдорлар одамлар ва уларнинг бошқарувни қўллаб-қувватлашдаги ролини тан олишган, лекин иккиюзламачилик йўлига эргашишган вақтда уларга мурожаат қилиш тили адаштириш ва алдаш тили бўлиши мумкин. Чунки уларнинг бошқарув низоми ёки йўллари одамларнинг ўзлиги ва сақофатига зиддир. Баъзи режимлар, ҳаракатлар ва жамоалар омма қўлловига эришиш мақсадида уларни ўз атрофларида бирлаштириш учун шундай йўлдан юришади. Бу, масалан, иқтисодий ютуқлар, у ёки бу тарзда Уммат душманларига қарши туриш, душманларни қисман мағлубиятга учратиш ёки Америка ва яҳудий вужудига қарши шиорларни кўтариш каби ташқи кўринишидан одамлар манфаатини қабул қилиш ва уларнинг талабларини бажариш бўлган ишлар орқали амалга оширилади. Бу эса, оммада қониқиш ва қабул қилиш ҳолатини пайдо қилади. Одатда бу алданган одамлар томонидан шахсларнинг – ҳатто уларнинг эгрилиги аниқ кўриниб турса ҳам – улуғланиши ва олқишланиши билан яқунланади.

Халқларга мурожаат қилишнинг бундай услубига Эрдоган ва унинг Туркиядаги ҳукумати сиёсатини мисол қилиш мумкин. У Ислом шариатини татбиқ этмаслигига, мусулмонлар душмани бўлган Америка орбитасида (таъсир доирасида) айланиб, мустамлакачилар манфаатларини амалга оширганига қарамай,

шунингдек, Туркия эга бўлган улкан ҳарбий ва иқтисодий имкониятлар қўлида бўла туриб, қайта-қайта муслмонлар масалаларига лоқайд қараганига қарамай... у ўзи учун Туркияда ва исломий минтақада катта жамоатчилик базасини ярата олди. Бунга унинг ҳукумати эришган иқтисодий ютуқлар, иқтисодий муаммоларга берилган ечимлар орқали эришди. Бу эса, одамларга мақбул турмуш тарзини таъминлади ҳамда Туркияни ҳарбий қудратига қўшимча равишда кучли ва ривожланаётган давлат сифатида кўрсатди. Шунинг учун одамлар унинг ютуқларига рози бўлиб, унинг сиёсатини қўллаб-қувватлашди. Бундан ташқари, у муслмон халқ садоқати ва қўлловига эришиш учун ўзини исломий либосда кўрсатиб, одамларнинг ҳис-туйғуларини қўзғади.

Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, бугунга келиб муслмон халқларнинг, ўнлаб йиллар давомида катта воқеаларни бошдан кечирганидан сўнг, тафаккури ва онги ўсди. У воқеликни ўзгартириш, Аллоҳнинг шариати татбиқ этилишини талаб қилиш, муборак заминни озод қилиш, Росулulloҳ ﷺнинг Исро масканини қайтариш, тоғут режимларни қулатиш каби тақдирий масалалар ва булардан бошқа масалалар билан шуғулланишга мажбур бўлди. Аммо улар бошдан кечирган ҳар бир воқеада уларнинг компаси синовдан ўтади ва кўп марта тўғри йўлни топади, лекин душманлар ва уларнинг юртларимиздаги малайларининг кучи ва таъсири туфайли тўғри йўлдан оғади. Чунки душманларимиз макр-ҳийла қилиб, тил бириктиришмоқда ва кўп ҳолларда Умматнинг компасини буриб юборишга, саъй-ҳаракатларини барбод қилишга муваффақ бўлишмоқда. Шунинг учун Уммат холис ва онгли етакчиликка муҳтож бўлиб қолмоқда. Зеро, онгли етакчилик унга йўл кўрсатади ҳамда Парвардигори шариати билан уни бошқарувчи муслмон ҳукмдор ортида сафларни бирлаштирадиган лойиҳа билан, муаммолари учун шариат белгилаган ечимлар билан мурожаат қилади. Аллоҳ Таоло Ўзининг садоқатли бандалари орасидан Ўз дини учун аскарларни тайёрлайди. Уммат учун уни воқеликни ўзгартириш, нусрат ва ғолиблик сари етакловчи кишиларни чиқаради. Бу иш Аллоҳга қийин эмас. □

ТОЛИБОН ҲАРАКАТИ ВА ХАЛИФАЛИКНИ ТИКЛАШ ИМКОНЯТИ Юсуф Арслон – Афғонистон

Бу дунё ҳаёти зиён суви билан тўлдирилган ҳовузга ўхшайди, ундан фақат имкониятлардан фойдаланишни билган ғаввосларгина қутула оладилар. Шунинг учун ҳам қиёмат куни «ҳасрат-надомат куни» деб аталди. Чунки кўп одамлар дунёдаги зиёнга ғарқ бўлиб, ҳаётларидаги бебаҳо имкониятлардан унумли фойдалана олмай, Аллоҳ Таоло Умматнинг уйғониши ва кучайиши учун ато этган олтин лаҳзаларни осонликча совурди. Бундан фарқли ўлароқ «аввалгилар» охиратда юқори мақомларни эгаллайдилар, чунки уларнинг энг кўзга кўринган хислатлари фурсатни ғанимат билиб, ўз вақтида ундан унумли фойдаланиш эди.

Имкониятлар тезда кўздан ғойиб бўладиган булут ёки овлаш қийин бўлган тез жайронга ўхшайди. Мўмин одам ҳушёр овчига ўхшаб, доимо имкониятлардан фойдаланишга интилиши ва уларни диққат билан кузатиб бориши керак. Демак Аллоҳ Таоло бизнинг шахсий ва жамиятдаги ҳаётимизда вақти-вақти билан гуноҳларимизни ювиш ва руҳий даражамизни кўтаришимиз ёки Аллоҳнинг нусрати ва тавфиқиға эришимиз учун бебаҳо имкониятларни беради. Бу жумла нақадар гўзал: «Роббингиз сиз учун ҳаётингизда бир неча ҳадялар ато этган, уларни ушлаб қолишга ҳаракат қилинг, шояд улардан бири сизнинг насибангиздир ва ундан кейин ҳеч қачон бахтсиз бўлмасиз».

Биз Аллоҳ Таоло инсониятни Ислом ҳукмлари асосида бошқариш ва ҳақ йўлга етаклаш учун одамларга чиқарилган энг яхши Уммат деб таърифлаган Умматмиз. Дарҳақиқат Аллоҳ Таоло бизни Ислом билан азиз қилди, бунинг учун – токи ушбу оламшумул рисолатни мукамал қилишимиз учун – бу динга амал қилишимиз ва битта халифага берган байъатимизга вафо қилишимиз шарт. Аллоҳ Таоло бизларга бу дунёда яшаш, Мустафо ﷺ Умматининг бир қисми бўлиш, бу буюк вазифани ўз зиммамизга олиш ва уни рўёбга чиқариш йўлида ҳаракат қилиш учун шундай буюк имкониятни берди.

Лекин биз Исломий Уммат халифасиз яшаётган бугунги кунда бўлиниш ва тарқоқлик ҳолатидамиз. 1924 йил Усманий Халифалик қулатилганидан бери Умматга Халифаликни тиклаш учун бир қанча имкониятлар берилди. Бу юз йил ичида Ислом

билан ҳукм юритамиз деб даъво қилган бир қанча сиёсий ва ҳарбий гуруҳлар ҳокимиятга келди. Аммо ҳокимиятга келиши биланоқ, бошқа ҳукмдорлар каби, Исломни татбиқ қилишдан четга чиқди. Улар халқаро секуляр низомга бўйсуниб учун манфаат, воқелик ёки имкониятнинг етиши каби ҳужжатлар ортига яшириниб, ўз рисолатидан узоқлашишди. Натижада ё қулашди ёки қалбларидаги Ислом алангаси ўчди.

Бу гуруҳлар ҳар гал ҳокимиятга келишганда ўтмишдан сабоқ олмай, илоҳий имкониятларни осонгина қўлдан чиқаришди.

Бу ўртада ва ўтган асрда хоссатан афғонлар учун имкониятлар пайдо бўлди. Афғонлар бу имкониятлар орқали динга ёрдам бериш ва Халифаликни тиклаш учун ҳаракат қилишлари мумкин эди. Қуйида Афғонистоннинг янги тарихидаги уч асосий имкониятни қисқача кўриб чиқамиз. Афғонлар унда Халифаликни тиклаш йўлида қадам ташлашлари мумкин эди, лекин улар бу фурсатдан фойдалана олмадилар.

Афғонистон асрлар давомида Халифаликнинг расмий бошқарувидан ташқарида қолса-да, бу замин билан Халифалик диёри ўртасида ҳаммиша ижобий муносабатлар мавжуд бўлган. Усманий Халифалик кўплаб инқирозлар билан курашаётган ва «касал киши» номини олган вақтда Афғонистон Британия империяси таъсири остида эди. Султон Абдулҳамид II заковат ва кучли саъй ҳаракат билан Халифаликни бу ҳолатдан қутқариш учун ҳаракат қилди, лекин у ёлғиз эди. У дунёдаги барча мусулмонларни Халифалик уруғини сақлаб қолиш учун жиҳод қилишга чақирди.

Бундай шароитда Афғонистон сиёсий ва географик баҳоналар билан бирор чора кўришдан ўзини тийди. Қизиғи Афғонистоннинг бугунги ҳукмдорлари ҳам шундай баҳоналарни такрорлашмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, Ҳиндистон ярим ороли ҳам ўша пайтда Британия назорати остида бўлиб, географик жиҳатдан Халифалик ерларидан узоқда эди. Лекин у ердаги мусулмонлар қўл қовуштириб ўтирмадилар. Улар «Халифалик ҳаракати»ни тузиб, Усманий Халифаликни қўллаб-қувватлаш учун ҳам моддий, ҳам шахсий муҳим қадамлар ташладилар.

Биринчи жаҳон уруши бошланганда, Усманий Халифалик ўзини сақлаб қолиш учун урушга киришга қарор қилди ва Германияга қўшилди. 1915 йилда Усманий-Германия қўшма

миссияси амир Ҳабибуллоҳонни Британия ва Россияга қарши жиҳод эълон қилишга кўндириш мақсадида Қобулга келди. Аммо у Британия назорати остида бўлгани сабабли бу ишдан ўзини тийди. Амир Ҳабибуллоҳон ҳам бугунги ҳукмдорлар каби географик жойлашув ва куч етмаслик баҳоналарини айтган бўлса-да, унинг қарори ортидаги ҳақиқий сабаб Британия манфаатини сақлаб қолиш истаги эди. Аслида Британия унга бетарафлик сиёсатини қабул қилиш эвазига 60 миллион рупий молиявий ёрдам ваъда қилган эди. Лекин Британия ушбу ваъдасини бажармади.

Ўша пайтда ҳинд мусулмонлари афғонларга умид боғлаган эдилар. Шунинг учун бир неча гуруҳлар афғонлар уларни қўллаб-қувватлаб, Британияга қарши жиҳод эълон қилишларига умид қилиб, Афғонистонга ҳижрат қилдилар. Бошқа томондан Афғонистон мусулмонлари амир Ҳабибуллоҳон буйруғига зид равишда Усманий Халифаликни қўллаб-қувватлаш ва Ҳиндистон мусулмонларига ёрдам беришга мойил бўлиб, Британиянинг жаҳон урушига аралашувини мустақилликка интилиш учун қулай имконият деб билдилар.

Аммо Ҳабибуллоҳон халқнинг исломий туйғуларини жиловлаш, ҳар қандай кўзғолоннинг олдини олиш мақсадида халқни тинчлантириш учун сарой уламоларига мурожаат қилди. Уламолар «Амирга бўйсун» номли брошюра тайёрлаб, уни масжид ва ҳарбий казармаларга тарқатиб, одамларни амир сиёсатига бўйсунишга, уни қўллаб-қувватлашга даъват қилишди.

Ҳиндистондан Убайдуллоҳ Синдий бошчилигидаги делегация Қобулга етиб келди ва у ерда жиҳод ва Ислом бирлигига умид алангасини ёқиш мақсадида жойлашди. Омонуллоҳон ҳокимиятга келиб, Британияга қарши Афғонистон мустақиллик уруши бошланганда ҳинд муҳожирлари бу жиҳодда фаол иштирок этиб, курашга катта ҳисса қўшдилар.

Британия мағлубиятга учраб, Афғонистон мустақилликка эришгач, бутун дунё мусулмонлари қалбида янги умид уйғонди. Ўша пайтда Усманий Халифалик ва Афғонистондан бошқа мустақил исломий юрт қолмаган эди. Афғонистон Ислом юртларининг кўп қисмини босиб олган ва Усманий

Халифаликнинг қулашига ҳисса қўшган Британияни мағлуб эта олгани учун муслмонларнинг Афғонистонга бўлган қизиқиши ортиб, Ислом уйғониши манбаи сифатида унга умидлари ортди.

Бу афғонлар учун Халифалик тиклаш борасидаги биринчи тарихий имконият эди. Ҳиндистондаги муслмонлар эса афғон жиҳодининг давом этишига ва муслмонлар қўшини Ҳиндистон томон ҳаракатланишига умид қилдилар. Ҳатто иш шу даражага етдики, улар Омонуллоҳхондан муслмонларга раҳбарликни, шунингдек Ислом Умматини тирилтириш ва унинг бирлигини рўёбга чиқариш вазифасини ўз зиммасига олишини сўрадилар.

Аммо муҳожир муслмонларнинг яна ҳафсалалари пир бўлди. Чунки улар Омонуллоҳхон «Машрутия» мактабида тарбиялангани ва Мустафо Камол сиёсатига эргашини мақсад қилганидан беҳабар эдилар. 1924 йилда Пағмон шаҳрида бўлиб ўтган лоя жирғада (оқсоқоллар кенгаши) Халифалик бекор қилиниши ва Афғонистоннинг янги Туркия билан алоқалари асосий муҳокама мавзуси бўлди. Уламолар ва Омонуллоҳхон тўла бир кунни Халифалик масаласини муҳокама қилишга қаратдилар, аммо бир тўхтамга келмасдан, муҳокама иккинчи кунгача давом этди. Бу икки кун давомида уламолар Халифаликнинг бекор қилинишини оғриқли воқеа сифатида баҳолаб, халифани тайинлаш шаръий вожиб эканини таъкидладилар. Баъзи уламолар эса Омонуллоҳхондан ўзини муслмонларнинг халифаси деб эълон қилишини талаб қилдилар.

Мулла Туркистоний Халифаликнинг аҳамиятига оид қисқача баёнотида: «Ҳар бир тоифа ва мартабадаги Ислом уламолари Ҳумоюнйларни халифаликка муносиб ва лойиқ деб биладилар ва сизлар бу юксак мавқега рози бўлишингиз керак» деди. Бироқ Омонуллоҳхон ўзининг ақлияси ва йўналишига кўра миллий давлат қуришга интилаётган эди. Шунингдек, у бутун дунё билан, шў жумладан ўзи унга қарши урушга кирган Британия билан муносабатларни яхшилашга интилар эди.

Омонуллоҳхон бу талабни дипломатик йўл билан рад этиб, у нореал талаб, уни бажариб бўлмади ва ҳатто Халифаликдан фойда йўқ деган баҳоналарни келтирди. Мулла Туркистонийга жавобан: «Сизнинг ва бошқаларнинг сўзларига келсак, йўлида чексиз тўсиқлар кўраётган бу оғир юкни кўтара олмайман ва

Ислом оламининг бўлинишини қабул қилмайман. Айтиб ўтганимдек, Халифаликнинг бор ёки йўқлигининг фойда ва зарарларини муҳокама қилишимиз керак. Унинг мавқеини белгилаш фақат Ислом уламоларининг зиммасидадир» деди.

Шу пайтгача ҳокимиятга келган ҳамда ўзини фикрий ва сиёсий жиҳатдан Мустафо Камол, Ризо шоҳ, Омонulloҳон, Шариф Ҳусайн ва бошқа секуляр ва миллатчиларнинг йўлига зид деб ҳисоблаган исломчилар аслида воқеликда улардан унчалик фарқ қилишмади ва жуда ўхшаш сиёсатга амал қилишди.

Омонulloҳоннинг иқтисодга қаратилган секуляр, миллий ва реалистик сиёсати мусулмонларнинг ҳафсаласини пир қилган эди. Бугун мусулмонларнинг Исломни даъво қилаётган раҳбарлари юргизаётган айти шу сиёсат мусулмонларни барбод қилмоқда.

Ҳиндистондан Афғонистонга борган делегация аста секин умидини йўқота бошлади ва охир оқибат Афғонистонни тарк этиш ва бошқа жойга кетишга мажбур бўлди. Бу умидсизлик айтиқса Омонulloҳон Қобул ва Равалпиндида Британия билан тинчлик шартномасини имзолаганида янада кучайди. Чунки унда Афғонистон Британияга муаммо туғдирмасликка ваъда берди. У шунингдек, Британия билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларни ўрнатиш истагини билдирди. Бу эса Ҳиндистондаги мусулмонларни ва бошқа Ислом дунёсини янада ҳафсаласини пир қилди.

Бу имконият бой берилди, лекин Совет Иттифоқи Афғонистонни босиб олгач, афғон халқи мислсиз жасорат билан ўрнидан турди, унга қарши жиҳод эълон қилиб, собитқадамлик билан қарши курашди. Аллоҳ Таолонинг нусрати ва халқнинг фидокорлиги туфайли ғалаба қозониб, мужоҳидлар илғор ҳарбий техника билан таъминланган кучли давлатга эга бўлдилар. Бутун дунё мусулмонларининг умиди яна Афғонистонга қаратилди.

Турли исломий юртлардан келиб, афғонлар билан бирга жанг қилган мужоҳидлар Афғонистон сиёсий қувват ва Халифалик марказига айланиб, исломий юртларни золим ҳукмдорлар қўлидан озод қиладиган кунга умид қилдилар.

Исломий гуруҳлар делегациялари Халифаликни тиклаш учун ушбу тарихий имкониятдан фойдаланиш мақсадида

Афғонистонга келди. Араб ва бошқа миллатлардан иборат ушбу жиҳодий жамоалар умидга тўла эди. Айниқса, Афғон мужоҳидлари ичида Халифаликни ёлғиз исломий низом деб ҳисоблайдиган кишилар бор эди.

Мужоҳидлар «Халифалик – мусулмонлар парвонадек атрофида тўпланадиган ёруғлик чироғидир» деб ишонар эдилар.

Аммо афғон мужоҳидлари миллий давлат тиклашга киришди ва салтанат фитнасига алданишди. Ички низолар, таъсир учун курашлар уларни асосий йўлдан оғишларига олиб келди. Бу эса ўз қўллари билан ўзларини ҳалокатга ташлашларига олиб борди.

Натижада Афғонистондаги муҳожирлар ва мужоҳидларнинг нафақат ҳафсаласи пир бўлди, балки уларнинг кўпчилиги уйларига қайтди ва бошқалар ўзга юртларга ҳижрат қилди.

Бу афғонлар яна бир империяни ағдариб ташлаганидан кейин Халифалик тиклаш учун катта тарихий имкониятни иккинчи марта қўлдан чиқариши эди.

Бу сафар эса биз НАТОнинг мағлубиятга учраганига ҳамда Афғонистон ва минтақа иккинчи рошид Халифаликни тиклаш учун учинчи илоҳий имконият пайдо бўлганига гувоҳ бўлаётган ҳолатдамыз. Америка ва НАТОнинг бу заминда мағлубиятга учрагани бутун дунё мусулмонларида Афғонистон бу олтин имкониятдан фойдалана олиши ва ўтмишдаги хатоларини такрорламаслигига янги умид уйғотди.

Ажабланарлиси шундаки, бу имконият истисноий ҳолатларда пайдо бўлди; Бир жиҳатдан НАТО Афғонистонда мағлубиятга учраган бўлса, бошқа жиҳатдан Ғарб Украинадаги уруш ва Хитойни жиловлаш билан овора.

Бу вазият Афғонистондаги мусулмонлар учун ундан ва душманларининг ўз урушлари билан машғул бўлишидан фойдаланиб, рошид Халифаликни тиклаш йўлида тарихий қадам ташлашлари учун ажойиб имкониятдир.

Бугун ғазо уруши туфайли мусулмонларнинг азоб-уқубатлари кучайиб, барча Исломиёв юртлардан Афғонистондаги мужоҳидлар ўз биродарлари ва опасингилларини қўллаб-қувватлашга чақириқлар кўтарилаётганда, бу муҳим савол туғилади: Афғонистон ҳукмдорлари бу тарихий имкониятдан фойдалана оладими ёки

аввалгилар қилган ишни такрорлаб, пушаймонликдан ўз бармоқларини тишлаганлар қаторига қўшиладими?

Тарих ибратга тўла китобдир. Илоҳий фурсатни қўлдан бой бериб, ўзининг Аллоҳга берган аҳдини бажариш ўрнига Британия билан бўлган аҳдига вафо қилишни афзал кўрган Омонуллоҳхон амир Ҳабибуллоҳ Калаконийдек номаълум кимса унинг ҳокимият тахтини синдира олишини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Шўроларга қарши курашиб, кейин миллий давлатчиликни қабул қилган, фақат дунёвий ишққа ботган афғон мужоҳидларининг кўз ўнгимиздаги тақдири очиқ-равшан эмасми?

Афғонистон, Сурия ва бошқа исломий юртларда Ислом шиори остида ҳокимиятга келган ҳукмдорлар ўзларининг Исломга зид сиёсатларини оқлаб, Ислом душманлари келтирган далилларни келтиришда давом этадиларми? Ваҳоланки улар ўзларидан олдингиларнинг оқибатини кўриб турибди-ку!

Бугун бу учинчи тарихий фурсатда Ҳизб ут-Таҳрир Афғонистон ҳукмдорларини иккинчи рошид Халифаликни тиклашга чақиради. Уларнинг жавоби қандай бўлади?

Биз яна илоҳий имкониятлардан қочишни кўрамизми ёки бу сафар тарих ва вожиб чақириғига ҳақиқий жавоб бўладими?

Имконият эшиги очиқ, дунёнинг турли жойларидаги мусулмонлар, айниқса афғонлар билан бирга ёнма-ён жанг қилган муҳожир мужоҳидлар доимо унда Аллоҳнинг дини кучли бўладиган, мазлумлар ёлиб бўладиган ва Халифалик тикланадиган кунга умид қилмоқдалар. Халифаликки парчаланган Уммати бирлаштириб, унинг шон-шўхратини тиклайди.

Бахт шундаки, бу эшик ҳали ҳам очиқ; Бугун мужоҳидлар Ҳизб ут-Таҳрирга ёрдам бериб, «яна бир ансорлар» бўлиш имкониятига эга. Аммо бу эшик абадий очиқ қолмайди. Кимнинг олдига яхшилик эшиги очилган бўлса, дарҳол ўрнидан туриб, ундан фойдаланиши лозим. Чунки у бу эшик қачон ёпилишини билмайди. Агар шундай қилмаса, қиёматда пушаймон қилувчилардан бўлиб қолади.

Шунинг учун биз бу Умматни ва унинг ҳукмдорларини бепарволикдан ҳамда бу катта имкониятларни исроф қилишидан огоҳлантирамиз. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَأَنذِرْهُمْ يَوْمَ الْحَسْرَةِ إِذْ قُضِيَ الْأَمْرُ وَهُمْ فِي غَفْلَةٍ وَهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ﴾

«(Эй Муҳаммад), сиз уларни (яъни Макка мушрикларини) барча иш битирилиб (яъни жаннат аҳли жаннатга, дўзахилар дўзахга ҳукм қилиниб), улар ҳасрат-надомат қилиб қоладиган Кундан-Қиёматдан қўрқитинг! (Бугун) улар ғафлатдадир, (шу сабабдан) улар иймон келтиришмайди»

[Марям 39]

Имконият олдимизда, лекин бу эшик абадий очиқ қолмаслигини билишимиз керак. Ким бугун имкониятдан фойдаланмаса, эртага ҳасратдан надомат қилгувчи бўлади. □

ВОҶЕЛИКНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА КУФР ДИЁРИНИ ИСЛОМ ДИЁРИГА АЙЛАНТИРИШ ЙЎЛИ

Маҳмуд Лайсий – Миср

Бугунги кунда Исломиё Уммат олдида турган энг катта масала у яшаётган воқеликни тубдан ўзгартириш ва куфр диёридан ислом диёрига ўтиш масаласидир. Бу масала шунчаки фикрий ёки назарий масала эмас, балки Умматнинг вужуди, қадр-қиммати ва бутун ҳаётига дахлдор масаладир. Жоҳилият қонунлари ҳукм сураётган ҳамда кофирлар ва уларнинг тарафдорлари мусулмонларнинг ишларини бошқараётган куфр диёри Ислам ҳукмронлиги ва унинг соясида яшашга асосланган ҳамда хавфсизлик, омонлик, адолат ва қадр-қимматни рўёбга чиқарадиган Ислам диёрининг аксидир.

Шунинг учун бугунги кунда Умматни банд қилиш керак бўлган энг муҳим савол: бу воқеликни қандай ўзгартирамиз? Ислам диёрини қандай тиклаймиз? Бошқача айтганда, тарқоқ мусулмонларни Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳамадур росулulloҳ байроғи бўлмиш уқоб байроғи остида бирлаштирадиган Халифалик давлатини қандай тиклаймиз? – деган савол бўлиши керак.

Биринчи: куфр диёри ва Ислам диёрининг таърифи:

Диёр икки хил бўлади: Ислам диёри ва куфр диёри. Бурайда ﷺнинг ҳадиси шу маънони тасдиқлаб келган. Пайғамбаримиз ﷺ бирор сария ёки қўшин жўнатсалар унинг қўмондонига шундай насиҳат қилар эдилар:

«**تُمْ اذْعُهُمْ إِلَى الْإِسْلَامِ، فَإِنْ أَجَابُوكَ فَأَقْبَلْ مِنْهُمْ وَكُفَّ عَنْهُمْ، تُمْ اذْعُهُمْ إِلَى التَّحْوِيلِ مِنْ دَارِهِمْ إِلَى دَارِ الْمُهَاجِرِينَ**»

«Сўнгра уларни Исламга даъват эт. Агар ижобат қилсалар, улардан қабул қил ва қўлингни тий. Сўнгра уларга ўз диёрларидан муҳожирлар диёрига кўчиб ўтишни таклиф қил...». Муслим ривояти. Росулulloҳ ﷺ яна дедилар:

«**لَا يَقْبَلُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ مِنْ مُشْرِكٍ بَعْدَمَا أَسْلَمَ عَمَلًا، أَوْ يُفَارِقَ الْمُشْرِكِينَ إِلَى الْمُسْلِمِينَ**»

«Аллоҳ Таоло мушрик Исламни қабул қилганидан кейин, мушриклар диёрини ташлаб, мусулмонларга кўчиб ўтмагунича амалини қабул қилмайди». Насоий ва Ибн Можа ҳасан иснод билан ривоят қилганлар. Ушбу нусуслар икки хил диёр, яъни Ислам диёри ва куфр диёри борлигига далолат

қилади. Ислом диёри унда Ислом татбиқ этиладиган ва омонлиги мусулмонларнинг омонлиги билан бўлган диёрдир. Куфр диёри эса, гарчи кўпчилик аҳолиси мусулмонлар бўлса-да, Ислом ҳукмлари татбиқ этилмайдиган ёки Ислом хавфсизлиги билан кафолатланмаган диёрдир.

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا مِنكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ كَمَا أَسْتَخْلَفَ الَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ وَلَيُمَكِّنَنَّ لَهُمْ دِينَهُمُ الَّذِي ارْتَضَىٰ لَهُمْ وَلَيُبَدِّلَنَّهُم مِّن بَعْدِ خَوْفِهِمْ أَمْنًا﴾

«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган (иймон эътиқодли) зотларни халифа қилганидек уларни ҳам ер юзида халифа қилишни ва улар учун Ўзи рози бўлган (Ислом) динини ғолиб-мустаҳкам қилишни ҳамда уларнинг (аҳволини) хавфу-хатарларидан сўнг тинчлик-хотиржамликка айлантириб қўйишни ваъда қилди» [Нур 55]

Демак динни ғолиб-мустаҳкам қилиш учун уни татбиқ қилиш ва уни сақлаш учун хавфсизлик бўлиши лозим. Диёрнинг Ислом диёри бўлиши учун мана шу икки иш лозим. Бу Аллоҳ Таоло нозил қилган нарса билан ҳукм қилиш зарурлигини билдирган бошқа оятларга қўшимчадир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَإِن أَحْكُم بَيْنَهُم بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ وَأَحْذَرُهُمْ أَن يَفْتِنُوكَ عَن بَعْضِ مَا أَنزَلَ اللَّهُ إِلَيْكَ﴾

«(Эй Мухаммад), улар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг, уларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг ва Аллоҳ сизга нозил қилган ҳукмларнинг айримларидан сизни буриб фитнага солиб қўйишларидан эҳтиёт бўлинг!»

[Моида 49]

Аллоҳ Таоло яна айтади:

﴿وَمَن يَبْتَغِ غَيْرَ الْإِسْلَامِ دِينًا فَلَن يُقْبَلَ مِنْهُ﴾

«Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас (унинг «дини» Аллоҳ ҳузуринда) ҳаргиз қабул қилинмайди» [Оли Имрон 85]

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَن لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ﴾

«Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм қилмас экан, бас улар кофирлардир»

[Моида 44]

Мадина ҳужжатида айтилганлар ҳам далил бўлади ва унда шундай иборалар келган:

«وَإِنَّهُ مَا كَانَ بَيْنَ أَهْلِ هَذِهِ الصَّحِيفَةِ مِنْ حَدِيثٍ أَوْ اشْتِجَارٍ يُخَافُ فَسَادَهُ، فَإِنَّ مَرَدَّهُ إِلَى اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ، وَإِلَى مُحَمَّدٍ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ»

«Агар бу ҳужжатнинг аҳли ўртасида фасодидан қўрқилаётган воқеа ёки ихтилоф рўй берса, уни Аллоҳ азза ва жаллага ва У Зотнинг элчиси Муҳаммад ﷺга қайтариш (лозим)». Бу ушбу диёрдаги ҳукмронлик фақат Исломники эканига ҳеч қандай шубҳа қолдирмайди.

Бу саҳобаи киромлар тушунган ва исломий фатҳларда амалда татбиқ қилган нарсадир. Чунки бир юрт ва унинг аҳолиси Ислом ҳукмронлигига бўйсуниси биланоқ, гарчи аҳолиси ўз динида қолса ҳам, бу юрт Ислом диёрининг бир қисмига айланади. Бунинг муқобили ўлароқ, агар кофирлар Ислом диёридан бирор юртни босиб олса, ҳатто аҳолиси мусулмон бўлса ҳам у куфр диёрига айланади. Пайғамбаримиз ﷺ Маккани фатҳ қилгач шундай деган эдилар:

«لَا هِجْرَةَ بَعْدَ الْفَتْحِ، وَلَكِنْ جِهَادٌ وَبَيْتَةٌ»

«Фатҳдан кейин ҳижрат йўқ, лекин жиҳод ва (яхши) ният бор». Чунки Макка фатҳдан кейин Ислом диёрига айланди ва у ердан ҳижрат қилишга ҳожат қолмади. Ҳижрат куфр диёридан Ислом диёрига бўлади.

Ибн Обидин ўз ҳошиясида Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳнинг: «Ислом диёрида куфр ҳукмлари пайдо бўлганида куфр диёрига айланади ва куфр диёрида Ислом ҳукмлари пайдо бўлганида Ислом диёрига айланади» деган сўзларини келтиради. Абу Ҳанифанинг «ҳукмларининг пайдо бўлиши» деган иборага урғу бериши диёрнинг моҳиятини белгилаш мезони сифатидадир.

Ибн Таймия айтади: «Диёрни аниқлашда асосий эътибор у ерда диннинг кўринишига қаратилади. Исломий ҳукмлар ғолиб бўлган диёр Ислом диёри ва куфр ҳукмлари ғолиб бўлган диёр куфр диёрдир». Демак диёрнинг моҳияти билан у ерда ғолиб ҳукмлар бир-бирига боғлиқ бўлади.

Имом Қуртубий айтади: «Ислом диёрида мусулмонларнинг ҳукмлари ижро этилади. Куфр диёрида эса кофирларнинг ҳукмлари ижро этилади».

Имом Мовардий «Аҳкомус султония» китобида шундай дейди: «Ислом диёри мусулмонлар салтанати остида бўлади. Куфр диёри кофирлар салтанати остида бўлади». Бу ерда у диёрни бирдан иккинчисини ажратиш мезонларига султон ва ҳукмни қўшган.

Шаръий далиллар ва уламоларнинг сўзларидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, диёрни Ислом диёри ёки куфр диёрига ажратишдаги асос икки нарсага таянади:

1 – Суверенитет шариатники: Ислом диёрида фақат Ислом, унинг аҳкомлари ва шариати татбиқ этилади.

2 – Хавфсизлик: ҳоқимият-салтанат Умматники ва мусулмонларнинг хавфсизлиги кофирлардан эмас, мусулмонларнинг салтанатидан олинади.

Ушбу таърифдан кўриниб турибдики, диёрнинг моҳиятини белгилашдаги асос мусулмон ёки бошқаларнинг сонидан эмас, балки у орқали бошқарилаётган низомда. Суверенитет исломий шариатники бўлса, бу диёр Ислом диёри, агар суверенитет бошқасиники бўлса, бу диёр куфр диёридир.

Иккинчи: Умматнинг куфр диёрига ўтиши ва бунинг давом этиши сабаблари:

Исломий Умматнинг Халифалик сояси остидаги Ислом диёридан кофирлар назоратидаги ҳозирги парчаланиб кетган воқелигимизга айланиши сабаблари ва унинг давом этиши сабабларини кўриб чиқамиз:

1 – Халифаликнинг қулатилиши: 1924 йил Усманий Халифаликнинг қулатилиши Исломий Умматни Ислом диёридан куфр диёрига чиқарган биринчи бурилиш нуқтаси бўлди. Чунки Уммат битта халифа остида яхлит бўлиб яшаганидан кейин бир неча миллий вужудларга бўлиниб кетди. Вужудларки уларни ғарб манфаати йўлида фаолият юритадиган малайлар бошқаради.

2 – Фикрий ва сақофий ҳужум: бунда мустамлакачилар Умматни ғарблаштиришга ҳаракат қилишди ва миллийлик, секуляризм, демократия фикрларини экишди. Уйғониш тушунчасини йўқ қилиб, ҳазорат билан маданиятни аралаштиришди. Натижада мусулмонлар уйғониш ғарбга эргашиш ва у билан бирга юришда бўлади деб ўйлайдиган бўлишди.

3 – Сиёсий тарқоқлик: мустамлакачи сунъий чегаралар ўрнатди, бу эса Умматни заиф давлатчаларга бўлиб ташлади. Уларнинг ҳар бири инсонлар чиқарган ва Исломга душман бўлган ўз конституцияси ва қонунларига эга бўлиб қолди.

4 – Раҳбариятни манипуляция қилиш: муслмон юртларда кофирларнинг сиёсатини амалга ошириш ва Исломни ҳокимиятга қайтаришга даъват қилган ҳар қандай кишига қарши курашадиган малай ҳукмдорлар қўйилди.

5 – Сиёсий онгни заифлаштириш: Уммат ўзининг муҳим масалаларидан узоқлаштирилиб, воқеликни ўзгартириш ҳақида жиддий ўйлашдан узоқ ҳолда кичик муаммолар билан машғул қилинди.

Учинчи: воқеликни ўзгартириш йўли:

Росулуллоҳ ﷺ пайғамбар қилиб юборилганида Макка куфр диёри эди. Пайғамбаримиз унинг воқелигини ўзгартириб, Ислом диёрига айлантириш устида ишладилар. 13 йил давомида ўша диёрни пайдо қилишга ҳаракат қилдилар ва Ислом диёри бўлишга ярайдиган диёрни пайдо қиладиган ишларни амалга оширдилар. У киши Маккада куфр ва унинг ғояларига қарши курашиб, уни қулатиш ва бузишга ҳаракат қилдилар. Шунингдек, мушриклардан ўзига ва саҳобаларига етаётган зулм ва шафқатсизликларга сабр қилиб, Аллоҳдан бунинг ажрини умид қилиб, у ердаги куфр етакчиларини фош қилдилар. Ҳатто саҳобаи киромлар у киши бурдасини ёстиқ қилиб Каъба соясида ётганларида шикоят қилиб, биз учун ёрдам сўрамайсизми? Биз учун дуо қилмайсизми? – дедилар. Шунда Пайғамбаримиз ﷺ айтдилар:

«فَدَكَانَ مَنْ قَبْلِكُمْ، يُؤْخَذُ الرَّجُلُ فَيُحْفَرُ لَهُ فِي الْأَرْضِ، فَيُجْعَلُ فِيهَا، فَيُجَاءُ بِالْمُنْشَارِ فَيُوضَعُ عَلَى رَأْسِهِ فَيُجْعَلُ نَصْفَيْنِ، وَيُمَشَّطُ بِأَمْشَاطِ الْحَدِيدِ، مَا دُونَ حِمِّهِ وَعَظْمِهِ، فَمَا يَصُدُّهُ ذَلِكَ عَن دِينِهِ، وَاللَّهِ لَيَتِمَّنَّ هَذَا الْأَمْرُ، حَتَّى يَسِيرَ الرَّكَّابُ مِنْ صَنْعَاءَ إِلَى حَضْرَمَوْتِ، لَا يَخَافُ إِلَّا اللَّهَ، وَالذَّنْبَ عَلَى غَنَمِهِ، وَلَكِنَّكُمْ تَسْتَعْجِلُونَ»

«Сизлардан аввалгилар даврида киши ушлаб келиниб, унга чуқур қазилар, сўнг шу чуқурга туширилиб, арра олиб келинар ва шу арра билан бошини ўртасидан иккига бўлиб ташланар эди. Темир тароқлар билар таралиб, гўшти билан суяги ажратиб олинарди. Аммо бу нарса уни динидан

қайтаролмас эди. Аллоҳга қасамки, албатта Аллоҳ бу ишни тамомига етказгай. Ана шунда Санъодан Ҳазрамавтга йўл олган отлиқ ҳеч нарсадан қўрқмай бемалол борадиган бўлади. У фақатгина Аллоҳдан ва қўйларини бўри еб кетишидан қўрқади, холос. Сизлар эса, шошяпсизлар».

Макка воқелиги ҳамда ўша босқичдаги даъват ҳаёти, унинг юриши ва даъват етказувчиларининг юришига тааллуқли аҳкомлар ҳақида баҳс қилар эканмиз, даъват етказиш масаласи куфр фикрларига барҳам бериш учун жамият билан бирга фаолият қилаётган уюшманинг фикрий кураши эди. Шунингдек, Росулulloҳ ﷺ Аллоҳ Таолонинг:

﴿أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ قِيلَ لَهُمْ كُفُّوا أَيْدِيَكُمْ وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ﴾

«(Эй Муҳаммад) мана бу кимсаларни кўрмадингизмики, уларга (илгари Маккада турганларида кофирларга қарши жанг қилишга талабгор бўлганларида) «Ўзингизни босинг ва намозингизни ўқиб, закотингизни адо этиб туринглар» дейилган эди» [Нисо 77]

оятни сабабли пайдо қилган уюшманинг моддий ҳаракат ёки қуролли курашга мурожаат қилмасдан ўжар, такаббур ва золим сиёсатчиларга қарши кураши эди. Ибн Касир Ибн Абу Хотамнинг сўзини келтиради: бизга Али ибн Ҳусайн айтди, бизга Муҳаммад ибн Абдулазиз ибн Рамза ва Али ибн Занжа айтди: Али ибн Ҳасан бизга Ҳусайн ибн Воқиддан, у Амр ибн Динордан, у Икримадан, у Ибн Аббосдан ривоят қилди: Абдурахмон ибн Авф унинг дўстлари Маккада Пайғамбар ﷺ га келиб, айтдилар: Эй Аллоҳнинг пайғамбари, биз мушриклигимизда кучли эдик, лекин иймон келтиргач, хор бўлдик. Шунда Пайғамбаримиз ﷺ дедилар:

﴿إِنِّي أُمِرْتُ بِالْعَفْوِ فَلَا تُقَاتِلُوا الْقَوْمَ﴾

«Мен кечиришга буюрилдим, одамлар билан уришманглар». Мадинага боргач эса, Аллоҳ у кишини уришишга буюрди, лекин улар уришишдан тийилдилар. Шунда Аллоҳ Таоло юқоридаги оятни нозил қилди. Ушбу оятда намоз ва закот каби Маккада нозил бўлган муайян ҳукмларга далолат борки, улар шахслар уларга амал қилиши учун давлатга муҳтож бўлмайдиган аҳкомлар жумласидандир. Шунингдек, Маккадаги жамият тузумларининг бузуқлиги ҳамда уларни Аллоҳнинг манҳажи ва

Пайғамбарига нозил қилган сўзлари асосида ўзгартириш зарурлигини баён қилиб, бутлар ва уларга сиғинишни қоралаб, қизларни тириклайин кўмишни ёмонлаб, тарозидан уриб қолишдан қайтариб оятлар нозил бўлди. Улар «Ла илаҳа иллаллоҳ» ўз ичига олган буйруқ ва қайтарувларни, бу калима уларнинг амалларини қайдлашини ва ҳаёт тарзини белгилаб беришини билишар эди. Улар қайд (чеклов)ни истамайдиган барча мутакаббирлар каби бўлишгани учун бу динга қарши курашишди ва Пайғамбаримиз ﷺ даъватига қарши чиқишди. Улар Пайғамбаримиз ﷺга турли таклифларни қўйишди ҳамда даъватни ўз йўлидан буриш ва ундаги айрим нарсаларни ўзгартириш учун у киши билан савдолашаётганида, Пайғамбаримиз ﷺ уларга шундай дедилар:

﴿لَوْ وَضَعُوا الشَّمْسَ فِي يَمِينِي وَالْقَمَرَ فِي شِمَالِي عَلَىٰ أَنْ أَتْرُكَ هَذَا الْأَمْرَ حَتَّىٰ يُظْهِرَهُ اللَّهُ أَوْ أَهْلِكَ فِيهِ مَا تَرَكْتُهُ﴾

«Агар қуёшни ўнг қўлимга, ойни чап қўлимга қўйишса, мен бу ишни Аллоҳ ғолиб қилгунича ёки мен унинг йўлида ҳалок бўлгунимча тарк этмайман». Аллоҳ Таолонинг бу йўлда у кишига кўрсатган кўрсатмаси даъватни кўтариш йўлида нима қилиш зарурлигини ҳамда у киши олиб келган нарсага зид фикрлар, у билан мусобақалашиб, унга қарши курашадиган мабдалар ва қонунлар эгалари ва мушрикларга нималарни тушунтириш зарурлигини баён қилиб берар эди. Оятлар Пайғамбаримизга керак бўлган ҳамма нарса билан биринкетин нозил бўлар эди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَكَلَّا تَقْضُ عَلَيْكَ مِنْ أَنْبَاءِ الرُّسُلِ مَا نُنَبِّئُ بِهِءَ فُؤَادَكَ وَجَاءَكَ فِي هَذِهِ الْحَقُّ وَمَوْعِظَةٌ وَذِكْرٌ لِلْمُؤْمِنِينَ﴾

«(Эй Муҳаммад), сизга пайғамбарларнинг хабарларидан дилинғизни мустаҳкам қиладиган қиссаларни сўйлаб берурмиз ва бу қиссаларда сизга ҳақиқат ва панд-насиҳат ҳамда барча мўминлар учун эслатмалар келди» [Ҳуд 120]

Яъни унинг ҳақ устида эканлигини, Аллоҳ Таоло у кишини муқаррар қўллаб-қувватлашини, куфр фикрлари, туйғулари ва анъаналарини тарк этиши ва улардан ажралиши зарурлигини баён қилар эди. Шунингдек гарчи оз бўлсада даъват ва унинг

аҳкомлари зарарига уларга бўйсунуш ва эргашишдан огоҳлантирар эди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَإِنْ كَادُوا لَيَفْتِنُوكَ عَنِ الذِّمَىٰ أَوْ حِينًا إِلَيْكَ لِغُفْرَىٰ عَلَيْنَا غَيْرُهُ ۗ وَإِذَا لَا تَأْخُذُوكَ حَلِيلًا ﴿٧٣﴾
وَلَوْلَا أَنْ ثَبَّتْنَاكَ لَقَدْ كِدْتُمْ تَرْكَنُونَ إِلَيْهِمْ شَيْعًا قَلِيلًا ﴿٧٤﴾﴾

«(Эй, Муҳаммад, мушриклар) сизни Бизнинг шаънимизга, (ваҳийдан) ўзга нарсаларни тўқиб чиқаришингиз учун - Биз сизга ваҳий қилган оятлардан алдаб-буриб юборишларига оз қолди. У ҳолда, (яъни уларнинг йўриқларига юрсангиз), сизни дўст қилиб олган бўлишар эди. Агар Биз сизни (ҳақ йўлда) қилмаганимизда, сиз уларга бир қадар мойил бўлишингизга оз қолди» [Исро 73-74]

Шундай қилиб, Пайғамбаримиз ﷺ Аллоҳнинг амрига сабр қилиб ва Аллоҳнинг қуйидаги буйруғини адо этган ҳолда даъватда давом этдилар:

﴿وَأَصْبِرْ لِحُكْمِ رَبِّكَ فَإِنَّكَ بِأَعْيُنِنَا ﴿٤٨﴾﴾

«(Эй Муҳаммад), сиз Парвардигорингизнинг ҳукмига (яъни мушрикларни дарҳол азобга дучор қилмаганига ва сизни турли машаққатли синовлар билан имтиҳон қилишига) сабр қилинг» [Тур 48]

Аллоҳ Таоло у кишини куфр диёрини Ислому ҳукмлари татбиқ этиладиган ҳамда хавфсизлик ва салтанати мусулмонларники бўладиган Ислому диёрига айлантиришда куч ва қудрат эгаларидан ёрдам сўрашга буюрди. Росулulloҳ ﷺ йигирмадан ортиқ араб хонадонларини зиёрат қилиб, уларни Ислому даъват қилиб, улардан ёрдам сўрадилар ва уларга: **«Роббимнинг рисолатини етказишим учун менга ким ёрдам беради?»** дедилар. Ҳа бу ғоя эди; яъни Аллоҳ Таоло у кишига ишониб топширган ва бу йўлда дуч келадиган барча машаққат ва зарарларга қарамай охиригача сабр билан рисолатни етказиш эди. Росулulloҳ ﷺ токи Аллоҳ унга ансорларни тайёрлаб бергунича шундай давом этдилар. Ансорлар у кишига иймон келтириб, ўзи ва даъватига ёрдам бердилар. Росулulloҳ ﷺ улар билан келишган иккинчи Ақаба байъати у кишини қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларига амин бўлган байъат бўлди. Қурайш барча йўлларни тўсиб қўйганидан кейин Росулulloҳ ﷺ уларга кўчиб бордилар. Ҳижрат Росулulloҳ ﷺ ўз

дини ва даъватини олиб қочиш бўлмади, балки у зотга байъат берганларга қўшилиш, уларни Ислом билан бошқариш, уларга Ислом ҳукмларини татбиқ этиш ҳамда ансорлар у киши билан бирга Исломни даъват ва жиҳод орқали дунёга олиб чиқишлари учун улар билан бирикиш эди.

Пайғамбаримиз ﷺ уларга ҳижрат қилганларида, улар хоҳ мушриклар, хоҳ Мадинада улар билан бирга яшаётган яҳудийлар томонидан бўладиган ҳар қандай реакцияга тайёр ҳолда, қиличлари билан кутиб олдилар. Росулulloҳ ﷺ Мадинага кирибоқ итоат қилинадиган саййид сифатида биринчи кундан бошлаб унинг бошқарувини қўлга олдилар. Росулulloҳ ﷺ улар учун Мадина ҳужжатини ёздилар ҳамда унинг бандлари ва мазмунини Исломдаги биринчи конституция сифатида белгилаб бердилар. Бу конституция Ислом ақидасидан четга чиқмайди, ундаги ҳеч нарса бошқасидан ажралмайди ва ундаги ҳамма нарса Аллоҳ ва Росулига қайтарилади. Мадинанинг ҳимояси ва хавфсизлиги Росулulloҳни олиб келган ва Мадина бошқарувини у кишига топширганлар учундир. Шу тариқа Мадина Ислом диёрига – Муҳаммад Уммати учун биринчи Ислом диёрига айланди.

Шундай қилиб, Пайғамбаримиз ﷺ воқеликни ўзгартириб, Аллоҳнинг манҳажидида юрган ҳолда уни кўфр диёридан Ислом диёрига айлантирдилар. У киши бу йўлда сочининг толасичалик ҳам Аллоҳнинг амрига зид иш қилмадилар. У кишининг бу йўлда қилган ишларининг барчаси инсониятга хос ишлар эди. Аллоҳ Таоло у кишини одатдан ташқари мўъжиза ва фаришталар лашкари билан қўллаб-қувватламади. Ёки у кишига даъват ва унинг йўлида ҳеч қандай машаққат ва қийинчиликсиз, куч сарфламасдан бевосита қалбларни забт этадиган мўъжиза бермади. У киши амалга оширган ушбу инсоний ишлар кўфр диёрини Ислом диёрига ўзгартиришнинг йўли шу эканига ва бу, бизнинг замонамизда бўлгани каби ер юзи Ислом диёридан бўшаб қолса ундан кейинги умматлар учун ҳам зарур бўлган пайғамбарлик усули эканига далолат қилади.

Кўфр диёридан Ислом диёрига ўтиш нафсу ҳаво ва назоратсиз талқинларга бўйсунадиган инсоний лойиҳа эмас, балки у шаръий амал бўлиб, унинг Аллоҳ ва Росули белгилаб

берган манҳажни бордир. Ушбу манҳаж қўйидагиларга асосланади:

1 – Халифаликни тиклаш зарурати: Халифаликни тиклаш Умматга фарзи кифоядир. Агар уни баъзилар тикласа, бошқалардан соқит бўлади, агар ҳеч ким тикламаса, бутун Уммат гуноҳкор бўлади. Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«وَمَنْ مَاتَ وَلَيْسَ فِي عُنُقِهِ بَيْعَةٌ، مَاتَ مِيتَةً جَاهِلِيَّةً»

«Ким бўйнида байъат бўлмаган ҳолда ўлса, жоҳилият ўлими билан ўлибди».

2 – Росулulloҳ ﷺнинг тариқатига эргашиш: Исломий давлат тиклашнинг шаръий йўли Пайғамбаримиз ﷺнинг Мадинаи мунавварадаги давлат тиклашда қўллаган манҳажига эргашишдир. Бу Пайғамбаримиз ﷺнинг Мадинада ҳокимият тепасига келгунича Маккада қилган амалларидир. У учта босқични ўз ичига олади:

– Сақофат бериш ва уюшма тузиш босқичи: яъни одамлар орасида исломий фикратни ёйиш ҳамда жамиятни ўша фикрат билан сақофатлаш ва уни олиб чиқишга даъват қилиш учун ва Ислом лойиҳасини қўллаб-қувватлаш учун сақофатни жамиятга олиб чиқадиған уюшмани пайдо қилиш.

– Таъсир ўтказиш ҳамда фикрий ва сиёсий кураш босқичи: яъни ботил фикрларга қарши курашиб, уларни парчалаш, бузук тузумларга қарши курашиб, уларни қулатиш ва эгри-букри йўллар қаршисида тўғри йўлни чизиб бериш.

– Ҳокимиятни эгаллаш ва давлат тиклаш босқичи: яъни исломий давлат орқали амалда Исломни татбиқ қилиш босқичи.

3 – Шариатга зид услублардан воз кечиш: даъватни олиб чиқаётган уюшма ушбу мақсадни рўёбга чиқариш учун Исломга зид тариқат ва зўравонликка суюниши ман этилади. Чунки Росулulloҳ ﷺ Мадина аҳлидан байъат олишларидан олдин Макка даврида моддий куч ишлатишдан қайтарганлар.

Тўртинчи: Ислом диёрига ўтишдаги амалий йўл:

Ушбу шаръий манҳажни татбиқ қилиш учун очиқ амалий қадамлар ташлаш лозим;

Уларнинг биринчиси: Уюшма ташкил қилиш, сақофат бериш ва фикрий англашни шакллантириш жараёни. Ислом динини фикрий ва сиёсий англаган мусулмонлардан мустаҳкам

пойдевор барпо этилиши керак. Бунда барча рухсат этилган воситалар ва услублар, жумладан, дарслар, маърузалар, семинарлар, конференциялар, китоблар, нашралар, оммавий ахборот воситалари, электрон алоқа ва шариат рухсат берган бошқа воситалардан фойдаланиш мумкин. Ислом шариати тақиқлаган усулни қўллаш ва Ғарб принципларидан бирор нарсани Исломни татбиқ этиш воситаси деб ҳисоблаш мутлақо жоиз эмас. Чунки бу Аллоҳнинг амрига исёндин, Аллоҳ ҳузуридаги нарса Унга исён қилиш билан изланмайди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَلْيَحْذَرِ الَّذِينَ يُخَالِفُونَ عَنْ أَمْرِهِ أَنْ تُصِيبَهُمْ فِتْنَةٌ أَوْ يُصِيبَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ﴾

«(Пайғамбарнинг) амрига хилоф иш қиладиган кимсалар ўзларига бирон фитна кулфат этиб қолишдан ёки аламли азоб этиб қолишдан ҳазир бўлсинлар» [Нур 63]

Иккинчиси: Умматга таъсир ўтказиш. Фикратни Умматга амалий фаолият, Исломни ёйиш ҳамда фикрий ва сиёсий кураш орқали етказиш керак. Бу қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Ҳукмрон режимларнинг айбларини очиш.
- Капиталистик демократия ва бошқалар каби куфр фикрларига қарши курашиш.
- Уммат манфаатларини табанний қилиш. Уларнинг энг муҳимлари Исломни татбиқ қилиш, Фаластин каби босиб олинган исломий юртларни озод қилиш. Бу ишларнинг барчаси худди Росулulloҳ ﷺ куч ва қудрат аҳлидан ёрдам сўраганлари каби талаби нусрат билан ҳамоҳанг бўлиши лозим. Шунинг учун бугунги кунда армия, қабилалар, таъсир кучига эга уруғлар ва сиёсий кучлардан нусрат талаб қилиш керак...

Учинчиси: давлатни тиклаш. Қачонки Аллоҳ Уммат учун кечаги ансорлар каби шарт ва қайдларсиз ёрдам берадиган ансорларни тайёрласа ва нусратга эришилса, Халифалик тезда эълон қилинади ва Ислом тўла татбиқ этилади. Давлат қандай амалларни ижро қилиши унинг шавкати ва душманларни рад этиш қудратини кўрсатиб беради. Ушбу амалларнинг энг муҳими ва аввалгиси муборак Фаластин заминини озод қилиш ҳамда Уммат кўксига ханжардек санчилган бу ифлос вужудни улоқтириб юборишдир. Чунки бу иш Умматнинг муқаддас жойлари ва босиб олинган замини олдидаги бурчидир. Уммат билсинки, давлатни барпо қилганлар Умматнинг ташвиш ва

муаммоларини ўз зиммасига олишга жиддий ёндашадилар. Шунинг учун уларни ўз бағрига олишга, уларга қўшилишга ва Уқоб байроғи бўлмиш уларнинг байроғи остида туришга шошилсинлар.

Бешинчи: ушбу мақсадни рўёбга чиқаришда Уммат ва Ҳизб аъзоларининг роли:

Албатта ўзгартириш масъулияти ҳар бир муслмонга тушади, аммо бу юксак лойиҳада Ҳизб аъзолари алоҳида роль ўйнайди.

Чунки Ҳизб аъзолари Умматнинг таянчи ҳамда фидоийлик ва меҳнатга энг ғайратли, қобилиятли инсонлар гуруҳидир. Шунинг учун улар Халифаликни тиклашга ҳаракат қилаётганларнинг бошида туришлари керак. Ҳизб аъзолари Ислом давлатини тиклаш билан боғлиқ сиёсий ва шаръий масалаларни тушунишлари, Умматга фикр ва шариатни уйғунлаштирган тилда мурожаат қила олишлари керак. Улар Уммат ишончини қозонишлари ва бу мақсадга эришиш учун уни ўзлари билан фаолият қилишга чақиришлари керак. Улар муваффақиятли даъватчилар бўлишлари учун кундалик ҳаётларида Исломга амал қилишда намуна бўлишлари керак.

Албатта Ислом диёри, яъни Исломни татбиқ қиладиган давлатни тиклаш амалга ошмайдиган орзу эмас. Аксинча у Аллоҳ Таолонинг ваъдаси ва Росулининг хушхабаридир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا مِنكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ﴾

«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга уларни ер юзида халифа қилишни ваъда қилди» [Нур 55]

Пайғамбаримиз ﷺ дедилар:

﴿مَنْ تَكُونُ خَلِيفَةً عَلَيَّ مِنْهَاجِ النَّبْوَةِ﴾

«Сўнгра Пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик бўлади».

Шунинг учун мана шу мақсадни амалга ошириш йўлида барчамиз жидду жаҳд ва ихлос билан фаолият қилишимиз ҳамда Росулulloҳ ﷺнинг йўлидан оғишмай юришимиз лозим. Мен ўзим ва сизга қуйидагиларни тавсия қиламан:

1 – Исломни ақида ва ҳукмлар сифатида маҳкам ушлаш.

2 – Халифаликни тиклаш учун тартибли жамойи ҳаракатни давом эттириш ва йўлда қанчалик қийинчиликлар бўлмасин, сабр қилиш ва сабот билан туриш.

3 – Одамларга ҳикмат ва чиройли панд-насиҳат билан даъват қилиш.

4 – Аллоҳ Таолога таваккал қилиш, Аллоҳнинг ваъдаси ва нусратига ишониш.

Биз Аллоҳдан рошид Халифаликни тиклашимизда ёрдам беришини ҳамда бу Умматга кучи ва қадр-қимматини қайтаришини ва бизни мана шу мақсадни рўёбга чиқаришда холис амал қиладиган кишилардан қилишини сўраймиз.

﴿وَالَّذِينَ آمَنُوا وَهَاجَرُوا وَجَاهَدُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَالَّذِينَ آءَاوُوا وَنَصَرُوا أُولَٰئِكَ هُمُ الْمُؤْمِنُونَ حَقًّا لَهُمْ مَغْفِرَةٌ وَرِزْقٌ كَرِيمٌ﴾

«Иймон келтирган, ҳижрат қилган ва Аллоҳ йўлида курашган зотлар ва (муҳожирларга) уй-жой бериб, ёрдам қилган зотлар — ана ўшалар ҳақиқий мўминлар бўлиб, улар учун мағфират ва улуғ ризқ бордир» [Анфол 74] □

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА УНИНГ ИНСОНИЯТ
ЖАМИЯТИДАГИ РОЛИ

Силофа Шавмон – Фаластин

Аллоҳ Таоло деди:

﴿وَأَذِّنْ فِي النَّاسِ بِالْحَجِّ يَأْتُوكَ رِجَالًا وَعَلَىٰ كُلِّ ضَامِرٍ يَأْتِينَ مِنْ كُلِّ فَجٍّ عَمِيقٍ﴾

«Биз Иброҳимга дедик: **Ва одамлар орасида** (юриб уларни) **ҳажга чақиргин, улар сенга** (яъни сенинг даъватингга жавобан) **яёв ҳолларида ва йироқ йўллардан келадиган ориқ-ҳолдан тойган туялар устида келурлар»** [Ҳаж 27]

Яна деди:

﴿فَلَمَّا جَهَّزَهُم بِجَهَّازِهِمْ جَعَلَ السَّقَايَةَ فِي رِجْلِ أَحِيهِ ثُمَّ أَدَّنَ مُؤَدَّنٌ أَتَيْتَهَا الْعَيْرُ إِنَّكُمْ لَسَدْرِقُونَ﴾

«Бас, қачонки уларнинг ҳожатларини раво қилгач, унисининг юки орасига (билдирмай) бир қадаҳни солиб қўйди. Сўнгра эса жарчи – эй карвон эгалари, сенлар ўғрисанлар, деб жар солди» [Юсуф 70]

Аллоҳ Азза ва Жалла яна бундай деди:

﴿وَسَأَلَ الْقُرَيْةَ الَّتِي كُنَّا فِيهَا وَالْعَيْرَ الَّتِي أَقْبَلْنَا فِيهَا وَإِنَّا لَصَدِيقُونَ﴾

«Биз бўлиб қайтган шаҳардан ва биз бирга кетган карвондан сўраб-суриштиргин. Албатта, бизлар рост сўзлагувчилармиз» [Юсуф 82]

Яна бундай деди:

﴿وَتَفَقَّدَ الطَّيْرَ فَقَالَ مَا لِيَ لَا أَرَى الْهُدْهُدَ أَمْ كَانَ مِنَ الْغَائِبِينَ ﴿۱۰﴾ لَأَعَدِّبَنَّهُ عَذَابًا شَدِيدًا أَوْ لَأَأَذِّنَنَّهُ أَوْ لِيَأْتِنَنِي بِسُلْطٰنٍ مُّبِينٍ ﴿۱۱﴾ فَمَكَثَ غَيْرَ بَعِيدٍ فَقَالَ أَحَطْتُ بِمَا لَمْ نَحِطْ بِهِءَ وَجِئْتُكَ مِنْ سَبَإٍ بِنَبَأٍ يَقِينٍ﴾

«У қушларни кўздан кечириб – нега мен ҳудҳудни кўрмаяпман, балки у (мендан изнсиз) ғойиб бўлгувчилардандир?! Албатта уни қаттиқ азоб билан азоблайман ёки сўйиб юборурман ёхуд у менга (ўз узрини баён қилиб) очиқ ҳужжат келтирур, деди. Сўнг узоққа қолмай (ҳудҳуд келиб) – мен сен оғоҳ бўлмаган нарсадан оғоҳ бўлдим ва сенга Сабаъ (шаҳри)дан аниқ бир хабар келтирдим, деди» [Намл 20-22]

Ушбу ояти карималар оммавий ахборот воситалари (ОАВ) янгилик эмаслигини, балки ер юзига инсон зоти келгандан бошлаб эскидан мавжуд эканини кўрсатмоқда. Бунинг боиси шундаки, ОАВнинг маълумот етказишда алоҳида роли бор. Унинг ахборот етказиш, шунингдек, фикрлар ва тамойилларга эга кишиларнинг бошқаларни шу фикр ва тамойилларга чақиришларида, уларни тушунтиришларида, сўнгра турмуш тарзига айлантириш мақсадида одамларга таъсир ўтказишларида муҳим ролга эга.

Хўш, оммавий ахборот воситалари нима? ОАВнинг инсоний жамиятларга, халқларга, хусусан Исломи Умматга таъсири қандай? Биз инсониятни капитализм зулмидан қутқарадиган туб ўзгариш яшашни зиммасига олган даъват етказувчиларнинг фаолиятимизга ОАВнинг таъсири қандай?

Араб тилида الإعلام (оммавий ахборот) اَعْلَمَ билдирмоқ-хабар қилмоқ, ахборот тарқатмоқ маъносида. Яъни маълумотлар ва ҳақиқатларни тўплаб, саралагандан сўнг тарқатишдир. الإعلام даъват қилиш, яъни даъватни ёйиш ва миссия бўлиб, халқни ҳар қандай воқеа-ҳодиса ёки муаммо тўғрисида тўғри фикрни пайдо бўлишига ёрдам берувчи тўғри хабарлар, ҳақиқий маълумотлар, барқарор ҳақиқатлар билан таъминлашга қаратилган. У омманинг менталитети, йўналиши ва майлларини ифодалаб беради.

Оммавий ахборот воситаларининг асосий принципи ҳақиқатни билмаганларга билдиришдир, бундай бўлмаса, адаштириш бўлади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَإِذَا جَاءَهُمْ أَمْرٌ مِّنَ الْأَمْنِ أَوْ الْخَوْفِ أَدَّعَوْا بِهٖ ۗ وَلَوْ رَدُّوهُ إِلَى الرَّسُولِ وَإِلَىٰ أُولَى الْأَمْرِ مِنْهُمْ لَعَلِمَهُ الَّذِينَ يَسْتَنبِطُونَهُ مِنْهُمْ ۗ وَلَوْلَا فَضْلُ اللَّهِ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَتُهُ لَتَّبَعْتُمُ الشَّيْطَانَ إِلَّا قَلِيلًا﴾

«Қачон уларга тинчлик ёки хавф-хатар хабари келса, уни ёйишади. Агар Росулulloҳга ва ўзларидан бўлган бошлиқларгагина етказганларида эди, уни (яъни мана шу хабарнинг ҳақиқатини) билмоқчи бўлган кишилар ўшалардан билган бўлар эдилар. Агар сизларга Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлмаса эди, айрим кишилардан ташқари ҳаммангиз шайтонга эргашиб кетар эдингиз» [Нисо 83]

Бу оятда ОАВнинг янгиликлар ва маълумотларни етказиш, уларни текшириш ва жамоатчилик фикрини пайдо қилиш воситаси экани таъкидланмоқда. Аллоҳ Таолонинг:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِن جَاءَكُمْ فَاسِقٌ بِنَبَأٍ فَتَبَيَّنُوا أَن تُصِيبُوا قَوْمًا بِمِجَالَةٍ فَتُصِحُّوا عَلَىٰ مَا فَعَلْتُمْ نَدِيمِينَ﴾

«Эй мўминлар, агар сизга бир фосиқ кимса бирон хабар келтирса, сиз (ҳақиқий аҳволни) билмаган ҳолингизда, бирон қавмга мусибат етказиб қўйиб, қилган ишларингизга афсус-надомат чекиб қолмасликларингиз учун (у фосиқ кимса олиб келган хабарни) аниқлаб-текшириб кўринглар!» [Ҳужурот 6] деган каломида ҳам ОАВ, яъни хабарлар ва маълумотларга ишора мавжуд. Шунингдек оят, токи мабдага зид келмайдиган тўғри нуқтаи назар пайдо бўлиши учун хабарнинг тўғрилигини ва маълумотларнинг хавфсизлигини текширишни вожиб қилади.

ОАВ халойиқ пайдо бўлгандан бери бор. У ўз аудиториясидаги раъйи омга таъсир қилишда, уларнинг сақофатига, шундан келиб чиқиб майлларига таъсир ўтказишда муҳим аҳамият касб этади, гарчи уларнинг воситалари турли бўлса-да. Жоҳилият даврида оммавий ахборот воситаси шеър айтиш ва нутқ сўзлашдан иборат эди, булар ташвиқот ва нашр воситаларидандир. Масалан, айни восита мушриклар исломий даъватдан тўсишга киришишган пайтда Росулulloҳ ﷺнинг даъватларига қарши қўл келган. Ўшанда Ҳубайра Махзумий, Усайд ибн Анас, Каъб ибн Абу Салмо ва Ҳорис ибн Муғира каби шоирлар Росули акрам ﷺга тухмат тоши отишга киришишган ва буни шеър ва ёлғон ташвиқот билан амалга оширишган. Макка аҳолиси ва у ерга келган мусофирларнинг ҳаммасини Росулulloҳ ﷺдан огоҳлантиришган. «Туфайл ибн Умар Давсий Маккага келган эди, Қурайш мушриклари унинг атрофига тўпланишди ва Росулulloҳ ﷺ билан учрашишдан, унинг гапларини эшитишдан огоҳлантиришди. У айтади: Аллоҳга қасам, мени шундай огоҳлантиришдики, ундан ҳеч нарса эшитмасликка, у билан гаплашмасликка қарор қилдим, масжидга кирганимда, унинг сўзларини эшитиб қолмай деб қулоғимга пахта тиқиб олдим, унинг сўзларини эшитишни истамадим». Росулulloҳ ﷺнинг даъватларига такаббурлик

билан қаттиқ тўсқинлик қилган Абу Лаҳаб барчамизга маълум. У доим Росулulloҳ ﷺ нинг ортидан юриб, қабилаларни ундан огоҳлантириб турарди, ҳатто у ҳақда бутун бир сура нозил бўлган.

Қуръони Каримда Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمِنَ النَّاسِ مَن يَشْتَرِي لَهْوَ الْحَدِيثِ لِيُضِلَّ عَن سَبِيلِ اللَّهِ بِغَيْرِ عِلْمٍ وَيَتَّخِذَهَا هُزُوًا أُولَٰئِكَ لَهُمْ عَذَابٌ مُّهِينٌ ﴿٦٧﴾ وَإِذَا تُتْلَىٰ عَلَيْهِ آيَاتُنَا وَآلَىٰ مُسْتَكْبِرًا كَأَن لَّمْ يَسْمَعْهَا كَأَنَّ فِي أُذُنَيْهِ وَقْرًا فَبَسَّرَهُ بَعْدَآبِ أَلْيَسٍ ﴿٦٨﴾﴾

«Одамлар орасида шундай кимсалар борки, улар билимсизлик билан (ўзгаларни) Аллоҳнинг йўлидан оздириш учун ва у (йўлни) масхара қилиш учун беҳуда сўз(лар)ни сотиб олишади, ана ўшалар учун хор қилувчи азоб бор. Қачон унга Бизнинг оятларимиз тиловат қилинса, гўё эшитмагандек, гўё қулоқларида оғирлик-карлик бордек кибру-ҳаво билан юз ўгириб кетур. Бас унга аламли азоб ҳақида «хушxabар» бериб қўйинг!» [Луқмон 6-7]

Бу оятлар Назр ибн Ҳорис ҳақида нозил бўлган. Бу кимса Исломни излаб келган ҳеч бир инсонни кўздан қочирмас эди. Қўшиқчи хотин сотиб олиб, унинг олдига юборар, уни таомлантириб, маст қилувчи ичимлик ичиришни ва қўшиқ кўйлаб беришни тайинларди. Унга – бу Муҳаммад сени даъват қилаётган диндан кўра яхшироқ, дер эди.

Бунга жавобан, Росулulloҳ ﷺ қўлларидан келганча ахборот воситаларидан фойдаланар эдилар. Масалан, Сафода туриб, одамларни даъват қилар, одамлар тўпланган ерларда Қуръон тиловат қилиб берар эдилар. Ҳаж мавсумида одамларни тўхтаган ерларига бориб даъват қилардилар. Шунингдек, жамойи равишда одамларнинг диққатини жалб қилардилар. Жумладан, асҳоби киромларига Арқам ҳовлисидан Қурайшнинг олдига икки саф бўлиб чиқишни буюрганлар.

Бугунги кунда – илм-фан ва технология ривожланган бир замонда оммавий ахборот воситалари ҳам ривожланди, видео, аудио ва ёзма каби турли хабар воситалари кенгайди. Кўп турдаги оммавий ахборот воситалари давлатлар, ҳукмдорлар ва сиёсатчиларнинг жамоатчилик фикрига таъсир ўтказиш, ўз сақофатлари ва сиёсатларини зўрлаб сингдириш учун энг муҳим воситалардан саналади. Бу партия-ҳизблар учун ҳам

жуда муҳим воситалардандир. Хусусан, одамлар ва гуруҳларга етакчилик қилишга ҳаракат қилаётган сиёсий мабдаий ҳизблар учун.

Шу тариқа, давлатлар, айниқса Америка каби нуфузли мустамлакачи давлатлар оммавий ахборот воситаларига ўзларининг манфаатлари учун хизмат қилиш ҳамда ўзларининг ҳазорий курашига, табиийки, Ислом ва мусулмонларга қарши курашига ёрдам бериш вазифасини юклади. Биз буни икки ишда яққол ҳис этишимиз мумкин:

Биринчи иш мустамлакачи давлатларнинг халқларига хос. Яъни ўзларининг адаштиришга асосланган ахборот воситалари орқали халқларига Исломни ёмон кўрсатиб, уни ёмонотлиқ қилишга муваффақ бўлишди. Бу ҳол анчадан бери давом этмоқда. Шундай бўлиши табиий, чунки ОАВ ҳар қандай давлатда режимга қарам бўлиб, унинг сиёсатидан ташқарига чиқмайди. Капиталистик давлатларда ОАВ уларнинг манфаатларини – айниқса, Ислом ва мусулмонларга қарши курашларида – рўёбга чиқариб беришга қаратилиши табиий.

Бошқа томондан, дунёда гегемонлик қилаётган АҚШ маълумотларни монополия қилиб, бутун дунё оммавий ахборот воситаларидан 90 %ини ўз назорати остида ушлаб келмоқда. Яъни янгиликларнинг 90 %и асосан бешта Америка ахборот агентлигидан чиқади ва унинг ички ва ташқи манфаатларига хизмат қилади.

Демак, айта оламизки, замонамиздаги ОАВ капиталистик Ғарб манфаатларини рўёбга чиқарадиган тарзда адаштириш, яшириш, ёлғон ва ноаниқликка асосланган. Собиқ АҚШ президенти Картернинг хавфсизлик маслаҳатчиси Бжезинский Биринчи Форс кўрфази урушидан сал олдин бундай деган: «Мен газета, журнал ва телевидениеда тарқатиладиган сиёсий хабарларнинг атиги 20 %ини оламан, қолган 80 %и эса ёлғон ва адаштиришдан иборат».

Айтиш мумкинки, ОАВ орқали алдаш йўли билан улар нафақат ўз халқи кўз ўнгида Ислом динини бузиб кўрсатишга, балки Афғонистон ва Ироққа уруш эълон қилиш учун ўз халқларининг қўллаб-қувватловига эришишга ҳам муваффақ бўлишди. Шунингдек, ўз халқларини яҳудий вужудига ҳамдард бўладиган ва уларнинг Фаластинда жойлашишини оқлайдиган халққа айлантиришга ҳамда арабу мусулмонларни тажовузкор

террорчи қилиб кўрсатишга ҳам қодир бўлишди. Бу анча вақт давом этди. Ниҳоят, Аллоҳ уларнинг бу макрини ўзларининг зиёнига айлантириб қўйди. Яъни Ақсо Тўфони юз бериб, ҳақиқат устидаги булутлар ҳаммада мавжуд ижтимоий тармоқлар орқали тарқалиб кетди.

Ҳа, Ақсо Тўфони сабабли Ғарбдаги кўплаб инсонлар Исломга киришди, ҳатто Ғарбда Ғазо ва Фаластинни қўллаб-қувватлайдиган, босқинчи яҳудийни қоралайдиган жамоатчилик фикри вужудга келди. АҚШ ва Ғарб давлатлари университетларидаги ўз ҳукуматларига қарши намойишлар ва норозиликлар бунинг яққол далилидир.

Иккинчи иш мусулмон ўлкалардаги Ислом Умматига хос. ОАВ мавзусида муҳими мана шу. Чунки ОАВ ҳар қандай давлатда режимга тобе бўлиб, инсон ўйлаб чиқарган тузум билан бирга ҳаракат қилади. Маълумки, мусулмон юртларидаги барча ҳукмдорлар мустамлакачи Ғарбга малай ёки унинг таъсири остида, Ғарб уларни ҳокимиятга ўзининг режаларини амалга оширишлари учун ёки улардан фойдаланиш учун олиб келган. Дарҳақиқат, Ислом ва мусулмонларга қарши курашда ОАВ Ғарб учун айни муддао бўлди. Чунки халқлар ва миллатлар сақофатига таъсир қилишда ОАВнинг роли катта, хусусан, Ғарб аудио, видео ва матбуот медиаси ҳар бир мусулмон хонадонига кириб борди, ҳаётининг ҳар бир қисмида, хусусан, интернет (ижтимоий тармоқлар)да ҳамisha бисёр бўлиб қолди. Ғарбга қарашли ОАВнинг Исломга қарши кураш ва уни мусулмонларга бузиб кўрсатишдаги изчил фаолияти ҳар қандай ақли расо киши учун сир эмас. Бу воситалар Исломни бадном қилишда, ақлларга исломий ақидага зид тушунчаларни ўрнатишда ҳамда шариат аҳкомларига қарши ҳужум қилишда шундай нопок услуб ва воситалар қўллаяптики, ҳатто шайтон ҳам лол қолади. Шунингдек, теледастурлар ва сериаллар орқали беҳаё тушунчалар, разил кўнгилочар лойиҳалар, фаҳш ва бузуқ фикрларни тарқатмоқда, буларни идеал деган ниқоб остида амалга оширяпти. Аслида булар идеал эмас, аксинча халқ орасида фаҳш тарқатаётган энг паст нарсалардир. Вазиятнинг янада хавfli жиҳати, бу дастурларни халқнинг катта қисми томоша қиляпти.

Шунингдек, ОАВ орқали ҳақиқатни яширишга уринишяпти. Бунга яққол мисол, холис исломий ҳизблар, хусусан Ҳизб ут-Тахрирнинг фаолиятини эътиборсиз қолдиришяпти, яширишяпти ва унга ҳужум қилишяпти. Буларнинг барчаси Умматни тўғри йўналишидан бўриб, тақдирий масаласидан, яъни Халифаликни барпо этишдан чалғитишга қаратилган.

2005 йил 14 феврал куни «Шарқул Авсат» газетаси «Нью-Йорк Таймс» газетаси тайёрлаган ҳисоботни нашр қилди. Унда АҚШ маъмуриятининг (ўша пайтда 20 йил олдин) янги медиа стратегияси ҳақида сўз юритиб, унда араблар ва мусулмонларни йўлдан оздириш мақсадида ёлғон тарқатиш кераклиги айтилган. Масалан, Америка қадриятларига қарши диний ваъзлар қиладиган масжидлар ва диний муассасалар таъсирига путур етказиш мақсадида хабар-мақолалар чоп этиш, сохта ҳужжат-далиллар тайёрлаш ва араб тилида веб-сайтлар очиш кабилар.

Бундан ташқари, ОАВ орқали мусулмонларда умидсизлик ва чорасизлик тушунчаларини пайдо қилиш учун ҳамда Ислом асосида уйғониб, ривожланишга бўлган ишончларига путур етказиш учун жадал ҳаракат қилишяпти. Бунинг учун Ғарбни, айниқса, Американи енгиб бўлмас буюк қудрат деб тасвирлаш, шу орқали арабу мусулмонлар наздида Америка билан курашиб бўлмайти, деган тушунчани кенгайтириш керак бўлди. Ҳолбуки, АҚШнинг собиқ президенти кичик Бушнинг ўзи Ислом Умматига қарши кураши салибчилик юриши эканини очиқ айтди. Буларнинг барчасидан мусулмонларни синдириб, умидсизликка тушириб, ичдан мағлуб ва таслим қилиш кўзланган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَقَدْ مَكَرُوا مَكْرَهُمْ وَعِنْدَ اللَّهِ مَكْرُهُمْ وَإِنْ كَانَ مَكْرُهُمْ لِتَزُولَ مِنْهُ الْجِبَالُ﴾

«Улар ўзларининг макр-ҳийлаларини қилишди. (Лекин) агар уларнинг макрлари сабабли тоғлар емирилиб кетадиган бўлса-да, уларнинг (бу) макр-ҳийлалари Аллоҳ ҳузурда (маълумдир)» [Иброҳим 46]

Бироқ кофир Ғарбнинг оламга бўлган гегемонлиги абадий эмас. У ҳар қанча чўзилмасин, Аллоҳнинг ўз мулкига белгилаган қонуни бўйича ҳақ нусрат қучади, ботил мағлуб бўлади. Ҳатто бу Набий ﷺ нинг:

«ثُمَّ تَكُونُ خَلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَاجِ النَّبَوَّةِ»

«Кейин Пайғамбарлик минҳожиди асосидаги Халифалик бўлади», дея берган хушхабарлари ҳамдир. Аллоҳнинг изни ила, бунинг замони келиб қолди.

Шунинг учун иккинчи рошид Халифалик давлатидаги оммавий ахборот воситалари ҳақида сўз юритмоғимиз лозим:

Ҳизб ут-Таҳрир тайёрлаган «Халифалик давлати дастур лойиҳаси»нинг 103-моддасида бундай дейилади: «Ахборот аппарати давлатнинг ахборот сиёсатини Ислому муслимонлар манфаатига хизмат қиладиган тарзда белгилайдиган ва амалга оширадиган органдир. У давлат ичкарисида кучли ва бирлашган исломий жамиятни барпо этиш, ундан ёмонлик ва бузуқликни чиқариб ташлаш ва унинг поклигини янада ойдинлаштириш учун хизмат қилади. Давлат ташқарисида эса, тинчликда ҳам, урушда ҳам Ислому намоеън қилиш, унинг буюклиги, адолати ва аскарларининг қудратини кўрсатиш, шунингдек, инсон томонидан ўйлаб топилган тузумнинг бузуқлиги, зулми ва аскарларининг заифлигини очиб бериш учун хизмат қилади.

104-моддасида бундай дейилади: «Эгалари давлат фуқароси бўлган ахборот воситалари учун лицензия талаб қилинмайди, фақат ахборот органига маълумот ва хабардор қилиш тарзида хабар берилади. Яъни, янги очилган ахборот воситаси ҳақида идорага маълумот етказилади. Ахборот воситасининг эгаси ва муҳаррирлари ўзлари тарқатаётган ҳар бир ахборот моддасидан жавобгар бўлиб, шариатга хилоф ҳар қандай ишлари учун раиятнинг ҳар бир фуқароси каби ҳисоб-китоб қилинадилар».

Халифалик давлатида расмий оммавий ахборот воситалари инсонлар манфаати эмаски, халқ манфаати идорасига қарашли бўлса. Балки расмий ОАВ халифага бевосита боғланган мустақил аппарат бўлиб, давлат аппаратлари каби ўз вазифасини бажаради.

Халифалик давлатида ОАВ сиёсати Ислому ақидаси сиёсати устига қурилади ва фақат мабдага хизмат қилади. Даъватни ёйиш ва хорижга олиб чиқишда кучли қурол ва даъват услубларидан бири бўлади.

Ҳар бир айтилган ва тарқатилган фикр борасида шаръий аҳкомларга амал қилинади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَإِذَا جَاءَهُمْ أَمْرٌ مِّنَ الْأَمْنِ أَوْ الْخَوْفِ أَدَّاعُوا بِهِءٌ ۗ وَلَوْ رَدُّوهُ إِلَى الرَّسُولِ وَإِلَىٰ أُولِي الْأَمْرِ مِنْهُمْ لَعَلِمَهُ الَّذِينَ يَسْتَنبِطُونَهُ مِنْهُمْ ۗ وَلَوْلَا فَضْلُ اللَّهِ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَتُهُ لَاتَّبَعْتُمُ الشَّيْطَانَ إِلَّا قَلِيلًا﴾

«Қачон уларга тинчлик ёки хавф-хатар хабари келса, уни ёйиб юборадилар. Агар пайғамбарга ва ўзларидан бўлган бошлиқларгагина етказганларида эди, уни билмоқчи бўлган кишилар ўшалардан билган бўлар эдилар. Агар (эй мусулмонлар) сизга Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлмаса эди, айрим кишилардан ташқари ҳаммангиз шайтонга эргашиб кетар эдингиз» [Нисо 83]

Яна айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِن جَاءَكُمْ فَاسِقٌ بِنَبَأٍ فَتَبَيَّنُوا أَن تُصِيبُوا قَوْمًا بِمِجَالَةٍ فَتُصِيبُوا عَٰلَىٰ مَا فَعَلْتُمْ نَدِيمِينَ﴾

«Эй мўминлар, агар сизга бир фосиқ кимса бирон хабар келтирса, сиз (ҳақиқий аҳволни) билмаган ҳолингизда, бирон қавмга мусибат етказиб қўйиб, қилган ишларингизга афсуснадомат чекиб қолмасликларингиз учун (у фосиқ кимса олиб келган хабарни) аниқлаб-текшириб кўринглар!» [Ҳужурот 6]

Ислом давлатида ОАВ ростгўйлик, шаффофлик ва холисликка асосланади, одамларнинг хатоларини қидирмайди ва уларга жосуслик қилиш воситаси бўлмайди, ёлғон ишлатмайди, адаштириш ва чалғитишга асосланмайди. Балки Ислом ақидасини акс эттиради ва халққа шаръий аҳкомлар билан сақофат бериш орқали исломий ҳаётга уларни илҳомлантиради, уларга қадрият ва фазилатларни ўргатади, ҳаёсиз нарсалар тарқатмайди, шарманда қилишга таянмайди ва халқ ўртасида фаҳш тарқатмайди. Бутун халққа Ислом давлатининг фуқаролари деган эътиборда бир хил даражада муурожаат қилади.

ОАВ маъруфга буюриб, мункардан қайтариш билан барча инсонларга Исломни улашувчи воситадир. У фақат мабдага бўйсунди ва шаръий аҳкомларга чекланиб, лицензияга муҳтож бўлмайди. Лекин ОАВдан, хусусан давлатнинг ўзига

тегишли хабарлардан албатта жавобгарлик бўлади. Чунки Халифалик давлатидаги ОАВ Ислому муслмонларга хизмат қилишга, уларнинг шаънини улуғлаб, уларнинг салтанати ва жамият поклигини сақлашга чекланади. Кўнгил очар дастурлар ва вақтни зое кетказувчи беҳуда тадбирларга ўрин бўлмайди. Фақат очиқлик, ростгўйлик, холислик ва ғояга етишиш учун ойдинликка асосланувчи ОАВ бўлади.

Яна бир масала қолди, у Ҳизб ут-Таҳрир билан боғлиқ. Кофир ғарб Ҳизбнинг хатарлилигини англаб етган кундан буён унга қарши курашадиган ва унга қарши гижгижаб, уни йўқ қилишга уринадиган бўлиб қолди. Ҳизб ва унинг фаолиятини бузиб кўрсатиш ва ёмонотлиқ қилиш, Умматни адаштириш, унинг тақдирий масаласидан буриш учун ОАВдан кенг фойдаланадиган бўлди.

Бунинг муқобили ўлароқ, худди Росулulloҳ ﷺ ўзларидаги мавжуд барча воситалардан фойдаланган ҳолда Ислому даъватига тўсқинлик қилувчи барча куфр воситаларига қарши турганлари каби, Ҳизб ут-Таҳрир ҳам ушбу курашга, хусусан, ОАВ урушига қарши турмоқда, шу орқали ўзига қарши ўрнатилган медиа тўхмати кишанини парчаламоқда. Бунинг учун Ҳизб ўзининг матбуот бўлимлари ва расмий нотиқлари, интернетдаги ахборот веб-сайтлари, Ҳизб ут-Таҳрирнинг расмий радиоси, Ал-Воқия ва бошқа каналлари, шунингдек, Ал-Ваъй журнали, Роя газетаси каби ахборот воситаларидан фойдаланмоқда. Бундан ташқари, Ҳизб сиёсий намоишлар, пикетлар ва йиллик конференциялар орқали тинимсиз курашмоқда. Даъват тақозо этгандек ва фикрлари талаб қилгандек баёнотлар нашр қилмоқда. Буларнинг барчасида чарчаш ва малолланишни билмай ҳаракат қилар экан, душманлари ҳар қанча олов ёқса-да, уни Аллоҳнинг ўчиришига иймони комил. Буларнинг барчасидан Аллоҳ калимасини олий қилиш ва ризосига эришишдан ўзга ҳеч нарсани умид қилмайди. □

ҒАРБ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ УММАТИМИЗ УЧУН ХАВФИ

М. Холид Сарорий – Яман

Ғарб халқаро ташкилотлари бир қанча сабабларни баҳона қилиб мусулмон юртларда кенг тарқалмоқда. Уларнинг зоҳири раҳмат ва инсонпарварлик бўлиб кўрингани билан, ботини ифлослик ва ёвузликка тўла. Аслида бу ташкилотлар ўз сақофатини турли услублар билан бевосита ёки билвосита ёйишни мақсад қилган Ғарб мустамлакачилигининг бошқа бир юзидир. Ҳозирги пайтда мусулмон юртларда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар сони 4000дан ошади. Бу ташкилотлар соғлиқни сақлаш, таълим, озиқ-овқат, турмуш-тирикчилик, аёллар, болалар, атроф-муҳит каби турли гуманитар соҳаларга ва булардан бошқа одамлар учун муҳим ҳаётий масалаларга қизиқиш билдиришини даъво қилади. Улар Ғарб давлатларидан миллиардлаб доллар миқдоридаги саховатли ёрдамлардан фойдаланади. Мисол учун, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2025 йил учун 3,72 миллиард долларлик бюджетни тасдиқлади.

Ушбу ташкилотларга катта бюджетлар ажратилишига қарамай, воқеликда биз уларнинг сезиларли ижобий таъсирини кўрмаймиз. Бу ташкилотлар амалга ошираётган барча лойиҳалар саробга ўхшаш вақтинчалик лойиҳалар бўлиб, уларнинг мусулмон юртларда мавжуд бўлиб туришини оқлайдиган кўргазма бўлишдан бошқа одамларга фойдаси йўқ. Бу ташкилотлар «инсон ҳуқуқлари» ниқоби остида Ғарб давлатлари уларга юклаган кўплаб вазифаларни бажаришга, шунингдек, Ислом оламидаги жамиятларни йўқ қилишга ва бутун Умнат устидан Ғарб васийлигини тўла ўрнатишга қаратилган кўплаб ғаразли лойиҳаларни амалга оширишга интилишади. Ушбу мақолада бу ташкилотлар мусулмон юртларда тарқатишни кўзлаган баъзи ғаразли лойиҳаларга тўхталиб, уларнинг иш услубларини, мусулмон жамиятларга хавф туғдиришини ва уларга нисбатан Исломнинг позициясини тушунтирамиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ғарб сақофати тизимини халқаро шартнома ва конвенциялар кўринишида шакллантиради. Улар малай ҳукуматларга, обрўни сақлаб қолиш учун баъзи можароли бандлардан сақланиш имконияти

берилгани ҳолда, имзолаш учун тақдим этилади. Имзолаш босқичидан кейин, бу конвенциялар мажбурий қонунчилик манбасига айланиши учун, уларни парламент томонидан ратификация қилиш босқичи келади. Ушбу конвенцияларнинг келишилган бандлари амалга оширилганидан сўнг, динга ва исломий кадриятларга зид бўлгани туфайли рози бўлиш ёки татбиқ этиш мумкин бўлмаган бандлар бўйича шартларни бекор қилиш учун босим босқичи бошланади.

Ушбу ғарб конвенциялари аёллар ва болалар масаласи бўйича бир ёқлама қарашни, яъни ғарбнинг радикал фикрини ифодаловчи қарашни ўз ичига олади. Чунки улар бир қатор мослашувчан терминларга, жумладан, аёлларга нисбатан зўравонлик, гендер, репродуктив саломатлик ва булардан бошқа терминларга асосланади. Шу билан бирга уларнинг барчаси барқарор ривожланиш билан боғланади.

Бу конвенцияларда «тенглик» ва «инсон ҳуқуқлари» каби жимжимадор, аммо портловчи шиорлар илгари сурилади. Кейин, сиёсий, иқтисодий, сақофий ва маданий соҳаларда аёллар ва эркеклар ўртасида ролларда ҳам, ҳуқуқларда ҳам мутлақ тенглик талаб қилинади. Эркеклар ва аёллар ўртасидаги ҳар қандай фарқ аёлга нисбатан тугатилиши керак бўлган «камситиш ва зўравонлик» деб ҳисобланади. Шунингдек, турмуш қуришга чеклов қўйиш ва турмуш қуриш ёшини кўтариш билан бир қаторда, зино ва гомосексуализм каби жинсий эркинликка ҳамда булардан бошқа Исломга зид бўлган ва оиланинг бузилишига олиб келадиган фикрларга чақирилади.

Ғарб жамиятларида аёллар ва болалар масалаларида бундай қараш ҳукмронлик қилишининг натижаларидан бири оиланинг парчаланиши бўлди. Ўткинчи ва ғайритабиий муносабатлар оиланинг ўрнини эгаллади. Роҳат-фароғат (лаззат) олдида ифатнинг қадри тушиб кетди ва жамиятда индивидуализм ҳукмронлик қилди. Оила ва жамият аъзолари ўртасида фидоийлик ва меҳр-оқибатнинг қадри ҳам тушиб кетди.

Агар оила жамиятнинг асосий пойдевори бўлса, аёллар оиланинг асосий пойдеворидир. Шу нуқтаи назардан, ғарб кўплаб стратегия ва сиёсатларни халқаро ташкилотлар амалга оширадиган халқаро конвенция шаклида белгилади. У бундан

аёллар ва болаларни ҳимоя қилиш мақсад қилинганини даъво қилади. Аслида эса, бу оилани парчалаш ва уни илдизи билан йўқ қилишдир. Жумладан:

БМТ оилани йўқ қилишга қаратилган бир қатор резолюцияларни ўз ичига олган «аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш» атамаси орқали оилага ҳужум қилишга ҳаракат қилмоқда. Бу атама эркаклар ва аёллар ўртасида тўлиқ тенгликни, улар ўртасидаги барча фарқларни бартараф этишни, шунингдек, эркаклар ва аёллар ўртасида никоҳ мажбуриятларини тенг тақсимлашни талаб қилади. Шундай қилиб, бу атама васийлик асослари, хотиннинг рухсат сўраш, жинсий муносабат ва эр томонидан унга тайёрланган уйни лозим тутишда эрга итоат этиши бекор қилинишини талаб қилади. Шунингдек, кўпхотинлик, маҳр ва талоқ бериш ҳуқуқининг эрга берилишини бекор қилишга, «эрнинг аёлини зўрлаши» ва эр-хотин ўртасидаги «жинсий зўравонлик»ни жиноят деб белгилашга чақиради.

БМТ Ислом оламидаги ҳукуматларни балоғат ёшини 18 га кўтариш ва шу тариқа қонуний турмуш қуриш ёшини ҳам кўтариш тўғрисидаги қонунларни қабул қилишга мажбурлашга ҳаракат қилмоқда. Уларда 18 ёшга тўлмаганларнинг турмуш қуриши «эрта никоҳ» деб таснифланган. Шунинг учун бу таснифга кўра, 18 ёшга тўлмай турмуш қурганларни жиноий жавобгарликка тортиш қонуний асосга эга бўлиб қолди. Исломда болалик балоғат ёши билан тугайди. Бироқ, БМТ 1989 йилда қабул қилган «бола ҳуқуқи» тўғрисидаги конвенцияга (CRC) кўра, халқаро қонун бўйича болалик 18 ёшгача давом этади. Воқеликда шуни кузатиш мумкинки, Ислом оламидаги аксарият ҳукуматлар 18 ёшни болалик тугашининг амалий ва қонуний ёши деб белгилаш учун ўз қонунларини ўзгартирган.

БМТ эрта турмуш қуришга қарши курашар экан, у қизларнинг турмушга чиққунига қадар бокиралигини сақлашини талаб қиладиган жамиятларни «қиз болага» нисбатан «жинсий зўравонлик ва репрессия» қўллайдиган «патриархал» жамиятлар деб таърифлайди. Яъни, у бунини «аёлга нисбатан жинсий зўравонлик» деб ҳисоблагани учун «жинсий репрессияни» бартараф этишни талаб қилади, шунингдек, уларни турмуш қуришдан сақланишга ва ёшлигидан жинсий муносабат билан шуғулланишга ундайди. Бу уларнинг

ҳисоботларида, масалан, 2007 йилда БМТнинг Аёллар тараққиёти бўйича бўлими (DAW) эълон қилган «Қиз болага нисбатан зўравонлик ва камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш» деб номланган экспертлар қўмитасининг ҳисоботида кўрсатилган. Унда қуйидагича келади: «Болалар ва ўсмир эркакларнинг ижтимоийлашуви аёллар ва қизларнинг жинсий ҳаёти ва фаровонлигини назорат қилишга жуда катта эътибор беради. Қизнинг бокиралиги ва серпуштлигига жиддий эътибор жинсий репрессия ва қиз болага нисбатан камситиш ҳисобланади». Бу БМТнинг разил ишларни осонлаштириш, жамият ичида уни нормаллаштириш ва уни оддий иш, ҳатто «инсон ҳуқуқи» деб ҳисоблаш сиёсатини намоён қилади.

Ёвуз ниятли CEDAW конвенцияси никоҳсиз туғилган болаларни тан олишга чақиради. Зинокор аёл ва унинг боласи қонуний хотин билан бир хил ҳуқуқларга, жумладан, нафақа, насаб ва меросга эга бўлиб, уларнинг ўртасида ҳеч қандай фарқ бўлмайди. Ҳатто бу конвенцияда фоҳишаликни жиноят деб белгилаш «аёлнинг фоҳишалигидан фойдаланилишига» олиб келади деган даъво билан фоҳишаликка руҳсат беришга чақирилади. Унга кўра, модомики аёл тўлиқ иродаси билан фоҳишалик қилар экан, бунинг ҳеч қандай ёмон жойи йўқ.

БМТ гомосексуализмга очиқчасига рағбатлантиради. У барча гендер тафовутларни бартараф этишга, яъни гомосексуалларга ҳуқуқ ва бурчларда оддий одамлар билан бир хил муносабатда бўлишга чақиради. У дунёни гомосексуалликни қабул қилишга мажбур қилиш билан кифояланиб қолмасдан, уларга жинсий ва репродуктив саломатлик хизматларини таъминлашни талаб қилади. Уларга одамларнинг ҳамдардлигини қозониш, кейин, ҳукуматлардан уларни иқтисодий имкониятлар ва уй-жой билан таъминлашни талаб қилиш учун, уларни этник озчиликлар ва ногиронлар қаторига қўшади, шунингдек, уларнинг барчасини «маргинал гуруҳлар» деб таснифлайди.

БМТ ушбу зарарли лойиҳалар ва булардан бошқа кўплаб лойиҳаларни Ислом оламидаги жамиятларга халқаро ташкилотлар орқали мажбурлашга ҳаракат қилади. Бу лойиҳаларни ҳукуматлар маъқуллаши учун уларни гуманитар, иқтисодий, соғлиқни сақлаш ва бошқа ёрдамлар билан боғлайди. БМТ бошчилигидаги халқаро ташкилотлар Ғарбнинг хавфли қуроли бўлиб, улар ўзларининг очиқ-сочиқ

қадриятларини ўрнатишга ҳаракат қилишади. Бу қадриятлар оилалар бузилишига, фоҳишалик ва гомосексуализм тарқалишига, аёлларнинг бузилишига, охир-оқибат жамиятлар парчаланиб, Ғарб капитализми билан касалланган бепушт, шахсий манфаатлар ортидан қувадиган, Ислом таълимотларидан йироқ авлоднинг пайдо бўлишига олиб келади. Ҳатто Уммат заҳарланган ва бўлинган ҳолда қолиб, унинг устидан ҳукмронлик қилиш ва бойликларини талон-торож қилиш, ундан ҳар томонлама фойдаланиш осонлашади.

Ушбу ташкилотлар ва уларнинг конвенциялари ортидан юриш Исломга очиқдан-очиқ зиддир. Чунки Ислом шахс, оила ва жамият ҳаётининг барча босқичларини қамраб олган ҳолда, унинг барча тафсилотларига катта эътибор беради. Ислом наслини сақлашга чақиради. Ерни обод қилиш ва авлодлар давомийлигини таъминлаш учун муносабатларни қонуний никоҳ билан чеклаб, ундан бошқа ҳар қандай учрашув кўринишларини тақиқлаган, шунингдек, ғайритабиий муносабатларни ҳаром қилган. Бундан ташқари, Ислом эр-хотин ўртасидаги муносабатлар шахвоний жинсий кўриниш билан чекланиб қолмаслиги учун хотиржамлик ва меҳр-муҳаббатга эришишни талаб қилади. Эр-хотин ўртасидаги муомала яхши бўлиши учун аҳкомлар ва одоб-ахлоқ қоидаларини белгилаган. Ислом, шунингдек, насл-насабни сақлашга ва уни аралашидан асрашга чақиради. Шунинг учун зинони ва бола асраб олишни ҳаром қилган. Иддага хос ҳукмларни белгилаган ва қориндаги ҳомилани ҳақиқий эгасидан яширишни ҳаром қилган. Насл-насабни исботлашни вожиб қилиб, уни инкор этишни ҳаром қилган.

Ушбу халқаро ташкилотлар борасидаги шаръий раъй уларни рад этиш, жамиятларимиздан ҳайдаб чиқариш ва улар билан асло ҳамкорлик қилмасликдир, гарчи улар зоҳирда гуманитар лойиҳаларга чақирса ҳам. Бу лойиҳалар аста-секин тарқатиладиган яширин лойиҳалар учун жимжимадор ёлғон ташвиқотдан бошқа нарса эмас. Жамиятлар бу лойиҳалар хавфидан, шунингдек, Ислом Умматига қарши гина-адоватни яширган ёлғон шиорларига жалб қилиниш хавфидан хабардор қилиниши керак. Улар яхши билишадики, жамиятнинг уйғониши ва жипслашишига, шундан келиб чиқиб яна қайта халқаро майдонга қайтишига йўл қўймаслик учун

муносабатларнинг бузилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Зеро, жамиятнинг уйғониши уларнинг мўрт, заиф режимлари қулаб, йўқ бўлиб кетишига олиб келади. Шунинг учун ҳам улар Ислом Умматининг фикрий ва ижтимоий қадриятларини ҳар томонлама йўқ қилишга интилишади. Бу ташкилотлар уларнинг ёвуз қуролларида бири холос. Ислом Уммати ўз жамиятларини Ислом шариатига боғланган, Ғарб ҳазоратининг ифлослигидан йироқ ва пок ҳолда сақлаб қолиш учун имконият доирасидаги барча воситаларни ишга солиб ушбу ташкилотлар ва уларнинг лойиҳаларига қарши курашиши керак. □

АҚИДА ҲУКМРОНЛИГИ ҲАМДА КУЧ-ҚУДРАТНИНГ СИНИШИ: ҚАЧОНКИ МАФКУРА ҚУРОЛДАН УСТУН ТУРГАНДА

Умму Акрам – Фаластин

Жиҳод Исломда тақдирий масалалардан ҳисобланади. Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло Ўз Набийси ﷺ ни руҳий, ахлоқий, инсоний ва моддий қийматларни рўёбга чиқарадиган рисола билан юборди. Ушбу рисола одамлар ҳаётини тартиб-интизомга солиш ва муаммоларни ечишга қаратилган бўлиб, шундай бир тўғри йўлни чизиб кўрсатиб берганки, адолат ва раҳматга тўла жамият барпо бўлиши учун одамлар шу йўлдан юрмоқлари керак. Рисола Аллоҳ истагандек татбиқ этилганда халқлар ҳаётида хотиржамлик, бахт-саодат ва фаровонлик амалга ошади.

Ушбу рисола барча миллат-элатларга етиб борсин учун Аллоҳ даъват ва жиҳодни ҳақни ёйишнинг асосий тариқати қилиб қўйди. Шунинг учун жиҳод – Росулulloҳ ﷺ хабар берганларидек – Ислом ўрқачининг чўққиси бўлди ҳамда динни ҳимоя қилиш ва адолат ўрнатиш учун Ислом Умматига фарз қилинди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿قَاتِلُوا الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَلَا بِالْيَوْمِ الْآخِرِ وَلَا يُحَرِّمُونَ مَا حَرَّمَ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَلَا

يَدِينُونَ دِينَ الْحَقِّ مِنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ حَتَّى يُعْطُوا الْجِزْيَةَ عَنْ يَدٍ وَهُمْ صَاغِرُونَ﴾

«Ҳақ (яъни Ислом) динига эътиқод қилмайдиган аҳли китоблардан иборат кимсаларга қарши то улар хорланган (мағлуб) ҳолларида ўз қўллари билан (зиммаларидаги) жияни тўламагунларича, жанг қилингиз!» [Тавба 29]

Жиҳоднинг буюклиги ва юксак мартабаси сабабли Аллоҳ содиқ мужоҳидларга олий даражалар ва ажри азимлар ваъда қилиб, бундай деди:

﴿إِنَّ اللَّهَ اشْتَرَى مِنَ الْمُؤْمِنِينَ أَنْفُسَهُمْ وَأَمْوَالَهُمْ بِأَنْ لَهُمُ الْجَنَّةَ يُقَاتِلُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ

فَيَقْتُلُونَ وَيُقْتَلُونَ وَعَدًّا عَلَيْهِ حَقًّا فِي التَّوْرَةِ وَالْإِنْجِيلِ وَالْفُرْآنِ وَمَنْ أَوْفَى بِعَهْدِهِ مِنَ اللَّهِ

فَأَسْتَبْشِرُوا بِنَيْعِكُمُ الَّذِي بَايَعْتُمْ بِهِ وَذَلِكَ هُوَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ﴾

«Албатта, Аллоҳ мўминларнинг жонларини ва молларини улардан жаннат баробарига сотиб олди — улар Аллоҳ йўлида жанг қилиб (кофирларни) ўлдирадилар ва (ўзлари ҳам Аллоҳ учун шаҳид бўлиб) ўлдириладилар. (Бундай мўминларга

жаннат берилишига) Аллоҳ Таврот, Инжил ва Қуръонда Ўзининг ҳақ ваъдасини бергандир. Аллоҳдан ҳам аҳдига вафодорроқ ким бор? Бас, (эй мўминлар), қилган бу савдоларингиздан шод бўлингиз. Мана шу ҳақиқий буюк бахтдир» [Тавба 111]

Жиҳод Исломда ер юзида тавҳид ақидасини ёйиш учун буюрилди. Бошқаларни ёмон кўрганлик ёки ҳаётларини менсимаганлик ёхуд нуфуз ва ҳокимият ўрнатиш учун жиҳод қилиш буюрилмади, балки адолат ўрнатиш ва зулму истибдодни даф қилиш, одамларни Аллоҳдан ўзгага қуллик қилишдан қутқариш учун буюрилди. Бу жиҳодга тааллуқли шаръий аҳкомларда очиқ кўринади. Чунки жиҳод, тавҳид ақидасига иймон келтиришдан бош тортган ва Ислом давлати соясида жизя тўлаб тинч-омон яшашни истамаган мушрик ва кофирларга қарши фарз қилинди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَقَاتِلُوهُمْ حَتَّى لَا تَكُونَ فِتْنَةٌ وَيَكُونَ لِلدِّينِ لِلَّهِ فَإِنْ أُنتَهَوْا فَلَا عُدْوَانَ إِلَّا عَلَى الظَّالِمِينَ﴾

«(Эй мўминлар) то фитна тугаб, бутун дин Аллоҳ учун бўлгунга қадар уларга қарши жанг қилинг! Энди агар тўхтасалар, у ҳолда сиз ҳам тўхтангиз! Зеро, фақат зolimларга қарши душманлик қилиш мумкин» [Бақара 193]

Аллоҳ йўлидаги жиҳод билан зolim мустамлакачиликни тенглаштириш ҳаргиз мумкин эмас. Чунки жиҳоддан адолат ўрнатиш ва раҳмат ёйиш мақсад қилинган бўлса, капиталистик Ғарб давлатлари амалга ошираётган мустамлакачиликдан заифҳол халқларнинг бойликларини талон-торож қилиш ва ресурсларидан фойдаланиш учун ўзларининг ҳарбий, сиёсий, иқтисодий ва сақофий-маданий гегемонлигини ўрнатиш мақсад қилинган, ҳатто бу айни халқларни геноцид қилишга олиб келса ҳам. Ҳақиқатда, ушбу мустамлакачилик ўзи билан вайроналар, бузғунчиликлар, урушлар ва курашлар олиб келди, ҳалигача у минтақада ва бутун дунёда низоларга заряд беряпти, қурол савдоси ва урушлардан йирик даромад олиш мақсадида низолашаётган томонларни қурол-яроғ билан таъминляпти.

Ислом ақидаси куч-қудрат ва нусрат манбаидир

Ақида фақат сабр-тоқат ва чидаш манбаи бўлмаган, балки ўтган асрлар мобайнида зафарлар қучишга ва ўз сақофатини ёйишга ҳаракатлантирувчи куч бўлган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِن تَنْصُرُوا اللَّهَ يَنْصُرْكُمْ وَيُثَبِّتْ أَقْدَامَكُمْ﴾

«(Эй мўминлар) агар Аллоҳга ёрдам берсангиз У ҳам сизга нусрат-ёрдам берур ва (жанг майдонида) қадамларингизни собит-барқарор қилур» [Мухаммад 7]

Зеро, ушбу ақида Ислом қўшинларининг бирдамлиги ва тартиб-интизомини таъминловчи, уларни хиёнатлардан ҳимоя қилувчи хавфсизлик клапанини ташкил этди, ўз навбатида, бу жанг майдонларида ва ҳаётда уларнинг сабот-матонат ва устунликларини оширди. Дарвоқе, тарих китоблари бизга ушбу ҳақиқатни ҳикоя қилган ҳодисаларни ривоят қилди. Масалан, машҳур Ярмук жанги ортидан Византия қироли мағлубиятга юз тутган қўшини қаршисида юраги алам ва оғриқдан эзилган, юзларида тушкунлик зоҳир бўлган бир аҳволда туриб, уларга айтди: «Суф сенларга! Қани менга айтларинг, сенларга қарши жанг қилганлар сенлар каби одамзотмиди?!» Қўшини «ҳа, қиролим», деб жавоб берди. «Сенлар кўпмидинг ёки уларми?!», деб сўрагани «ҳамма ерда биз кўпмиз», дейишди. Қирол «у ҳолда, сенларга нима бўлдики, мағлубиятга учрашдинг?!», деб ҳайратланди. Ўшанда Византия оқсоқолларидан бир қария чиқиб, ҳасрат-надомат ила бундай деган: «Мусулмонларнинг бизни мағлуб қилишгани сабаби, улар кечалари қиёмда бўладилар, кундүзлари рўза тутадилар, аҳд-паймонга вафо қиладилар, ўзаро бир-бирларига инсоф қиладилар».

Ақиданинг руҳан тетиклик ва ўлимдан қўрқмасликдаги таъсири

Мусулмон ўз ажали белгилаб қўйилганини, чунки Аллоҳ Таоло ушбу каломиди

﴿وَلَنْ يُؤَخِّرَ اللَّهُ نَفْسًا إِذَا جَاءَ أَجَلُهَا وَاللَّهُ خَبِيرٌ بِمَا تَعْمَلُونَ﴾

«Аллоҳ бирон жонни ажал келган вақтида (вафот этдирмасдан) қолдирмайди, Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир» [Мунофиқун 11]

деганидек, умр фақат Аллоҳнинг қўлидалигини билади. Билгани учун ҳам ўлимдан қўрқмайди, аксинча, Аллоҳ йўлида

Ақида ҳукмронлиги ҳамда куч-қудратнинг синиши: қачонки мафкура қуролдан устун турганда шаҳид бўлиш жонни қурбон этишнинг энг юқори даражаси эканига иймон келтирган ҳолда, қийинчиликлар қаршисида сабот ва жасорат билан туради.

Ақиданинг ризқдан кўнгил тўқ бўлишдаги таъсири

Иймон мусулмон кишини ўз ризқининг битилганига ва сақлаб қўйилганига ишонган, натижада камбағаллик ёки маҳрумликдан қўрқмайдиган кишига айлантиради. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَا مِنْ دَابَّةٍ فِي الْأَرْضِ إِلَّا عَلَى اللَّهِ رِزْقُهَا﴾

«Ўрмалаган нарса борки, барчасининг ризқи Аллоҳнинг зиммасидадир» [Ҳуд 6]

Яна айтади:

﴿وَفِي السَّمَاءِ رِزْقُكُمْ وَمَا تُوعَدُونَ﴾

«Осмонда сизларнинг ризқу-рўзингиз ва сизга ваъда қилинаётган нарса бор» [Зарият 22]

Шундай иймон унинг Аллоҳга бўлган ишончини мустаҳкамлайди ва ризқи кесилиб қолишидан ёки келажаги зое кетишидан қўрқмасдан жиҳодга интиладиган қилиб қўяди.

Ақиданинг дўст тутиш ва душманлик қилишдаги таъсири

Мўмин кимни дўст тутса ва кимни севса, буни Аллоҳ учун холис қилади, қариндош-уруғчилик ёки дўстлик каби дунёвий алоқаларга мағлуб бўлмайди, аксинча, иймон алоқаси энг кучли бўлади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَتَّخِذُوا ءَابَاءَكُمْ وَاخوانَكُمْ ءَوْلِيَاءَ إِنِ اسْتَحَبُّوا الْكُفْرَ عَلَى

الْإِيمَانِ وَمَنْ يَتَوَلَّهُمْ مِنكُمْ فَأُولَئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ﴾

«Эй мўминлар, ота-оналарингиз ва ака-укаларингизни (агар улар иймондан куфрни афзал билсалар) дўст тутманг! Орангизда кимда-ким уларни дўст тутса, бас, улар зolimлардир» [Тавба 23]

Шунинг учун ҳам, мўмин Аллоҳнинг дўстларини яхши кўради, душманларига душманлик қилади, ҳатто унинг учун энг яқин инсонлар бўлишса ҳам. Чунки ақида алоқаси Исломдаги алоқа-муносабатларнинг асосидир.

Шу тариқа, ақида ва иймон мусулмонларнинг йирик урушларида ҳал қилувчи омил бўлган. Яъни урушлар фақат ҳарбий тўқнашувлардангина иборат бўлиб қолмай, балки

иймон ва ишонч учун бир синов ҳамдир. Демак, муслмон киши бировларга ўхшаб жанг қилмайди, балки ўлимни кўз олдига келтириб, жонини фидо этиб, чекинмай олға интилиб, машаққатларга сабр қилган ҳолда жанг қилади. Айнан шу нарса муслмонларнинг – ҳатто ўзлари заиф, душманлари кучли бўлган ҳолатда ҳам – қатор нусратларга эришганларини изоҳлайди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَأَذْكُرُوا إِذْ أَنْتُمْ قَلِيلٌ مُسْتَضْعَفُونَ فِي الْأَرْضِ تَخَافُونَ أَنْ يَتَخَطَّفَكُمُ النَّاسُ فَآوَاكُمْ وَأَيَّدَكُمْ بِبَصَرِهِ﴾

«Ва сизлар ерда озчилик ва ночор бўлган ҳолингизда, одамлар талаб кетишларидан қўрқиб турган пайтингизда (Аллоҳ) сизларга жой бериб, Ўз нусрати билан қўллаб-қувватлаганини эслангиз!» [Анфол 26]

Бу – нусрат фақат жанговар куч билангина амалга ошмаслигига, балки у Аллоҳнинг истак ва тавфиқига боғлиқ эканига далолат қилади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَإِذْ يُرِيكُمُوهُمْ إِذِ التَّقِيْتُمْ فِي آعْيُنِكُمْ قَلِيلًا وَيُقَلِّلْكُمْ فِي آعْيُنِهِمْ لِيَقْضَى اللَّهُ أَمْرًا كَانَ مَفْعُولًا ۗ وَإِلَى اللَّهِ تُرْجَعُ الْأُمُورُ﴾

«(Эй мўминлар), Аллоҳ қилинадиган ишни амалга ошириш учун тўқнашган пайтингизда сизларнинг кўзингизга уларни кам қилиб кўрсатганини, уларнинг кўзларига эса сизларни оз қилиб қўйганини эслангиз! Барча ишлар Аллоҳга қайтарилур» [Анфол 44]

Қуръони Каримда нусратнинг ҳақиқий омилларини ҳисобга олмаган ҳолда, фақат қўшин сони ва тайёргарлиги ҳисоб-китобига таянган фикрнинг нақадар бузуқ фикр эканлигини исботлаган иккита ёрқин мисол келган:

Биринчи: Бадр куни. Ўшанда муслмонлар сон ва тайёргарлик жиҳатидан оз эдилар. Сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан қамалда қолгандилар. Шунга қарамай, иймон ва саботлари сабабли душман устидан кучли нусратга эришдилар. Бу ҳақда Аллоҳ Таоло шундай деган:

﴿وَلَقَدْ نَصَرَكُمُ اللَّهُ بِبَدْرٍ وَأَنْتُمْ أَذِلَّةٌ﴾

«Аллоҳ Бадр жангида кучсиз бўлсангиз-да, сизларга нусрат берди» [Оли Имрон 123]

Иккинчи: Ҳунайн куни. Ўшанда муслмонлар ўзларининг сон жиҳатидан устунликларига ишониб қолдилар. Чунки уларнинг сони 12 минг жангчи эди. Макка фатҳи ортидан кўпликлари билан ғурурландилар. Бироқ жанг бошида мағлубиятга дуч келдилар ва Аллоҳ Таоло бу ҳақда шундай деди:

﴿لَقَدْ نَصَرَكُمُ اللَّهُ فِي مَوَاطِنَ كَثِيرَةٍ وَيَوْمَ حُنَيْنٍ إِذْ أَعْجَبَتْكُمْ كَثْرَتُكُمْ فَلَمْ تُغْنِ عَنْكُمْ شَيْئًا وَضَاقَتْ عَلَيْكُمُ الْأَرْضُ بِمَا رَحُبَتْ ثُمَّ وَلَّيْتُم مُّدْبِرِينَ﴾

«Аллоҳ сизларга кўп ўринларда нусрат берди. (Эсланг) Ҳунайн куни сизни кўп эканлигингиз мағрур қилиб қўйган эди, аммо у (яъни, саноғингизнинг кўплиги) сизни ҳеч нарсадан беҳожат қила олмади (қутқара олмади) ва сизга кенг ер торлик қилиб қолди, сўнг юз ўғирган ҳолингизда чекиндингиз!»

[Тавба 25]

Аммо бу дегани муслмонлар ҳарбий куч-қудратнинг муҳимлигидан бутунлай ғафлатда қолишларини англамайди. Билъакс, Ислом жиҳод ҳақидаги қарашларида стратегик режалар билан ийманий ўлчов ўртасида нозик мувозанатни рўёбга чиқаради. Аллоҳ Таолонинг қуйидаги каломида келганидек, Ислом тайёргарлик кўришга ва имкон қадар куч-қудрат сабабларини олишга буюрган:

﴿وَأَعِدُّوا لَهُمْ مَا اسْتَطَعْتُمْ مِنْ قُوَّةٍ﴾

«(Эй мўминлар), улар учун имконингиз борича куч тайёрлаб қўйингиз»

[Анфол 60]

Ушбу оятда моддий ва ҳарбий тайёргарликнинг муҳимлиги таъкидланган. Зеро, Ислом Аллоҳга фақат таваккал қилишга таяниб, сабабларни олмасликка чақирмайди. Балки муслмон кишидан ҳарбий машқда ҳам, ҳарбий техникада ҳам, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ҳам – барча соҳаларда кучли бўлишни талаб қилади. Аммо муслмон фақат кучга таяниб, у билан ғурурланиб-алданиб қолмаслиги керак, балки энг катта ишончини Аллоҳ Таолога боғламоғи даркор.

Моддий тайёргарлик кўришнинг ҳам фикрий ва ақидавий асоси бўлиши керак. Бу асосни энергияни йўналтиришга ва ундан фойдаланишга қодир, қийинчиликларни енгиб ўтадиган, ўзига ишонган онгли сиёсий раҳбарият қабул қилади. Моддий тайёргарликдан мурод фақат куч-қудратни кўрсатиб қўйиш ёки ундан ўйламай-нетмай фойдаланиш дегани эмас, балки куч-

қудратдан мақсад ундан муносиб вақтда ва муносиб ўринда фойдаланиш демакдир. Яъни куч-қудрат душман тажовузини қайтаришга, унинг танобини тортиб қўйиб, Ислом давлати ёки муслмонларга зиён етказишни хаёлига келтирганларга ҳам қалбларига қўрқув солиб қўйиш учун етарли даражада сарфланади. Ислом давлатида адашган ва чорасиз қолган кишиларнинг ҳақиқатни англаб етишларига ҳамда Парвардигорларига қайтишларига халақит бераётган тўсиқ ва ғовларни олиб ташлашга етарли тайёргарлик бўлади. Бу тўсиқ ва ғовлар халқларнинг ресурсларига ҳукмронлик қиладиган гуруҳлар томонидан қўйилган бўлиб, уларнинг мақсади халқ яшаётган бузуқ воқеликни яширишдир. Токи, халқлар ҳақиқатни, яъни Аллоҳ уларни яратишидан асл мақсадни англаб етмасинлар.

Исломдаги куч-қудрат фақат ҳукмронлик қилиш ва назорат ўрнатиш учун воситагина эмас. Балки куч-қудрат, бу – адолат ўрнатиш ва ночорларни ҳимоя қилиш бўлиб, раҳм ва шафқат сифатига эга бўлади ҳамда иймон ва эътиқод доирасида бошқарилади. Бунинг акси ўлароқ, Аллоҳ Таолога итоат қилишдан келиб чиқмаган куч-қудрат эса, ўз ҳарбий ва технология воситаларини қўрқувни ёйиш ва ўз иродасини заиф халқларга мажбуран қабул қилдириш учун ишга солиш воситаси бўлиб, бунда ҳеч қандай инсоний ёки ахлоқий меъёрларга амал қилинмайди.

Бунга XIX ва XX аср очиқ мисол бўлади. Бу асрларда йирик кучлар халқларнинг потенциалларини эксплуатация қилди ва фақат ўз манфаатларига хизмат қилувчи режимларни ўрнатди. Оқибатда ҳарбий ва техник куч-қудрат урушларни ҳал қилиш ва гегемонлик ўрнатиш йўлига айланиб қолди.

Ушбу мафкура ва ақида қудратини йўқ қилиш мақсадида америкалик муфаккир Жозеф Най «юмшоқ куч», деган атамани илгари сурди. Унга кўра, фикрлар ва эътиқодлар у «қўпол куч» деб атаган моддий куч-қудратга параллел бўлиши мумкин. Бироқ ҳақиқий фикрий куч-қудрат сиёсий назариялар ёки оммавий ахборот воситалари пропагандасидан эмас, балки ҳар қандай уммат учун мустаҳкам асос бўладиган ва уни барча синов ва машаққатлар қаршисида собитқадам қиладиган барқарор ақидадан келиб чиқади.

Дарҳақиқат, тарих исломий мафкуранинг куч-қудрати барча моддий куч-қудратдан устун эканини исботлади, чунки у ҳар доим сон-саноқсиз қўшиндан, буюк империялардан устунлик кўрсатди. Масалан, мўғуллар шунча ҳарбий куч-қудратга эга бўлишларига қармай, Исломга дош беришолмади ва уларнинг давлати исломий ақида қудрати олдида вайрон бўлди. Ҳатто мўғуллар Исломни қабул қилишди ва исломий давлат барпо этиб, асрлаб ҳукм суришди. Бунинг боиси улар қурган давлатнинг пойдевори заиф бўлган. Шунинг учун кўп ўтмай Ислом мафкураси билан илк тўқнашгандаёқ бу давлат ағдарилган, чунки Ислом мафкураси инсоният табиатида чуқур илдиз отган бўлиб, ақлни қаноатлантиради, қалбни хотиржам қилади.

Ислом ақидаси индивидуал (якка тартибдаги) ақида эмас. Аксинча, у умматлар барпо этиш, уларнинг ҳаракати ва глобал қарашларини белгилаб берадиган асосдир. Мабдаси бор уммат уни дунёга ёйишдан жавобгар бўлиб, ўз манфаатларини глобал миқёсда шакллантиради. Шу сабабдан, Ислом бутун тарих давомида сурункали курашларга учради ҳамда ушбу ҳарбий ва фикрий курашлар орқали унинг ўзлигини ўчиришга уринишди. Бироқ, шунга қарамай, Ислом ҳамжиҳат-жипис ҳолатда сақланиб қолди, миллатчилик, социализм, баасчилик каби Исломга қарши курашмоқчи бўлган бошқа сохта идеологиялар Исломнинг илғор мафкураси олдида тез орада парчаланиб кетди.

Қўшма Штатлар илгари сурган юмшоқ куч, яъни демократия ва инсон ҳуқуқларига келсак, булар, кучли оммавий тарғибот-ташвиқот кампаниялари билан қўллаб-қувватланганига қарамай, ҳазорат жиҳатидан мазмунсиз пўк эканлиги аллақачон фош бўлди. Бунинг муқобили ўлароқ, Исломнинг мафкуравий куч-қудрати ҳеч бир давлатнинг қўллаб-қувватловисиз Ғарбнинг марказида кенг тарқалди, бу билан ўзининг ҳар қандай даъво қилинган куч-қудратдан кўра кўпроқ таъсирли эканини исботлади.

Бугунги кунда оламда Исломдан бошқа таъсир ва курашга кўпроқ қодир идеология қолмади. Ғарб ва унинг иттифоқчилари Исломни сиёсатдан четлатишга шунча уриниб келишганига қарамай, у энг кучли идеологиялигини йўқотмади. Чунки Ислом мабда бўлиб, мусулмонларнинг барча тарихий

Ақида ҳукмронлиги ҳамда куч-қудратнинг синиши: қачонки мафкура қуролдан устун турганда жангу-жадалларида уларнинг куч-қудратини шакллантирди ва моддий куч-қудрат мувозанати душман томонига оғир босган бир пайтда, Ислом ақидаси ўзининг ғалабадаги ҳал қилувчи омиллигини йўқотмади.

Бугун Ислом Уммати куфр кучларига қарши курашида ўз ҳоқимиятига ва Пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифаликни тиклашга муҳтож. Халифалик барпо этилиб, Ислом қайта воқеликда татбиқ қилинадиган тирик тузумга айланиши керак. Ана шунда Уммат энергиялари битта байроқ остига бирлашади ва душманга қарши курашиш ва Аллоҳ Таолонинг:

﴿وَأَعِذُوا لَهُمْ مَا اسْتَطَعْتُمْ مِنْ قُوَّةٍ﴾

«(Эй мўминлар), улар учун имконингиз борича куч тайёрлаб қўйинг» [Анфол 60]

деган каломига итоат қилган ҳолда душманга таҳдид туғдириш учун тўлиқ тайёргарлик рўёбга чиқади. Энди, ушбу тайёргарликнинг бирор жиҳатида заифлик мавжуд бўлса, бу тўсиқ бўлмаслиги керак. Чунки ҳарбий технология бирор кишининг монополияси эмас, балки уни кўчириш ва ривожлантириш мумкин. Шунингдек, Ислом давлати ғарбда ишлаётган ақллар ва қобилиятларни жалб қилиши мумкин. Масалан, Америка Германиядан Эйнштейнни чақириб, унга атом бомбаси яساتгани, шунингдек, Султон Муҳаммад Фотиҳ Истанбулдан муҳандис Урбанни чақириб олиб, унга йирик замбарак яساتгани ва унинг ёрдамида Истанбул қалъаларига зарбалар йўллагани каби.

Шундай қилиб, Халифалик давлати барпо бўлиши – Аллоҳнинг изни ила – кучлар мувозанатида туб ўзгариш пайдо қилади ва ушбу давлатимиз ривожии тез суръатда бўлиб, илҳомбахш сиёсий етакчиликка таяниб, ҳам доноликка, ҳам ижтиҳодга бой бўлади ва тарихда энг кучли етакчиликка айланади, инша Аллоҳ.

﴿وَمَا ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ بِعَزِيزٍ﴾

«Бу (иш) Аллоҳ учун қийин эмас»

[Иброҳим 20] □

ҒАЗО ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ... ВА РЕЖИМЛАР ХИЁНАТ ҚИЛДИ

А. Абдул Маҳмуд Омирий – Яман

Бизга ғалабани, яъни Ақсо тўфони ғалабасини ва Шом золимининг қулашидек ғалабани ато этган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Бу икки ғалаба мусулмонуну ғайримусулмонлардан иборат кўпчилик одамларнинг тушунчаларини ўзгартирди. Чунки бутун олам, кичик бир ҳудудда қамал қилинган, бир томондан яҳудий вужуди, бошқа томондан эса яқиндаги араб ва араб бўлмаган вужудлар томонидан ўраб олинган бир гуруҳ мусулмонлар томонидан қандай қилиб шундай жанг амалга оширилганини ва натижада «енгилмас қўшин» деган даъвонинг ёлғонлиги фош бўлганини гувоҳи бўлди. Бу жанг мусулмонларнинг ўзларига бўлган ишончларини қайтарди. Унинг ортидан Сурия инқилоби содир бўлиб, бу ҳеч ким кутмаган тарзда жиноятчи режимни ағдарди.

Бу ғалабалар Аллоҳнинг шариатини қайта ҳакам қилиш ва юртларни мустамлакачиликдан озод қилиш орқали эришилган ғалабаларни яқунлаш учун енг шимариш ва бел боғлашимизга қаратилган рисолатдир.

Аллоҳ учун, тарих ва хотира учун биз бир ҳақиқатни тан олишимиз керакки, унинг ёрқинлигини ҳеч бир қайсар ёки ёмон ниятли одам яшира олмайди: Аввало Ғазода эришилган нарса Аллоҳнинг фазли билан, қолаверса, муборак замин ва унинг собитқадам аҳлининг иродаси туфайли бўлди. Бу ишлар бугун сукут сақлаётган ёки босқинчи билан тил бириктирган бирор ҳукмдор ёки режим туфайли бўлмади.

Ғазо: Фаластин гавҳари ва ғалаба рамзи

Ғазо, у шаҳидлар қони билан суғорилган, у ердан қаҳрамонлик акс-садолари таралган жой бўлиб, у ҳамisha адолатсизликни рад этиб, хиёнатни қоралаб келган. У ҳозир ҳам шундай давом этмоқда. Бугун у бизга ҳар томондан қамал қилинган бу халқ енгил қуроллари ва иродаси билан қандай қилиб яҳудий-америкалик уруш машинасига қарши тура олишини кўрсатмоқда. Ғазо ҳамма нарсага қарамай – қамалга қарамай, араб ва мусулмонларнинг ҳаракатсизлигига қарамай, Уммат ярасининг энг чуқур нуқтасига етиб борган сиёсий хиёнатга қарамай ғалаба қозонди.

Ҳар доим ҳарбий устунликни даъво қилиб келган босқинчи энди ҳавас қилиб бўлмайдиган ҳолатда. Босқин ва зулм

даврида катта сабр тоқат ва мағлубиятни билмайдиган қатъият билан турган халқнинг қаршилиқ иродаси олдида босқинчи барбод бўлди. Ғазо ғалаба қозонди, яҳудий вужуди мағлубиятга учраб, енгилмас қўшин деган сохта даъво қулади.

Ғазонинг ғалабаси Уммат учун бир хабардир

Ғазо бугун собитқадамлик, нусрат ва ҳурмат рамзидир. У ирода ва жасорат чегара билмаслигини, босқин қанча давом этмасин, муқаддас заминда қолмаслигини исботламоқда. Келажак авлодлар ушбу замин умид маскани бўлганини ва шундай бўлиб қолишини, унинг ғалабаси муқаррар эканини яқинда билиб олади.

Ғазо ўзининг сўнгги жангида эришган нарса фақат бутун Уммат учун бир хабар сифатида талқин қилиниши мумкин. Бу қаршилиқ ва ирода хабаридир, бу ғалаба шунчаки шиорлар ёки қуруқ ваъдалар эмас, балки сабр ва фидоийлик меваси эканини билишлари учун ҳамма ердаги мусулмонларга даъватдир. Бу яна ўзгартириш учун ҳаракат давом этиши зарурлигини ҳамда босқинчилик Фаластинда қанча вақт қолмасин йўқ бўлиб кетишга маҳкумлигини таъкидлайдиган хабардир.

Ғазо босқинчига қарши курашда бажарган ролини тўкилган ҳар бир қон томчиси, Аллоҳ йўлида қурбон қилинган ҳар бир жон ва барча қийинчиликларга қарамай давом этган ҳар бир азму-қарор орқали амалга оширди. Қамал қилинаётган ва фарзандлари ўлдирилаётган Ғазо бугун ғалаба рамзи бўлиб, ўнлаб йиллар давомида Уммат муаммоларини четга сурган режимлар соясида йўқолган умиднинг бир қисмини исломий Умматга қайтармоқда.

Ғазо ва бузуқ режимлар ўртасида

Лекин бунча ғалабага қарамай биз ўз халқининг Ғазодаги биродарларини қўллаб-қувватлаш ва Аллоҳ Таолонинг:

﴿وَإِنِ اسْتَنْصَرُوكُمْ فِي الدِّينِ فَعَلَيْكُمْ النَّصْرُ﴾

«Агар улар дин йўлида сизлардан ёрдам сўрасалар, ёрдам бериш зиммангиздадир» [Анфол 72]

деган сўзларига жавобан уларга ёрдам беришларига тўсқинлик қилган ҳукмрон режимларнинг ролини эътиборсиз қолдира олмаймиз. Булар Умматни ўз масалалари билан шуғулланишига тўсиқ яратган, халқни секуляр режимларга

кишанлаб қўйган ва уларни асли бўлмиш Исломидан узоқлаштирган режимлардир. Умнат бойликларини талон-торож қилган, уларни Аллоҳ йўлидаги жиҳоддан ҳамда ўзлари у учун яратилган мақсаддан узоқлаштирган, Умнатни хор қилиб, кундалик ризқини четдан сўрайдиган қилиб қўйган ва бойликларини душманларига берган бу ҳукмдорлар бугун Ғазони қўллаб-қувватлаш ва Ислом давлатини тиклашга жиддий қайтиш йўлига тўсиқ бўлмоқдалар.

Бу ҳукмдорлар туфайли Умнат тафаккурига чалкашлик кирди, Ғарбга тобе бўлишга интилиш пайдо бўлди. Улар туфайли Фаластиндан чекиниш ва яҳудийлар босқинига яширин таслим бўлиш пайдо бўлди. Бу ҳукмдорлар Умнатнинг орзу умидлари йўлида тўсиқ бўлиб, улар Умнатни тўғри йўлга қайтишига Росулulloҳ ﷺ хушxabар берган Халифалик давлатини тиклаш йўлида астойдил ҳаракат қилишларига тўсқинлик қилувчи кимсалардир.

Ислом қутқарувчидир

Секуляр режимлар ҳамиша бизнинг юртларимизни бошқариб, бизга Ислом ақидасига зид қонунларни мажбуран татбиқ этиб келган. Устимиздан ҳукм юритилаётган конституция исломий эмас, аксинча, у ҳеч қачон исломий қийматларни мустаҳкамлашни мақсад қилмаган секуляр тузумлардан олинган. Биз «Ислом давлат ишларини бошқаришда муваффақиятсизликка учраган» деган фикрни илгари сураётганларга, улар секуляр бўладими ёки йўқми бундан қатъий назар, айтамыз: Йўқ, жаноблар, Ислом эмас, секуляризм муваффақиятсизликка учради. Секуляризм Умнатни иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муаммоларга дучор қилган ва бизни доимий қашшоқлик ва адолатсизликка олиб борган нарсадир. Ҳатто секуляр ҳукмдорларнинг орасидан яқинда Ғазодаги вазиятни кузатаётганини очиқ айтганлари ҳам чиқди.

Фаластин сўйилаётганда бу ҳукмдорлар қаерда эди? Ғазо қатли омга юз тутгандачи? Ўзларини босқинчига қарши уришаётган қилиб кўрсатаётган бир пайда яҳудийлар билан яширин ва ошкора алоқалар қилаётган бу ҳукмдорлар қаерда эди? Улар одамларни ўлдиришда шерик бўлишди, Исломнинг қайтишига тўсиқ бўлиб келишди ва ҳозир ҳам шундай.

Ҳамма билсинки, барча нарсаларга ва барча шароитларга қарамай, Аллоҳнинг изни ила Исломнинг қайта тикланиши яқиндир. Албатта, Аллоҳнинг изни билан нусрат ҳам яқин. Росулulloҳ ﷺ

«عَفْوُ دَارِ الْمُؤْمِنِينَ الشَّامِ»

«Мўминлар диёрининг маркази Шомдир», дея таъкидлаганларидек, Ислом давлати яқинлашмоқда. Росулulloҳ ﷺ башорат қилган Халифалик давлати яқинда қайтади. Бу давлат исломий шариатни Пайғамбаримизнинг минҳожии асосида татбиқ этади, Фаластинни озод қилади. Яқинда Қуддус Аллоҳнинг изни билан келаётган исломий давлатнинг пойтахти бўлади. Кунлар кутилмаган ҳодисаларга бой. Бола туғилишдан олдин у тўлғоқдан ўтиши керак. Аллоҳ Таоло Ўзининг Китобида айтади:

﴿إِنَّ مَعَ الْعُسْرِ يُسْرًا﴾

«Албатта ҳар бир оғирлик-машаққат билан бирга бир энгиллик ҳам бордир» [Шарҳ 6]

Туғилажак гўдак Аллоҳнинг изни билан келмоқда, Халифаликнинг қайтиши яқиндир. Бу Уммат золим режимларга бўйин эгиб қолиб кетиш учун яратилмаган. Балки у ҳақ ва адолат Уммати бўлиб, Аллоҳ Таолонинг Китоби ва Росулulloҳ ﷺнинг Суннати билан ҳукм қилиш вазифаси юкланган Умматдир.

Келинг ўша кунга тайёрланайлик

Биз энг шимариб, кадр-қимматимизни тиклашимиз ҳамда сиёсий, иқтисодий, сақофий ва ижтимоий ҳаётимизда Аллоҳнинг шариатини қўллашга қайтишимиз керак. Шунингдек, барчамиз юртларимизни мустамлакачилик ва хиёнат чангалидан озод қилиш учун ҳаракат қилишимиз ҳамда Исломни ичкарида татбиқ этиш учун давлатимизни тиклашимиз ва Исломни даъват ва жиҳод орқали дунёга ёйишга ҳаракат қилишимиз керак. Зеро Пайғамбаримиз ﷺ айтганлар:

﴿مَنْ تَكُونُ خَلَافَةً عَلَيَّ مِنْهَاجِ النَّبَوَةِ﴾

«Сўнг Пайғамбарлик минҳожии асосида Халифалик бўлади». Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا مِنكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ كَمَا اسْتَخْلَفَ
الَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ وَلَيُمَكِّنَنَّ لَهُمْ دِينَهُمُ الَّذِي ارْتَضَىٰ لَهُمْ وَلَيُبَدِّلَنَّهُم مِّن بَعْدِ خَوْفِهِمْ أَمْنًا
يَعْبُدُونَنِي لَا يُشْرِكُونَ بِي شَيْئًا وَمَن كَفَرَ بَعْدَ ذَلِكَ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ﴾

«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган (иймон эътиқодли) зотларни халифа қилганидек уларни ҳам ер юзида халифа қилишни ва улар учун Ўзи рози бўлган (Ислому) динини ғолиб-мустаҳкам қилишни ҳамда уларнинг (аҳволини) хавфу-хатарларидан сўнг тинчлик-хотиржамликка айлантириб қўйишни ваъда қилди. Улар Менга ибодат қилурлар ва Менга бирор нарсани шерик қилмаслар. Ким мана шу (ваъда)дан кейин куфрони неъмат қилса, бас улар итоатсиз кимсалардир» [Нур 55]

Аллоҳим, шодликни тезлатгин ва бизни ер юзида ғолиб бўлишга лойиқ зотлардан қилгин! □

**УММАТ ТАРИХИДАГИ ШАРАФЛИ ПОЗИЦИЯЛАР
 УЛУҒ САҲОБА САИД ИБН ЗАЙД ﷺ**

М. Абдулазиз Алмос – Яман

Жанг майдонларида ўзининг муносиб изини қолдирган саҳобалар орасида Саид ибн Зайд ﷺ ўта оғир дамларда Исломи динига хизмат қилган, ҳақни қўллаб-қувватлашда катта фидоийлик кўрсатган қаҳрамонлардан бири сифатида алоҳида ажралиб туради. У исломий урушларда катта рол ўйнаган, эшлашга ва ундан ўрганишга лойиқ кўплаб шарафли позицияларга эга бўлган.

Кўпчилик мусулмонлар улуғ саҳоба Саид ибн Зайднинг сийратини билмайди, у жаннат хушxabари берилган ўн кишининг бири ва Пайғамбар ﷺнинг башоратлари билан жаннатдан жойини эрта каfoлатлаб олган эди. Нега шундай бўлмасин, ахир у Исломига биринчилардан бўлиб кирган ва унинг энг ашаддий ҳимоячиларидан бўлган. У Умар ибн Хаттобнинг Исломига киришига сабабчи бўлган.

Саид ибн Зайд биринчилардан бўлиб Исломига кирган, у Пайғамбаримиз Арқам ибн Арқамнинг уйига кирмасидан олдин динни қабул қилди. Бадрдан кейин Росулуллоҳ ﷺ билан бирга барча жангларда қатнашди. Ярмак жанги, Дамашқ қамали ва унинг фатҳида қатнашди. Абу Убайда ибн Жарроҳ уни Дамашққа волий этиб тайинлади. Саид отлиқлар қўмондони эди. У Холид ибн Валидга Ажнодайн жангида жанг бошлашни маслаҳат берган эди. Саид Ҳабашистонга ҳижрат қилмади, чунки у Қурайшнинг шарафли кишиларидан бўлган, шунинг учун бошқа заифҳол мусулмонлар каби азобга дучор бўлмади. Лекин у ва аёли Фотима Мадинаи Мунавварага биринчилардан бўлиб ҳижрат қилди.

• Саид ибн Зайд ўзи ким?

У Абул Аъвар Саид ибн Зайд ибн Амр ибн Нуфайл ибн Абдул Уззо ибн Рибоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Қурт ибн Разоҳ ибн Адий ибн Каъб ибн Луай ал-Қураший ал-Адавийдир. Унинг отаси Зайд ибн Амр ибн Нуфайл Росулulloҳ ﷺ пайғамбар қилиб юборилгунига қадар Иброҳим عليه السلام нинг дини бўлмиш ҳанафийлик динини излаган ҳанафийлардан эди. У бутларга атаб жонлиқ сўймас ҳамда ўлимтик ва қонни емас эди. У ўз қавмига айтарди: Эй Қурайш жамоаси Аллоҳга қасамки, мен Аллоҳдан бошқасига атаб сўйилган нарсани емайман, Аллоҳга қасамки, Иброҳим динида мendan бошқа бирор киши йўқ. Саид ибн Зайд пайғамбарликдан ўн неча йил олдин туғилган. Чунки у хижратнинг 51 йили, 70 ёшдан ошганда вафот этди. Уни 73 ёшда вафот этган деган маълумотлар ҳам бор. Агар шундай бўлса, у пайғамбарликдан 13 йил олдин туғилган бўлади. Саиднинг кунyasi Абу Аъвар бўлган, Абу Сур деганлар ҳам бор. Лекин биринчиси машҳурроқ. Тарихчиларнинг айтишича, Саид ибн Зайд баланд бўйли, қора танли, тукли одам эди.

Улуғ саҳоба Саид ибн Зайд Умар ибн Хаттобнинг сингласи Фотима бинт Хаттоб رضي الله عنها га уйланган. Умар эса Саиднинг сингласи Отикага уйланган. Унинг отаси Зайд ибн Амр жоҳилият даврида ҳанафийлардан бўлган ва жоҳилият даврида Аллоҳдан бошқасига сажда қилмаган. Саид ибн Зайднинг онаси Фотима бинт Баъжа ибн Малиҳ Хузоия бўлиб, Исломга биринчилардан бўлиб кирган. Саид Умар ибн Хаттобнинг амакиваччаси ва юқорида айтиб ўтилганидек куевидир.

• Иброҳим динида

Отаси ҳақида айтадиган бўлсак, Бухорий Абдуллоҳ ибн Умардан шундай ривоят қилади: «Зайд Шомга дин излаб ва ўша динга эргашиш учун борди. У ерда бир яҳудий олимига йўлиқиб, уларнинг дини ҳақида сўраб, шундай деди: Динингиз ҳақида айтиб бер, эҳтимол уни қабул қиларман. Яҳудий деди: Динимизга кирсанг, Аллоҳнинг ғазабига дучор бўласан. Зайд деди: Мен Аллоҳнинг



Ҷазабидан қочиб шу ерга келдим, мен Аллоҳнинг Ҷазабини ҳеч қачон кўтара олмайман, қандай қилиб ҳам кўтарай? Бошқасини тавсия қила оласанми? Яҳудий деди: Бундай дин фақат ҳаниф дини бўлиши мумкин, бошқасини билмайман. Зайд: Ҳаниф дини қандай дин? – деб сўради. Яҳудий деди: У Иброҳимнинг дини, у на яҳудий ва на насроний бўлган ва Аллоҳдан бошқасига ибодат қилмаган. Зайд у ердан чиқиб насроний олимга йўлиқди ва унга ҳам яҳудийга айтган гапини айтди. У: Бизнинг динимизга кирсанг, Аллоҳнинг лаънатига дучор бўласан, деди. Зайд деди: Мен Аллоҳнинг лаънатидан қочиб шу ерга келдим, Аллоҳнинг лаънатини ҳам, Ҷазабини ҳам кўтара олмайман, қандай қилиб ҳам кўтарай? Бошқасини тавсия қила оласанми? Насроний деди: Бундай дин фақат ҳаниф дини бўлиши мумкин, бошқасини билмайман. Зайд: Ҳаниф дини қандай дин? – деб сўраган эди, насроний: Иброҳимнинг дини, у на яҳудий ва на насроний бўлган ва Аллоҳдан бошқасига ибодат қилмаган, деди. Зайд уларнинг Иброҳим عليه السلام ҳақидаги сўзларини эшитгач, у ердан чиқиб кетди. Ташқарига чиққач, қўлларини кўтариб «Аллоҳим, мен Иброҳимнинг динига эргашганимга гувоҳлик бераман», деди.

Саиддан Аллоҳ рози бўлсин, унинг отаси Зайд ибн Амр Исломдан олдин ҳақни излади. Шунга қарамай Зайд Исломгача яшамади ва пайғамбарликдан олдин вафот этди. Лекин Аллоҳ Таоло унинг исмини абадийлаштирган кишини қолдирди, у ҳам бўлса унинг ўғли Саид عليه السلام дир. У биринчилардан бўлиб Исломга кирди. У улўф саҳоба Абу Бакр Сиддиқ عليه السلامнинг қўлида Исломни қабул қилган биринчи мусулмонлардан бўлди. У Исломнинг дастлабки даврида юксак мавқега эга бўлди.

• **Саид ибн Зайднинг ахлоқи ва сифатлари**

Саид ибн Зайд дуоси ижобат кишилардан эди. Арва бинти Увайс унинг устидан Марвон ибн Ҳакамга шикоят қилди. Уни Муовия Мадинага амир қилиб тайинлаган эди. Арва унга: Саид менга ерим борасида зулм қилди, деди.



Марвон Саидга элчи юборган эди, Саид: Мен Росулulloҳнинг:

«مَنْ ظَلَمَ شَبْرًا مِنْ أَرْضٍ طَوَّقَهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مِنْ سَبْعِ أَرْضِينَ»

«Ким бир қарич ерни (бўлса ҳам) зулм билан ўзлаштириб олса, қиёмат куни унинг бўйнига етти қават ердан иборат тавқи (лаънат) илинади», деганларини эшитганман, шуни била туриб наҳот унга зулм қилсам? Аллоҳим, агар у ёлғончи бўлса, унинг кўзини кўр қилмагунингча ва қудуғини ўзига қабр қилмагунингча ўлмасин», деди. Шундай қилиб, у аёл кўзи кўр бўлиб қолди ва ҳовлисида юриб кетаётиб қудуғига тушиб кетди ва қудуғи унга қабр бўлди.

Саид жангларда яхши синалди, у доимо Росулulloҳнинг ҳамроҳи эди. Саид ибн Жубайрдан шундай ривоят қилинади: «Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Талҳа, Зубайр, Саъд, Абдурраҳмон ибн Авф ва Саид ибн Зайдларнинг Росулulloҳ ҳузурда ўз мавқелари бор эди. Улар жангда Росулulloҳ олдида, намозда у кишининг ортида туришарди». Саид Ҳабашистонга ҳижрат қилмади, чунки у Қурайшнинг зодагонларидан ва шарафлиларидан бўлгани учун бошқа заифҳол муслмонлар чеккан азобни чекмади. Унинг аёли Фотима Мадинаи Мунавварага биринчилардан бўлиб ҳижрат қилди. Саид отлиқ аскарларнинг қўмондони эди. У Ажнодайн жангида Холид ибн Валидга жанг бошлаш ҳақида маслаҳат берди. Саид Ақиқда 51 ҳижрий санада, 70 ёшдан ошганда вафот этди. Уни Мадинага олиб келинди ва Саъд ибн Абу Ваққос уни ювиб, кафанлади.

• Саид ибн Зайднинг мақоми ва фазилатлари

Саид ибн Зайд Исломдаги ҳурматли сиймолардан бири, биринчилардан бўлиб Исломни қабул қилган, жаннат хушхабари берилган ўн кишининг бири ва биринчи муҳожирлардандир. У ўз улуши ва ажри билан Бадрга гувоҳ бўлди ва кейинги жангларда ҳам иштирок этди. У дуоси ижобат бўладиган киши бўлиб, отаси Зайд ибн Амр

ибн Нуфайл Иброҳим динидаги ҳаниф кишилардан бўлган. Саиднинг мақоми ва фазилатини баён қилган бир қанча ҳадис ва асарлар бор. Қуйида улардан айримларини келтирамиз:

Бухорий Қайс ибн Абу Ҳозимдан ривоят қилади: Мен Саид ибн Зайднинг Куфа масжиди қавмига шундай деганини эшитганман: «Аллоҳга қасамки, албатта Умар менинг у Исломга киришидан олдин Исломга киришимга гувоҳ бўлган. Агар Уҳуд Усмонга қилган ишингиз сабабли парчаланса, у парчаланишга ҳақлидир». Бу Саид ибн Зайднинг очиқ фазилатини баён қилмоқда. Бу фазилат – у Исломга аввалгилардан бўлиб кириш шарафига эга бўлгани ва Форук رضي الله عنهдан олдин Исломга кирганидир.

Унинг улуғ фазилатлари қаторида Пайғамбар صلى الله عليه وسلمнинг бир гуруҳ саҳобалари билан бирга жаннатда бўлишларига гувоҳлик беришидир.

Унинг улуғ фазилатлари қаторида яна Росулulloҳ صلى الله عليه وسلمнинг уни шаҳидлардан эканлигини айтганларидир. Бу Саид ибн Зайд учун улуғ фазилатдир. Чунки Росулulloҳ صلى الله عليه وسلمнинг шаҳид бўлганига гувоҳлик берганлар, гарчи у тўшагида вафот этган бўлса ҳам. Саид Росулulloҳ صلى الله عليه وسلمнинг бу борадаги ҳаққоний ва ишончли хабарларига биноан шаҳиддир.

Шавконий роҳимаҳуллоҳ Саид ибн Зайднинг фазилатини тушунтириб «Саид ибн Зайд жаннат хушxabари берилган ўн кишидан бири бўлиши, Уҳуд ва ундан кейинги жанглarda қатнашгани ва Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم берган улуш ва ажр туфайли Бадр аҳлидан бўлгани кифоя қилади».

• Ҳадис ривоят қилиши

Саид Пайғамбаримиз ҳадисларидан кам ривоят қилган бўлиб, уларнинг сони 48 тадир. Уларни Бақиъ ибн Махлад ўз муснадида жамлаган. Бухорий ва Муслимда унинг иккита муттафақун алайҳ ҳадиси келтирилган. Бухорий унинг яна бир ҳадисини ривоят қилган. Аҳмад ибн Ҳанбалнинг муснадида унинг 28 та ҳадиси келтирилган. У

кишидан ривоят қилган саҳобалар орасида: Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттоб, Амр ибн Ҳарис, Абу Туфайл Амир ибн Восила Киноний ва кибор тобеинлар орасида Абу Усмон Абдурраҳмон ибн Мил Наҳдий Басрий, Саид ибн Мусайяб, Қайс ибн Абу Ҳозим, Абдуллоҳ ибн Золим Мозиний, Зирр ибн Хубайш, Урва ибн Зубайр, Абу Салама ибн Абдурраҳмон ибн Авф ва бошқалар бўлган. Саид Росулulloҳ ﷺ дан ривоят қилган ҳадислар орасида куйидаги ҳадислар бор: Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«مَنْ قَاتَلَ دُونَ مَالِهِ فَهُوَ شَهِيدٌ، وَمَنْ ظَلَمَ مِنَ الْأَرْضِ شِبْرًا طُوفَهُ مِنْ سَبْعِ أَرْضِينَ»

«Ким молини ҳимоя қилиб ўлдирилса, у шаҳиддир, ким бир қарич ерни зулм қилиб олса, (қиёматда) унинг бўйнига етти қават ер осиб қўйилади». У жаннат хушxabари берилган ўн киши ҳақида ривоят қилиб айтган: Мен Росулulloҳ ﷺ ни шундай деб айтаётганини эшитганман: **«Аллоҳнинг Росули жаннатда, Абу Бакр жаннатда, Умар жаннатда, Али жаннатда, Усмон жаннатда, Абдурраҳмон жаннатда, Талҳа жаннатда, Зубайр жаннатда, Саъд жаннатда. Кейин: хоҳласангиз ўнинчисини ҳам айтаман деди ва ўзининг исмини айтди».**

• Саид ибн Зайднинг Форуқ билан ҳикояси

Саид ва унинг аёли Фотима Умар ибн Хаттобнинг Исломга киришига сабабчи бўлганлар. Бунинг тафсилоти куйидагича: Умар ишнинг бошида Исломга қаттиқ душман бўлган ва Пайғамбаримиз ﷺ ни ўлдиришни хоҳлаган. Умар Исломга киришидан олдин Пайғамбар ﷺ ни ўлдириш ниятида чиққан эди, йўлда унга Қурайш кофирларидан бир нечтаси йўлиқди. Улар Умарга синглиси ва унинг эри Муҳаммад ﷺ нинг динига киргани ҳақида айтишди. Шунда Умарнинг юзи ўзгариб, иккисининг олдига келди. У ерга келганда Хаббоб ибн Аратни уларга Тоҳа сурасидан ўқиб бераётган ҳолатда кўрди. Умар уларнинг Исломга киргани ҳақида сўраган эди, Саид ибн Зайд رضي الله عنه Ислом олиб келган ҳақнинг ҳимоясига чиқди. Шунда Умар уни қаттиқ урди,

Фотима эса эрини ҳимоя қила бошлади. Умар унинг юзига урган эди юзидан қон оқди. Шунда Фотима ғазабланиб, унинг қаршисида Ислomini ошкор қилди ва шаҳодат калимасини айтди. Умар улардан ноумид бўлгач, оятлар ёзилган саҳифани кўрди ва уни беришини талаб қилди. Фотима эса уни ушлашдан олдин покланиш лозимлигини айтган эди, Умар шундай қилди. Умар уни

﴿فَقَامُوا بِاللَّهِ وِرْسُولِهِ﴾

«Аллоҳга ва Росулига иймон келтиринг» деган жойигача ўқиди.

Сўнгра Аллоҳ Таоло унинг қалбини Ислomга очди ва у иймон келтирди. Шунда Саид ва Фотима хурсанд бўлиб, бу Росулulloҳ ﷺнинг дуоси эканини айтдилар. Чунки Росулulloҳ ﷺ: **«Аллоҳим, динингни икки кишидан Ўзингга энг суюклиси билан кучли қил: Ё Абу Жаҳл ибн Ҳишом ёки Умар ибн Хаттоб»** деб дуо қилган эдилар. Сўнгра Умар Пайғамбаримизнинг қаерда эканини сўраган эди, улар у кишининг қаерда эканини айтдилар. Умар Пайғамбар ﷺнинг олдига кетди ва унинг Ислomга кирганини ҳеч ким билмаган эди. У Пайғамбар ﷺнинг олдига Ислomга кирганини эълон қилди. Шундай қилиб, Саид ибн Зайд ва унинг аёли Фотима Умар ибн Хаттобнинг Ислomга киришига сабабчи бўлдилар. Аллоҳ уларнинг барчасидан рози бўлсин. Саййидимиз Саид ибн Зайд Ислomни қабул қилгани, собитқадамлиги ва Ислomга биринчилардан бўлиб киргани ҳақида шундай деган эди: **«Аллоҳга қасамки, албатта Умар менинг ва синглисининг у Ислomга киришидан олдин Ислomга киришимизга гувоҳ бўлган».**

• **У Бадр қатнашчилари орасида, лекин унда иштирок этмади**

Саид ибн Зайд Бадрдан бошқа барча жанг ва ғазотларда Росулulloҳ ﷺ билан бирга бўлди. У Уҳуд, Хандақ, Байъатур ризвон ва бошқа жангларда қатнашди ҳамда ушбу жангларда яхши синовдан ўтди. У Ислomга

кирганидан бошлаб Росулulloҳ ﷺ ни тарк этмади ҳамда ғазот ва бошқа кунларда у киши билан бирга бўлди. Лекин у Бадр ғазотида қатнашмади. Чунки Росулulloҳ ﷺ уни душманлар томонга разведкага жўнатган эдилар. Саид у ердан уруш тугаганидан кейин қайтди ва бу урушда Росулulloҳ ﷺ билан бирга бўлмаганига хафа бўлди. Лекин Росулulloҳ ﷺ уни тинчлантириб, худди жангда қатнашган кишилардек, унга улушини бердилар. Саид Росулulloҳ ﷺ дан: менга ажр ҳам борми? – деб сўраган эди, у киши: «**Ҳа ажринг ҳам бор**» дедилар. Шунинг учун у Бадрда иштирок этмаса-да, унинг иштирокчиларидан деб ҳисобланди. Бошқа жангларда у Росулulloҳ ﷺ билан бирга бўлди. Саид ибн Жубайр шундай ривоят қилади: Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Талҳа, Зубайр, Саъд, Абдурраҳмон ибн Авф, Саид ибн Зайд ўзига яраша мақомга эга бўлиб, улар жангда Росулulloҳ ﷺ нинг олдида, намозда эса у кишининг орқасида турар эдилар.

• Саид ибн Зайд Халифалик замонида

Саид ибн Зайд رضي الله عنه рошид халифалар ҳоқимияти остида бўлиб, уларга қарши бирор фитнада иштирок этмади. Ҳатто Умар, Усмон ва Али رضي الله عنهم лар шаҳид бўлганларида ҳам бирор фитнага қатнашмади. Али رضي الله عنه дан кейин унинг ўғли Ҳасан رضي الله عنه га, сўнг Муовияга байъат берди. Абу Бакр Сиддиқнинг халифалиги даврида жанг қилиш учун Шом юртларига кетган саҳобалар орасида бўлди. Саид бу жангларда амир эмас, аскарлар қаторида бўлди. Лекин Ярмук жангида унинг етакчиларидан бири бўлди. Лашкар қўмондони Абу Убайда رضي الله عنه Холид ибн Валид رضي الله عنه нинг режасига асосланиб, чекинаётганлар уни кўрсалар, ундан уялиб жангга қайтишлари учун қўшин марказидан чиқиб, бутун қўшин ортига ўтди. Шунда Абу Убайда Саид ибн Зайдни ўз ўрнига марказга қўйди.

• Унинг Ярмук жангидаги позицияси

Саид ибн Зайд нинг позициялари мужоҳидлар сафида бўлишни, динга ихлос билан хизмат қилишни, ҳар қандай қийинчиликдан қатъий назар ҳақ йўлда юришни хоҳлайдиган ҳар бир кишига ўрнак бўладиган маёқдир.

15 ҳижрий, 636 милодий санада рўй берган Ярмук жанги Исломиё Уммат тарихидаги энг буюк жанглاردандир. Чунки унда мусулмонлар Ираклий бошчилигидаги Византия империяси армияси билан тўқнашди. Саид ибн Зайд ушбу жангда иштирок этган саркардалардан бири эди. Бу жангда унинг шижоати ва душманга қарши жангдаги ҳарбий маҳорати яққол кўринди.

● Жангдаги етакчилиги

Саид ибн Зайд Византия ҳужумини қайтаришга муваффақ бўлган ва мусулмонларнинг буюк ғалабага эришишига ҳисса қўшган бир гуруҳ мужоҳидларга бошчилик қилди. Саид бу жангда олий жанговар руҳ кўрсатиб, қийинчиликлар қаршисидаги матонат намунаси бўлди.

● Жангдаги фидокорлик

Саид ибн Зайд доим олдинда бўлиб, ўлимдан қўрқмас эди. У кўп жангларда қатнашди ва Аллоҳ йўлида шаҳид бўлишни хоҳлаб, охириги лаҳзаларгача жанг қилди.

● Саҳобаларнинг у ҳақидаги гувоҳлиги

Кўпчилик саҳобалар Саид ибн Зайднинг тўғри сўзлиги, тақвоси ва шижоати ҳақида гувоҳлик берганлар. Умар ибн Хаттоб  у ҳақида шундай деган эди: «Саид ибн Зайд энг тақводор ва тўғри сўз инсон эди». Шунингдек, у Ислом ва рисолат хизматига жонини фидо қилиш билан танилди. У илм ва тавжих (йўл-йўриқ)ни ёйиш учун ҳаракат қилди ҳамда одамларни қўлидан тутиб, ҳақиқатга етаклади.

Улуғ саҳоба Саид ибн Зайд нинг сийрати шижоат, фидокорлик ва динга хизмат қилишдаги ихлос борасида ибрат ва дарсларга тўла. Саид сабр-тоқат ва ҳақда собит бўлишда, Исломни қўллаб-қувватлаш йўлида жиҳод қилишда ибрат бўладиган намуна эди.

• Вафоти

У ҳижратнинг 51 йили Муовиянинг халифалиги даврида вафот этди ва Пайғамбаримиз ﷺнинг саҳобалари билан бирга Мадинаи Мунавварага дафн қилинди. Уни Абдуллоҳ ибн Умар ювиб, дафн қилди ва Саъд ибн Абу Ваққос رضي الله عنه билан бирга қабрга қўйди. Унинг ўлимига Мадина аҳли жуда қаттиқ қайғурди, чунки у жаннат башорати берилган ўн саҳобанинг бири эди. ◻

ҚУРЪОНИ КАРИМ СУҲБАТИДА

«أَمْرُ اللَّهِ تَعَالَى نَافِذٌ»

«АЛЛОҲ ТАОЛОНИНГ АМРИ АМАЛГА ОШГУВЧИДИР»

Халифа Муҳаммад – Иордания

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَأَوْحَيْنَا إِلَىٰ أُمِّ مُوسَىٰ أَنْ أَرْضِعِيهِ فَإِذَا خِفَتْ عَلَيْهِ فَالْقَيْهِ فِي الصَّيِّمِ وَلَا تَخَافِي وَلَا تَحْزَنِي ۗ﴾

﴿إِنَّا رَأَدُّوهُ إِلَىٰكَ وَجَاعِلُوهُ مِنَ الْمُرْسَلِينَ﴾

«Биз Мусонинг онасига (Мусони туғиб, уни ҳам Фиръавн одамлари келиб ўлдиришларидан қўрқиб турган пайтида) ваҳий қилдикки: «Уни эмизавергин. Бас қачон (Фиръавн одамлари ўғил кўрганнингни билишиб қолиб, уни ўлдириб кетишларидан) қўрқсанг уни дарёга ташлагин ва қўрқмагин ҳам, қайғурмагин ҳам. Зеро Биз уни сенга (тирик ҳолида) қайтаргувчидирмиз ва уни пайғамбарлардан қилгувчидирмиз» [Қасос 7]

Бу оятларда Қуръони Каримдаги Мусо عليه السلام қиссасининг бир лавҳаси бор. Бу ҳақда Шайх Шаъровий роҳимаҳуллоҳ шундай дейди: «Қуръони Каримдаги энг катта қисса Мусо عليه السلام қиссасидир. Қуръони Карим доим уни бизга эслатиб туради, чунки унинг воқеалари тарихдаги энг ёмон одамлар ҳикояси билан боғлиқ. Аллоҳ Таоло ҳар сафар бизга бу одамларнинг ҳаётларидан бир лавҳасини эслатиб туради». Бу лавҳаларда Фиръавн ва унинг ер юзидаги бузғунчилиги, Бану Исроил ва уларнинг пайғамбарларни ўлдиришлари, бузоққа ибодат қилишлари ва пайғамбарларни ожиз қолдиришга уринишлари каби нарсалар ҳикоя қилинади.

Аллоҳ Таолонинг Мусо عليه السلامнинг онасига нозил қилган ваҳийси ё илҳом ваҳийсидир, Табарий Қатода عليه السلامдан ривоят қилганидек, у бу оятнинг маъноси ҳақида: «биз унинг қалбига солдик» деди. Ёки Қуртубий Муқотилдан ривоят қилиб: «Унга буни Жаброил алайҳиссалом келтирди», деганларидек, бу билдириш ваҳийси бўлган. Лекин муфассирлар Мусонинг онаси пайғамбар эмаслиги, яъни бу ваҳий рисолат ваҳийси эмаслиги

ҳақида ижмо қилганлар. Аллоҳ Таолонинг Мусонинг онасига ваҳий қилишига сабаб Табарий Суддидан ривоят қилганидек бўлган эди. У айтади: Фиръавн Бану Исроилда туғилган болаларни бир йил сўйиб, бир йил сўймасликка буюрди. Мусонинг онаси болалар сўйиладиган йилда ҳомиладор бўлди. Туғишга яқин боласининг иши борасида қайғурди. Шунда Аллоҳ Таоло:

﴿أَنْ أَرْضِعِيَهُ فَإِذَا خَفْتِ عَلَيْهِ فَأَلْقِيهِ فِي الْيَمِّ﴾

«Уни эмизавергин. Бас қачон (Фиръавн одамлари ўғил кўрганнингни билишиб қолиб, уни ўлдириб кетишларидан) қўрқсанг уни дарёга ташлагин» [Қасос 7]

деб ваҳий қилди.

Оятни карима иккита хабарни ўз ичига олган:

Биринчиси: Мусонинг онасига ваҳий қилдик.

Иккинчиси: Агар қўрқсанг... Чунки хабар Мусонинг онаси яқин келажакда ўз боласи борасида қўрқишини билдирыпти.

Оят яна икки буйруқни ўз ичига олган:

Биринчиси: Уни эмизавер.

Иккинчиси: Уни дарёга ташла.

Шунингдек, оят икки қайтарувни ўз ичига олган:

Биринчиси: Қўрқмагин.

Иккинчиси: Қайғурмагин.

Оят икки башоратни ҳам ўз ичига олган:

Биринчиси: Биз уни сенга қайтаргувчидирмиз.

Иккинчиси: Уни Пайғамбарлардан қилгувчидирмиз.

Шунинг учун кўпчилик муфассирлар бу оятни балоғат ва мухтасарлик жиҳатидан Қуръоннинг мўъжизавий табиатига мисол деб билганлар.

Аллоҳ Таолонинг буюклиги, ажойиб тадбири, ҳикматининг буюклиги мана шу маъноларда намоён бўлади. Одатда одамлар нимадан қўрқаётган бўлса, ўша нарсага жуда эҳтиёт бўлишади. Ҳурматли ўқувчи, агар у ўғли учун қўрқса, кимдир унга: «Уни денгизга ташла» деб айтишини тасаввур қилиб кўрсин! Лекин бу ерда айтувчи оламларнинг Парвардигори, осмонлару ер ва улардаги барча нарсаларнинг яратувчиси, сабабларнинг яратувчиси, Ўзи ирода қилган нарсани охирига етказишга қодир Зотдир. Ўша Зот Мусонинг онасига боласини

эмизишини буюрди. Бу ерда етук ҳикмат бўлиб, унинг натижаси ўша суранинг:

﴿وَحَرَّمْنَا عَلَيْهِ الْمَرَاضِعَ مِنْ قَبْلُ﴾

«Биз аввал (Мусога барча) эмизгувчи аёлларни ҳаром қилдик» [Қасос 12]

деган қавлидан аниқ бўлади. Чунки Мусо фақат онасининг сүтини қабул қилади, бу эса опасининг аралашувига сабаб бўлади ва уларга чақалоққа кафил бўладиган оилани кўрсатишни таклиф қилади. Бу билан Аллоҳ Таоло уни онасига қайтарган бўлади ва биринчи башорат амалга ошади. Натижада Мусонинг онаси ўғли учун қўрқмайди ва қайғурмайди.

Мусонинг онаси уни эмизганидан кейин, агар қўрқсанг, уни дарёга ташлагин деган иккинчи буйруқ келди. Ибн Ошур ўзининг тафсирида шундай дейди: «Араблар нутқида *اليم* (дарё) сўзи *البحر* (денгиз) сўзининг синоними бўлиб, уларнинг нутқида денгиз деб катта, мўл сувга айтилади. Шунинг учун азим дарё денгиз дейилади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَا يَنْتَوَى الْبَحْرَانِ هَذَا عَذْبٌ فُرَاتٌ سَائِغٌ شَرَابُهُ وَهَذَا مِلْحٌ أُجَاجٌ﴾

«Дарё-денгиз тенг бўлмас – буниси ширин-тотли ва ичилиши осон, буниси эса шўр-тахирдир» [Фотир 12]

Демак *اليم* дарёдир». Тоҳа сурасининг қуйидаги оятлари тафсир қилганидек Мусони сандиққа солиб дарёга ташладилар. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِذْ أَوْحَيْنَا إِلَىٰ أُمَمِكَ مَا يُوحَىٰ ۖ أَنِ اقْذِفِيهِ فِي التَّابُوتِ فَاقْذِيفِيهِ فِي أَلِيمٍ فَلْيَلْقِهِ أَلِيمٌ﴾

﴿بِالسَّاحِلِ﴾

«Ўшанда сенинг онангга (шундай) ваҳий-илҳом юборгандик: Уни (яъни Мусони) сандиққа солиб, дарёга ташлагин. Бас, уни дарё тўлқини соҳилга отсин» [Тоҳа 38-39]

Бу ишдан мақсад чақалоқнинг Фиръавн саройига етиб бориши ва унинг қўл остида бўлишидир. Шундай қилиб, у Фиръавн хотинининг қатъий талаби туфайли ўлдирилмаслик кафолатини олади.

﴿وَقَالَتِ امْرَأَتُ فِرْعَوْنَ قُرْتُ عَيْنِي لِي وَلَكَ لَا تَقْتُلُوهُ عَسَىٰ أَنْ يَنْفَعَنَا أَوْ نَتَّخِذَهُ وَلَدًا وَهُمْ

﴿لَا يَشْعُرُونَ﴾

«Фиръавниниң хотини (унга): «(Бу бола) мен учун ҳам, сен учун ҳам кўз қувончидир. Уни ўлдирманглар. Шоядки, уни бизларга нафи тегса ёки уни бола қилиб олсак», деди. Улар (ўзлариниң ҳалокатлари шу гўдак қўлида эканини) сезмаган ҳолда (уни бола қилиб олишди)» [Қасос 9]

Бу Аллоҳ Таоло унинг (Фиръавн аелиниң) қалбига чақалоққа бўлган муҳаббатни солганидан кейин бўлди.

﴿وَأَلْقَيْتُ عَلَيْكَ مَحَبَّةً مِّنِّي﴾

«Мен сениң устингга Ўз томонидан бир муҳаббат ташладим (яъни сени кўрган киши суйиб қоладиган ёқимтой бола қилдим)» [Тоҳа 39]

Ваҳоланки, бунда Фиръавнга хатар бор эди. Лекин Аллоҳнинг қудрати буюк ва ҳикмати етукдир.

Аллоҳ Таоло Мусонинг онасини кўрқиш ва қайғуришдан қайтарди. Ибн Ошур булар ҳақида шундай дейди: «Кўрқув ёқтирмайдиган ишни кутишдир. Қайғуриш эса нафс учун нохуш ҳодисадан, масалан, севган нарчасидан маҳрум бўлиш ёки маҳбубини йўқотиш ёки ундан узоқлашиш каби ишлардан келиб чиқадиган руҳий ҳолат. Бу ерда маъно шундай: Уни дарёга ташлашда ҳалок бўлишидан кўрқма ва ундан ажралишдан қайғурма». Аллоҳ Таоло онаниң қалбида кўрқув, изтироб, хавотир ва боласига қайғуриш борлигини билса-да, уни шу ишга йўллади. Чунки У Зот билимдон ва хабардор ҳамда Ўзи хоҳлаган нарсани амалга оширишга қодирдир. У Зот Мусони ўз ғамхўрлиги ва ҳимояси билан яратган ҳамда уни Ўзига танлаган эди. Шунинг учун Аллоҳ Таоло у аёлни мўминлардан бўлишига қалбини хотиржам қилиб қўйди.

﴿وَأَصْبَحَ فُؤَادُ أُمِّ مُوسَىٰ فَرِحًا ۗ إِنَّ كَادَتْ لِتَنبُدِي بِهٖ ۗ لَوْلَا أَن رَّبَّنَا عَلَيَّ قَلْبَهَا لِتَكُونَ مِنِّ

﴿الْمُؤْمِنِينَ﴾

«Мусо (дарёда оқиб кетгач), онасиниң қалби бўм-бўш бўлиб қолди. Агар Биз («Мусони ўзингга қайтарурмиз», деган ваъдамизга) иймон келтиргувчилардан бўлиши учун унинг кўнглини хотиржам қилмаганимизда албатта у (Мусо ўзиниңг ўғли эканини) очиб қўйган бўлур эди» [Қасос 10]

Шунингдек, кўрқув ва қайғуришдан қайтариш, Ибн Ошур айтганидек, ҳар иккисиниң сабабидан қайтаришдир. Яъни

улар ёқтирмайдиган нарсани кутиш ва ажралиш даҳшати ҳақида фикрлашдан қайтаришдир.

Оят икки башорат билан якунланди:

﴿إِنَّا رَأَدُّهُ إِلَيْكَ وَجَاعِلُوهُ مِنَ الْمُرْسَلِينَ﴾

(Зеро Биз уни сенга (тирик ҳолида) қайтаргувчидирмиз ва уни пайғамбарлардан қилгувчидирмиз). Абу Ҳафс Насафий ўзининг «Ат-Тайсир фит-Тафсир» китобида шундай дейди: «Яъни, мен уни сенга эсон-омон қайтараман, рисолатга муносиб ёшга етказаман. Сўнг уни Фиръавн ва унинг қавмига пайғамбар қиламан, у эса уларга раҳбар бўлади, агар унга бўйсунимаса, уларни ҳалок қиламан». Ибн Ошур

﴿إِنَّا رَأَدُّهُ إِلَيْكَ﴾

(Уни сенга қайтаргувчидирмиз) жумласи ҳақида шундай дейди: Бу икки қайтарувнинг илллати ўрнидадир. Чунки унинг ҳузурига қайтиши унинг ҳалок бўлмаслигини ва онаси у узоқ вақт йўқ бўлмагани сабабли унга муштоқ бўлмаслигини англатади. Аммо

﴿وَجَاعِلُوهُ مِنَ الْمُرْسَلِينَ﴾

(Уни пайғамбарлардан қилгувчидирмиз) деган қавли унга қувонч бағишлайди.

Аллоҳ Таолонинг ажойиб тадбирларидан бири – оят очиб берганидек – У Зот Мусо عليه السلامни Фиръавн саройида тарбиялаганидир. Ҳолбуки Фиръавн ўз мулкининг охири унинг қўлида бўлишини билгани учун уни ўлдирмоқчи бўлган эди. Унинг буни билиши ва уни ўлдиришни ният қилиши Аллоҳ Таоло Фиръавннинг хотини эрига айтган сўзларини келтирган оятда яққол кўриниб турибди:

﴿لَا تَقْتُلُوهُ عَسَىٰ أَنْ يَنْفَعَنَا أَوْ نَتَّخِذَهُ وَلَدًا وَهُمْ لَا يَشْعُرُونَ﴾

«Уни ўлдирманглар. Шоядки, уни бизларга нафи тегса ёки уни бола қилиб олсак», деди. Улар (ўзларининг ҳалокатлари шу гўдак қўлида эканини) сезмаган ҳолда (уни бола қилиб олишди)

[Қасос 9]

Аллоҳ Таолонинг қудратига қаранг, у Мусони қандай ҳимоя қилди ва Фиръавнни уни ўлдиришдан тўсди.

Оят – қиссанинг турли ўринлардаги бошқа оятлари билан бирга – Аллоҳнинг амри ижро бўлишига ва унга ҳеч нарса

тўсқинлик қила олмаслигига далолат қилади. Бандалардан талаб қилинадиган нарса эса, Аллоҳга ҳақиқий таваккал қилишдир. Бу ҳақда Аллоҳ Таоло айтади:

وَمَنْ يَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ فَهُوَ حَسْبُهُ إِنَّ اللَّهَ بَلِغُ أَمْرِهِ قَدْ جَعَلَ اللَّهُ لِكُلِّ شَيْءٍ قَدْرًا

«Ким Аллоҳга таваккал қилса, бас, (Аллоҳнинг) Ўзи унга етарлидир. Албатта Аллоҳ Ўзи (хоҳлаган) ишига етгувчидир. (Унинг хоҳишига қарши тургувчи кимса йўқдир). Дарҳақиқат Аллоҳ барча нарса учун миқдор-ўлчов қилиб қўйгандир (яъни ҳаётда рўй берадиган ҳар бир яхши-ёмон воқеа-ҳодиса ёлғиз Аллоҳ хоҳлаган-белгилаган вақт ва ўлчовда рўй беради)» [Талоқ 3]

Аллоҳнинг амри албатта рўй бергувчидир.

﴿بَدِيعَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَإِذَا قَضَىٰ أَمْرًا فَإِنَّمَا يَقُولُ لَهُ كُنْ فَيَكُونُ﴾

«(У) еру осмонларни пайдо қилгувчидир. Бирор ишни ҳукм қилса унга фақат «Бўл» дейди, холос» [Бақара 117]

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Қуръон қиссаларида уни тадаббур қиладиган ақл эгалари учун ибрат ва насиҳат мавжуд. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿لَقَدْ كَانَ فِي قَصصِهِمْ عِبْرَةٌ لِأُولِي الْأَلْبَابِ﴾

«Дарҳақиқат, уларнинг қиссаларида ақл эгалари учун ибрат бордир» [Юсуф 111]

Унда Аллоҳ мўминларга ёрдам бериши муқаррарлигига ва У Зотнинг нусрати шубҳасиз келишига уларнинг қалбларини хотиржам қилиш бор. Мўминлардан талаб қилинадиган нарса эса, улар чиройли амал қилишлари ва Аллоҳга чиройли таваккал қилишларидир. □

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
«Исроил» ҳаво кучлари қўмондонининг Вашингтонга сафари ва Тель-Авивга йирик миқдордаги қурол-яроғ пакети бўйича келишув		
<p>«Йедиот Ахронот» газетасининг ёзишича, АҚШ «Исроил»га қирғинбарот қуроллардан навбатдаги қисмини бериш тўғрисидаги пакетга имзо чекди. Пакет 3 минг дона АҚШ ўқ-дорилари, шунингдек, аввалги президент томонидан вақтинча тўхтатилган 10 минг дона ўқ-дориларни ўз ичига олади. Бу қуроллар «Исроил» ҳаво кучларининг Ғазо ва Эронда йирик ҳарбий операция ўтказишга тайёргарлигини мустаҳкамлашни кўзлайди.</p>		
<p>Бу қарор «Исроил»нинг ички ва минтақавий оғир аҳволда қолган бир пайтга тўғри келди. Яқинда Биньямин Нетаняху бошчилигидаги ҳукумат яҳудий ҳарбий муассасалари ичида урушдан бош тортиш ва асирларни озод қилиш учун ҚАМАС билан келишувга эришишни талаб қилаётган норозиликлар тўлқинига дуч келди. Бу норозиликларнинг илк учқуни ҳаво кучларидаги элита жангчиларини ўз ичига олган юзлаб аскарлар имзолаган мурожаат орқали бошланди. Кейинчалик бу норозилик тўлқини разведка бўлимлари, десантчи бўлинмалар, пиёда қўшинлар ва бошқа бўлинмаларга ҳам тарқади.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Бир ярим йил ўтди ҳамки, бу вужуд оз сонли мужоҳидларга қарши туриш учун ҳалигача ёрдамга муҳтож бўляпти... У ҳолда, тасаввур қилаверинг, эртага унга қарши жанг қилиш учун мусулмон армияси қўзғалганда нима аҳволга тушади?!</p>		
Ғарб университетлари талабалари Ғазодаги инсониятга қарши жиноятларга норозилик билдириб қўзғолон кўтармоқда		
<p>«Нью-Йорк Таймс» газетаси номаълум манбаларга таянган ҳолда хабар беришича, Гарвард университети 11 апрел куни ҳукумат юристларидан мактуб олган. Бу мактуб АҚШ президенти Доналд Трамп маъмуриятидаги юқори лавозимли шахслар томонидан маъқулланиб, тарқатишга рухсат берилишидан аввал юборилган.</p>		
<p>Шу муносабат билан «Вашингтон Пост» газетаси Гарвард университетига таяниб ёзишича, Трамп маъмурияти</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>университет маъмуриятининг талабларини бажаришдан бош тортган, сўнг таҳдидларни янада кучайтирган. Университет Трамп маъмуриятининг бу чора-тадбирлари талабалар, ходимлар ва олий таълим учун оғир оқибатларга олиб келишини айтган.</p>		
<p>Кейинчалик Трамп маъмурияти Гарвард университетига ажратилган 2,3 миллиард долларлик молиялашни тўхтатиб қўйди ҳамда солиқ имтиёзларини ва хорижий талабаларни қабул қилиш ҳуқуқини бекор қилиш билан таҳдид қилди. Шунингдек, маъмурият университетдан унинг ташқи алоқалари, талабалари ва ўқитувчилари ҳақида маълумотларни талаб қилган.</p>		
<p>Трамп январ ойида президентлик вазифасига киришганидан бери АҚШнинг энг машҳур университетларига қарши кампания олиб бормоқда. У ўтган йили Фаластинни қўллаб-қувватлаган норозилик намойишларига университетлар нотўғри муносабатда бўлмоқда ва антисемитизм кучайишига йўл қўймоқда, деган эди.</p>		
<p>Фаластинни қўллаб-қувватловчи намойишлар Колумбия университетидан бошланиб, юртдаги 50 дан зиёд университетга тарқалди. Полиция 3100 дан зиёд одамни ҳибсга олди, уларнинг кўпчилиги талабалар ва ўқитувчилар эди.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Ҳазода содир этилаётган жиноятлар шундай улкан ва даҳшатлики, бу қалби бор ҳар бир инсоннинг қалбини титратмоқда. Шунинг учун Ғарб университетларидаги талабалар бу қирғин ва ваҳшийликларга қарши чиқиб, норозилик билдирди. Бу эса АҚШ маъмуриятини жиддий хавотирга солмоқда. Чунки Ҳазодаги уруш ёш авлоднинг онгини ўзгартириб, яҳудийларга нисбатан аввалги тушунчаларни йўққа чиқаряпти. Илгариги авлодлар ишониб келган «яҳудийлар мазлум халқ», деган тасаввур энди шубҳа остида қолиб, рад этилмоқда. Ёш авлод учун яҳудийларнинг «мазлум» қиёфаси «золим» ва «йиртқич» башарага айланди. Бу ҳолат АҚШдаги қарор қабул қилувчилар учун хавф сигналинини чалмоқда.</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
«SNHR» Сурияда ўтиш даври адолати учун кенг қамровли «йўл харитасини» таклиф қилди		
<p>«SNHR» (Сурия бўйича инсон ҳуқуқлари тармоғи) ўз ҳисоботида мамлакатда ўтиш даври адолатига эришиш борасидаги қарашларини баён этди ва ўтиш даври адолати – Суриядаги можаролар оқибатларини бартараф этиш, қонун ўстуворлиги ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, шунингдек, миллий ярашувга асосланган барқарор давлат қуришнинг энг тўғри усули эканини таъкидлади.</p> <p>Сурия Инсон Ҳуқуқлари Тармоғи (SNHR) концепциясида ўтиш даври адолати учун масъул ихтисослашган миллий идорани тузиш ва бошқариш бўйича ҳуқуқий база тақдим этилган. Унда ўтиш даври адолатининг асосий принципларига риоя қилиш зарурлиги айтилган ва бундай муассасанинг таъсис қонуни миллий қонунларга таяниши ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга мос келиши алоҳида таъкидланган. Бу эса миллий муассасага маҳаллий ва халқаро даражада қонуний мақом беради.</p> <p>Ал-Ваъй: Асад ва унинг ўлиб кетган отасининг жиноятларига аввал сукут сақлаган, ҳатто қўллаб-қувватлаган ўша халқаро стандартлар эмасми? Энди эса ўшалар инсон ҳуқуқлари ҳақидаги шу халқаро стандартлар тўғрисида гапиришмоқда!</p>		
Вашингтон Сурия ҳукуматига: «Агар фаластинлик гуруҳларни мамлакатингдан чиқариб юборсанг, санкциялар юмшатилади»		
<p>АҚШ президенти Дональд Трамп маъмурияти Суриянинг янги ҳукуматига қаттиққўл муносабатда бўлишини огоҳлантириб, бир қатор талабларни қўйди. Улар орасида экстремистларга қарши чораларни кучайтириш ва фаластинлик қуролли ҳаракатлар аъзоларини мамлакатдан чиқариб юбориш каби талаблар бор. Қачон шу талаблар бажарилса, АҚШ айрим санкцияларни қисман енгиллаштириши мумкинлиги билдирилди.</p> <p>Америкалик расмийларга кўра, Оқ уй сўнгги ҳафталарда Сурия ҳукуматига сиёсий йўлланмалар берган ва мамлакатдаги кимёвий қуролларни назоратга олиш каби дадил қадамлар ташлашни тайинлаган. Бунинг эвазига Вашингтон Дамашққа</p>		

гуманитар ёрдам оқимини тезлаштириш мақсадида, Жо Байден маъмурияти аввал жорий қилган санкцияларнинг айрим турларига берилган истиснони яна бир муддатга узайтиришни кўриб чиқмоқда.

Арабий Жадид газетасининг ёзишича, мазкур кўрсатмалар Трамп маъмуриятининг Сурия ҳукуматига ишонмаслигини кўрсатади. Газета шуни ҳам таъкидладики, сиёсий режада Россия ҳақида ҳеч қандай эслатма йўқ, бу эса Трамп маъмуриятининг, камида ҳозирча, Байден даврида Вашингтон томонидан Дамашққа қаратилган босимни енгиллатганини кўрсатади. Ўша пайтда АҚШ Сурияни рус ҳарбий базаларидан халос бўлишга мажбурлаш учун босим ўтказган эди. Бу ҳолат АҚШ расмийлари Москва билан Украинадаги урушни тўхтатиш бўйича музокаралар олиб бораётган бир пайтда рўй бермоқда.

«Уолл-Стрит Журнал» газетасида АҚШ давлат департаменти вакилига таяниб аниқ таъкидланишича, «Америка ҳозирда ҳеч қандай вужудни Сурия ҳукумати сифатида тан олмайди» ҳамда «Суриядаги муваққат ҳукумат терроризмдан тўлиқ воз кечиб, уни қаттиққўллик билан бостириши шарт».

Ал-Ваъй: Ким Ғарбни рози қилиш орқали тахтимни сақлаб қоламан деб ўйлаётган бўлса, адашибди. Шу ўринда биз Ҳизб ут-Таҳрир амири Абу Рошта (ҳафизахуллоҳ)нинг Ғарбни рози қилиб, Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлганлар ҳақида айтган сўзлари эсга оламиз: Бу нарса ўз мансаб курсисини сақлаб қолади, деб ўйлаётган бўлса, хомхаёл қилибди. Чунки мустамлакачилар бу режимдан қачонки уларга мунтазам хизмат қилсагина рози бўлади. Росулulloҳ ﷺ бундай хомхаёл соҳибининг зиёнга учраши ҳақида бизга хабар берганлар. Ибн Ҳиббон ўзининг саҳиҳида Қосимдан, у эса уммул мўъминин Оиша رضي الله عنها дан чиқарган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ шундай дедилар:

«مَنْ أَرْضَى اللَّهَ بِسَخَطِ النَّاسِ كَفَاهُ اللَّهُ، وَمَنْ أَسَخَطَ اللَّهَ بِرِضَا النَّاسِ وَكَأَنَّهُ إِلَى النَّاسِ»

«Кимки одамларни ғазаблантириб, Аллоҳни рози қилса, Аллоҳ унга (ёрдам бериш борасида) кифоя қилади. Кимки одамларни рози қилиб, Аллоҳни ғазаблантирса, Аллоҳ уни ўша одамларга ташлаб қўяди».

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Мустамлакачи кофирларни рози қилиш учун уларга тобе бўлган ва уларнинг этагини тутган кимсаларнинг оқибатига назар ташлаган киши, уларнинг бу аҳволида ўзининг оқибатини кўради:</p> <p>﴿إِنَّ فِي ذَلِكَ لَذِكْرًا لِمَنْ كَانَ لَهُ قَلْبٌ أَوْ أَلْقَى السَّمْعَ وَهُوَ شَهِيدٌ﴾</p> <p>«Албатта бунда (огоҳ) қалб эгаси бўлган ёки сидқидилдан қулоқ тутган киши учун эслатма-ибратлар бор» [Қоф 37]</p>		
<p>Нью-Йоркда намойишчилар «Америкага қирол керакмас», «Зулмга қарши олға!» каби ёзувларни кўтариб чиқишди</p>		
<p>Американинг кўплаб штатларида минглаб одамлар президент Дональд Трамп сиёсатига қарши норозилик намойишларига чиқишди. Вашингтонда Оқ уй олдида йиғилган юзлаб одамлар Трампни авторитар бошқарув олиб бораётганликда ва қонуний тартиб-қоидаларга амал қилмасдан чет элликларни депортация қилаётганликда айбладилар. «Бизда қиролга ўрин йўқ», деб ёзилган плакатларни кўтариб чиқиб, мигрантларни депортация қилинганини ноқонуний, дея баҳолашди ва «Уларни ўз ватанларига қайтаринг», дея ҳайқаришди.</p>		
<p>Нью-Йоркда ҳам норозилик намойишлари бўлиб ўтди, шаҳар жамоат кутубхонаси олдида юзлаб одам йиғилди. «Вашингтон Пост» газетаси маълумотига кўра, бошқа кўплаб шаҳарларда ҳам шунга ўхшаш акциялар ўтган. Икки ҳафта аввал минглаб одамлар томонидан ўнлаб штатларда йирик миллий норозилик намойишлари бошланган эди.</p>		
<p>Ал-Ваъй: АҚШ ҳам бошқа давлатлар ва мамлакатлардан фарқ қилмайди, барча давлатлар дунёда айланиб турадиган қонунга бўйсунмай иложи йўқ. Аллоҳ Таоло</p>		
<p>﴿وَتِلْكَ الْأَيَّامُ نُدَاوِلُهَا بَيْنَ النَّاسِ﴾</p>		
<p>«Бу кунларни (яъни нусрат ва мағлубият кунларни) одамлар орасида айлантириб турамиз» [Оли Имрон 140]</p> <p>деб қўйган. Рум ва Форс империялари қулади, Япония империяси мағлуб бўлди, қуёши ботмайдиган Британия империяси орқага чекинди, нацист Германияси қулади, Наполеоннинг Францияси мағлуб бўлди ва яна кўплаб</p>		

империялар йўқ бўлди, демак, Америка ҳам – Аллоҳнинг изни ила – яқинда мағлуб бўлади ва тарих тўзонлари остида қолади. Мана, унинг заифлик ва чекиниш аломатлари очиқ-ойдин кўринмоқда. Ёриқлари эса шунчалик кенгайдик, энди уни ямашга ҳеч кимнинг қудрати етмайди. □

﴿إِنَّ اللَّهَ بَلِغُ أَمْرِهِ قَدْ جَعَلَ اللَّهُ لِكُلِّ شَيْءٍ قَدْرًا﴾

«Албатта Аллоҳ Ўзи (хоҳлаган) ишига Етгувчидир. Дарҳақиқат, Аллоҳ барча нарса учун миқдор-ўлчов қилиб қўйгандир»

Боҳир Солиҳ – Фаластин

Куфр етакчиси Трамп ва унинг ўзини салибчи эканлигини, ўзи «терроризм» деб атаган Исломга нисбатан шафқат қилишга ёки у билан бирга яшашга унинг ёнида жой йўқлигини очиқ эълон қилган маъмурияти... Бир ярим йилдан бери қўли мусулмонлар қонига ботиб келаётган (Исроил) бош вазири жиноятчи Нетаньяху... Мусулмонлар фойдасига ҳеч бир иш қилмай, уларнинг аёллари, эркалари ва қарияларини ўлдириши, мусулмон юртларни бомбардимон қилиб, пойтахтларини вайрон этиши учун Умнат душманлари бўлган яҳудийлар ва Америка билан тил бириктираётган мусулмон ҳукмдорлар... Ёвуз ҳукмдорларга садоқат кўрсатиб, уларнинг югурдаклари бўлишни танлаган ҳаракат ва партиялар... Диндан кўра дунёни, ҳақни очиқ айтишдан кўра жим туришни танлаган уламолар... Булардан бошқа кўплаб омиллар ва саҳнани деярли зулматга айлантирган воқеалар туфайли Ислом Уммати устида зулматли кунлар тобора кучайиб бормоқда.

﴿كَظَلَمْتَ فِي بَحْرِ لُبِّي بَعْسَهُ مَوْجٌ مِّنْ فَوْقِهِ مَوْجٌ مِّنْ فَوْقِهِ سَحَابٌ ظَلَمْتَ بَعْضَهَا فَوْقَ بَعْضٍ إِذَا أَحْرَجَ يَدَهُ لَمْ يَكِدْ يَرِنَهَا﴾

«(Кофирларнинг қилган амаллари) тўлқин устига тўлқин, яна унинг устидан (қора) булут қоплаб олган денгиздаги зулматларга ўхшайди. (Улар) устма-уст зулматлардир. У ўз қўлини чиқариб (қараса, қоронғиликнинг қуюқлигидан) уни кўришга яқин бўлмас»
[Нур 40]

Лекин... қийинчиликдан кейин енгиллик, зулматдан кейин ёруғлик келмайдими?!

Абу Абдуллоҳ Хаббоб ибн Аратдан ривоят қилинган ҳадисда у айтади: Росулulloҳ ﷺ каъбанинг соясида бурдаларини ёстиқ қилиб ётганларида, биз У зотга шикоят қилиб, «Биз учун ёрдам сўрамайсизми, биз учун дуо қилмайсизми?», дедик. Шунда у зот айтдилар:

﴿قَدْ كَانَ مِنْ قَبْلِكُمْ، يُؤْخَذُ الرَّجُلُ فَيُحْفَرُ لَهُ فِي الْأَرْضِ، فَيُجْعَلُ فِيهَا، فَيُجَاءُ بِالْمِنْشَارِ فَيُوضَعُ عَلَى رَأْسِهِ فَيُجْعَلُ نِصْفَيْنِ، وَيُمَشَطُ بِأَمْشَاطِ الْحَدِيدِ، مَا دُونَ حَمِيهِ وَعَظْمِهِ، فَمَا يَصُدُّهُ ذَلِكَ عَنْ دِينِهِ، وَاللَّهُ لَيَتِمَّنَّ هَذَا الْأَمْرَ، حَتَّى يَسِيرَ الرَّكِبُ مِنْ صَنْعَاءَ إِلَى حَضْرَمَوْتٍ، لَا يَخَافُ إِلَّا اللَّهَ، وَالذُّنْبَ عَلَى غَنَمِهِ، وَلَكِنَّكُمْ تَسْتَعْجِلُونَ﴾

«Сизлардан аввалгилар даврида киши ушлаб келиниб, унга чуқур қазилар, сўнг шу чуқурга туширилиб, арра олиб келинар ва шу арра билан бошини ўртасидан иккига бўлиб ташланар эди. Темир тароқлар билар таралиб, гўшти билан суюги ажратиб олинарди. Аммо бу нарса уни динидан қайтаролмас эди. Аллоҳга қасамки, албатта Аллоҳ бу ишни тамомига етказгай. Ана шунда Санъодан Ҳазрамавтга йўл олган отлиқ ҳеч нарсадан қўрқмай бемалол борадиган бўлади. У фақатгина Аллоҳдан ва қўйларини бўри еб кетишидан қўрқади, холос. Сизлар эса, шошяпсизлар».

Мусулмонларнинг аҳволи ўзгариб, улар учун дунё тор бўлиб қолиши биринчи марта эмас ва охиргиси ҳам бўлмайди. Лекин бу Аллоҳнинг коинотдаги ва мўмин бандалари орасидаги қонунидир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿مَا كَانَ اللَّهُ لِيَذَرَ الْمُؤْمِنِينَ عَلَىٰ مَا أَنْتُمْ عَلَيْهِ حَتَّىٰ يَمِيزَ الْخَبِيثَ مِنَ الطَّيِّبِ ۗ وَمَا كَانَ اللَّهُ لِيُظِلَّكُمْ عَلَىٰ الْغَيْبِ﴾

«Аллоҳ мўминларни сизлар бўлган мана шу ҳолатда (яъни ким мўмин-у, ким мунофиқлиги маълум бўлмаган ҳолатда) ташлаб қўювчи эмас. Ҳали у нопокни покдан ажратади. Аллоҳ сизларни ғайб илмидан хабардор қилмади» [Оли Имрон 179]

Албатта, қийинчиликдан кейин енгиллик келади, тун қоронғисидан кейин тонг отади. Лекин

﴿قَدْ جَعَلَ اللَّهُ لِكُلِّ شَيْءٍ قَدْرًا﴾

«Аллоҳ барча нарса учун миқдор-ўлчов қилиб қўйгандир» [Талоқ 3]

﴿وَيَأْتِي اللَّهُ إِلَّا أَنْ يُنَمَّ نُورُهُ ۖ وَلَوْ كَرِهَ الْكَافِرُونَ﴾

«Аллоҳ эса – гарчи (кофирлар) ёмон кўришса-да – Ўз нуруни комил қилишни (яъни, ҳар тарафга ёйишни) истайди» [Тавба 32]

Аллоҳим, ўша кунни яқин қил. □

МИСР ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ФАТВО ЧИҚАРИШНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИ МАЪҚУЛЛАДИ

Миср вазирлар маҳкамаси вақфлар вазирлиги тақдим этган фатво чиқаришни тартибга солувчи қонун лойиҳасини маъқуллади.

Қонун лойиҳасининг қоидалари шаръий фатво чиқаришни ва шаръий фатво чиқариш учун масъул бўлганларни тартибга солиш учун қўлланилади. Қонун лойиҳаси матбуотга, оммавий ахборот воситаларига, веб-сайтларга, ижтимоий тармоқ akkaунтларига, электрон дастурларга фақат мутахассислар томонидан чиқарилган фатволар мазмунини қонун ҳужжатларида кўрсатилганидек чоп этиш ва эфирга узатиш мажбуриятини юклайди. Бу мажбурият шаръий фатво ҳақида программалар тайёрлаш ёки шаръий фатво чиқариш учун масъул шахсларни студияга чақиришда ҳам юкланади. Қонун лойиҳасида, хусусан, фатво чиқаришга ваколатли шахсларни белгилаш ёки оммавий ахборот воситалари ва матбуотнинг мажбуриятлари бўйича унинг қоидаларини бузган ҳар қандай шахсга нисбатан жазо чоралари белгиланган.

Қонун лойиҳасида – хоҳ тегишли рухсатсиз фатво чиқариш билан, хоҳ ваколатли томонлардан берилгани тасдиқланмай туриб оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш билан – унинг қоидаларини бузган ҳар қандай шахсга нисбатан қатъий жазо чоралари кўзда тутилган. Шунингдек, фатвонинг энг чиройли тарзда татбиқ этилишини таъминлаш учун вақфлар вазирлиги, Азҳари Шариф ва тегишли ижро этувчи органлар ўртасини мувофиқлаштириш таъминланади.

Ал-Ваъй: Биз ўз изоҳимизда Ҳизб ут-Таҳрир – Миср вилояти матбуот бўлими баёнотида келган сўзларни такрорлаймиз: Эй Азҳар уламолари ва эй Умнат уламолари: Сизлар пайғамбарлар ворисларисиз, Аллоҳнинг олдида мақомингиз улўф ва омонатингиз тоғлардан ҳам оғир. Бугун ҳукмлар оёқ-ости қилинаётган, Ислому бузиб кўрсатилаётган ва фатволардан фойдаланиб, ҳукмдорлар зулми оқланаётган бир даврда яшаймиз. Шундай экан, золимга ёрдамчи, тоғут қўлидаги қилич ва вазирлик ёки фатво идораси акс-садоси бўлманг. Аксинча, Аллоҳ буюрганидек, Унинг амру-фармонларини бандаларга етказувчи бўлинг:

﴿الَّذِينَ يُبَلِّغُونَ رِسَالَاتِ اللَّهِ وَيَحْشُرُونَهُ، وَلَا يَخْشَوْنَ أَحَدًا إِلَّا اللَّهَ﴾

«Улар Аллоҳнинг рисолатини (бандаларга) етказадиган, У Зотдан қўрқадиган ва Аллоҳдан ўзга бировдан қўрқмайдиган зотлардир» [Аҳзоб 39]

Ҳақ сўзни айтинг, шариат аҳкомларини баён қилинг, мазлумларга ёрдам беринг, диннинг монополия қилинишини ва хонакилаштирилишини рад этинг. Росулulloҳ ﷺ дедилар:

﴿أَفْضَلُ الْجِهَادِ كَلِمَةٌ حَقٌّ عِنْدَ سُلْطَانٍ جَائِرٍ﴾

«Энг афзал жиҳод золим султон ҳузурда айтилган ҳақ сўздир». Билинги, тарих раҳм қилмайди, Умнат кузатади ҳамда Парвардигорингиз сизлардан ҳақ яширилганида, содиқ кишилар қамалганида ва дин монополия қилинганида нима қилганингиз ҳақида сўрайди. □